

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**“ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ”**

Республика илмий-амалий конференция тўплами

ТОШКЕНТ – 2022

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Масъул муҳаррир
техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов

Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий-хуқуқий кафолатлари: Республика илмий-амалий конференция тўплами / Масъул муҳаррир техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022. – 204 б.

Ушбу тўпланда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида «Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий-хуқуқий кафолатлари» мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари жамланган. Хусусан, тўпланда мамлакатимизда амалга оширилаётган жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хуқуқий ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳамда бугунги кунда мавжуд бўлган долзарб муаммолар, уларнинг ечими борасида илмий жамоатчилик ва соҳа мутахассисларининг фикр, мулоҳазалари баён этилган.

Тўпланим профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, амалиёт ходимлари, тингловчилар ва барча кизикувчиларга мўлжалланган.

УДК 343.9(571.1)(063)

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон ўзгармоқда, янгиланмоқда, ёшармоқда. Одамларнинг кўз ўнгида янги Ўзбекистон бўй кўрсатмоқда. Йиллар мобайнида атроф муҳитда юз бераётган ўзгаришларга пассив томошабин ёки истеъмолчи позициясида турганларнинг аксарияти эндиликда воқеаларнинг реал иштирокчиси бўлиб, ўзлари ҳам ўзгармоқда. Янги Ўзбекистонда фаоллик, яратувчанлик руҳида яшаш ҳар бир инсон учун ҳаёт тақозаси, ижтимоий заруратга айланди. Янги Ўзбекистонимизнинг олий ижтимоий мўлжали – мамлакатимизнинг Бош қомуси бўлган Конституциямизда акс этган моҳиятан эзгу ва инсонпарвар мазмунни ҳаётга жорий этишда, айниқса, ёрқин, намоён бўлмоқда. Бу улуг ҳаракат, энг аввало, одамларнинг яратувчанлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон капитали имкониятларидан самарали фойдаланишга ўтишдан иборат фаолиятда ёрқин ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг туб моҳияти турмуш тарзимизнинг барча жабҳаларини тубдан яхшилаш, инсонлар ҳаётининг бугуни ва эртасини обод этишдан иборат. Бу янги инсонпарвар сиёсат мамлакатимизнинг барча аҳолисини, хусусан, жамиятимизнинг энг эҳтиёжманд, кўмакка муҳтож қатламлари вакилларига ҳам муносиб турмуш шароитлари яратиб бериш, озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаб бериш тартибини амалиётга жорий этиш, 4 мингдан зиёд шахсни авф этиб, эркин ҳаётга қайтарилиши, 10 мингга яқин юртдошларимизга Ўзбекистон фуқароси мақоми берилиши, ўзга юртларда отасининг хатоси сабабли хор-зор бўлиб юрган, уруш олови ичидаги Яқин Шарқ ва Афғонистондан аёллар ва болаларнинг “Меҳр” инсонпарварлик тадбирлари орқали Ватанимизга қайтарилганлигида намоён бўлмоқда.

Бу янги ижтимоий сиёсат жамиятимиздаги барча ижтимоий қатламларга мансуб фуқароларга мулкка эга бўлиш, муносиб иш, ўқиш, дам олиш ва даволаниш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишида намоён бўлмоқда.

Хусусан, сўнгги икки-уч йил ичида ёшлар учун олий таълим олиш имкониятининг 8 фоиздан 30 фоизга кўтарилгани, ҳар бир вилоят

* ИИВ Малака ошириш институти бошлиғи, т.ф.н., доцент.

марказларида замонавий кардиология ва ички касалликларни даволаш марказлари курилиб, ишлай бошлаганлигида, маҳаллий бошқарув соҳаси ходимлари, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа касб соҳиблари ойлик маошлари узлуксиз ошириб борилаётганлигида яққол ифода бўлмоқда. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ана шу кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлиги, энг аввало, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англашлари, ҳуқуқий маданият кўникмаларига эга бўлишлари билан боғлиқ. Бунинг учун мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий стратегияни яратишга киришилгани ва бу борада бой амалиёт қўлга киритилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Мамлакатимиз Конституцияси халқимизнинг кўп йиллик орзу-интилишларини, мустақил давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосини ўзида мужассам этган олий ҳужжат сифатида барчамиз учун қадрлидир.

Асосий қонунимиз бўлган Конституция мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда юртимизнинг дунёда муносиб ўринга эга бўлишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Барчамизга яхши маълумки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аввало инсон манфаатлари, унинг дахлсизлигига қаратилиб, мазкур жараёнда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг муносиб ўрни бор.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар органларидир” деб алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, ички ишлар органларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бош қомусимизда белгиланган халқчиллик тамойиллари асосида жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айниқса, Президентимиз Конституциямизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳияти ҳақида гапирар эканлар «Халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш-муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Бошлаган улкан ислоҳотларимизни самарали амалга оширишда ушбу масалаларнинг аҳамияти кун сайин тобора ортиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Айнан шу сабабли Бош қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш – барчамизнинг шарафли бурчимиздир» деган сўзларидан Азиз

Ватанимиз равнаки, учун олдимизда жуда катта масъулият турганлигини қайта-қайта англамоқдамиз.

Сохибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур.

“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови” деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Конституция ўзида инсоннинг халқаро умумэътироф этилган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида жамлаган ва олий юридик мақомга эга ҳужжатдир.

Уни халқчил тилда тушунтирадиган бўлсак, Конституция инсонларга мамлакатада эркин яшаш, ўзини юрт ҳимоясида эканлигини ҳис қилишлари учун шароит яратади. Ушбу Конституция фуқароларга муайян ҳуқуқ ва ўз навбатида мажбуриятларни ҳам юклайди. Шу кунга қадар қабул қилинган қонун, қарор, фармон, кодекс ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси Конституцияга асосланади ва уни тўлдиради.

Шундай экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар барчамиз учун ўта муҳим ва аҳамиятлидир. Қолаверса, ҳозирда

хар бир фуқарога Ўзбекистон Республикаси Конституциясига таклиф бериш бўйича барча имкониятлар яратилган.

Ушбу жараёнда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти ҳам фаол иштирок этиб, аҳоли муурожаатлари асосида тайёрланган таклифларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиясига киритди.

Маълумки, инсон қадрини улуғлаш, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланди.

Ушбу жараёнда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган янги нормалар, тартиб ва қоидалар ўзининг ижобий натижасини бериш билан бирга жамиятда ҳал этилиши керак бўлган масалаларни ҳам кўрсатди.

Бундан олдин Конституцияга киритилган нормалар асосан давлат бошқаруви ташкилотларига тааллуқли бўлган бўлса, эндиги ўзгаришлар инсон қадри ва ҳуқуқларининг таъминланишига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказган учрашувида ҳам баъзи масалаларни илгари сурди.

Бош қомусимиз лойиҳасини ишлаб чиқишда биринчи йўналиш сифатида “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи”, яъни “ижтимоий давлат” барпо этиш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда мазмунан янги давлат, янги жамият таркиб топмоқда. Янги жамиятга мос янги тартиботлар, янги кадриятлар, муносабатларнинг янги тизими шаклланмоқда. Бинобарин, Конституциямизда қайд этилганидек, мамлакатимизда том маънодаги моҳиятан янги халқ давлатининг ҳуқуқий асослари шакллантирилмоқда. Сўнги уч йилда янги ҳаётнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган – 70 та қонун ва 350 та Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Турмушимизга янги иборалар, хусусан, “халқ билан мулоқот”, “халқ қабулхоналари”, “халқ манфаати”. “электрон ҳуқуқмат”, “виртуал қабулхона”, “портал”, “механизм”, “ҳақиқий кадриятлар”, “шахсий масъулият”, “ташаббускорлик”, “арзон уйлар”, “халқ дарду ташвиши”, “тўғрилиқ”, “ҳалоллик”, “давлат-хусусий шерикчилиги”, “маърифат”, “йўл харитаси”, “ватанпарварлик”, “кафолатланган хавфсизлик”, “китобхонлик кўникмаси”,

“профилактика” ва бошқа сўзлар кириб келди ва турмуш тарзимизнинг ажралмас бўғинига айланди.

Халқ давлатини қуриш нафақат ўзбек халқининг, балки бутун дунёнинг ҳам орзуси бўлиб келган. Ана шундай давлатни қуриш учун “демократия” атамаси ҳам кашф этилган эди. Узоқ антик даврларда пайдо бўлган бу атама ҳалигача ўзининг ҳақиқий қиёфаси ва ҳаётда тўла рўёбига эриша олгани йўқ. Мамлакатимизда уч минг йиллик орзудаги тузум, яъни халқ давлати тузишга киришилди.

Бугун Ватанимизда ўтаётган ҳар бир кун инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя этиш, одамларни рози қилиш, уларни бахтли-саодатли қилувчи янги мазмун билан тўла кечмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг пировард мақсади ҳар бир инсон эрки ва манфаатларини устувор билувчи халқ давлатини барпо этишдан иборат.

Ўзбекистон Конституцияси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсирида жиддий зиён кўрган маънавий дунёмизни ҳам тубдан янгилаш ва юксалтиришни назарда тутди. Ҳозирги даврдаги жадал тараққиёт тенденциялари мамлакатимизни индустриал ривожлантиришда шахс салоҳияти, маънавий–интеллектуал омил ривожига устувор аҳамият қаратишни долзарб масалага айлантirdи.

Ватанимизнинг барқарор тараққиёти учун мавжуд интеллектуал салоҳиятни самарали ишга солиш, мутахассисларнинг ўз фаолиятига онгли ёндашувини шакллантириш, уларнинг шахсий масъулият ва ташаббускорлик фазилатларини кучайтириш катта аҳамиятга эга.

Инсоннинг шахсий масъулият, ташаббускорлик ҳамда фидоийлик фазилатлари эса Ватанни чин дилдан севишдан, ватанпарварликдан куч олади, деб алоҳида қайд этадилар. Ватанпарварлик тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Президентимиз айтганидек, “Ҳар қандай давлат маънавий сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташкил этади”. Бу эса одамларни ўз маънавий бисотлари, интеллектуал мулкларини нечоғли ўзлаштиришлари, китоб мутолаасига нечоғлик киришишлари билан ўлчанади. Шу боисдан Президентимиз китоб мутолаасини ривожлантириш масаласини давлатимизнинг устувор сиёсати даражасига олиб чиқди.

Ўзбекистон Конституцияси давлат ва жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ватанпарварлик омилига мустаҳкам таяниб амал қилади. Ватанни севиш ўз оиласи, маҳалласи, касби, ҳудуди ва Ўзбекистонни кадрлашда намоён бўлади. Ватан тараққиётини барқарор

таъминловчи яна бир омил – одамларнинг ўзаро муносабатлари тизимини янада инсонийлаштириш.

Инсонийлашган муносабатлар негизида барча жабҳаларда тўғрилиқни, ҳақгўйлик, сидқни мустаҳкам жорий этиш муаммоси ётади. Атоқли муҳаддис Ҳаким ат-Термизий сидқни ҳақиқат билан бир нарса деб қарайди: “Сидқнинг бошланиши тўғрилиқдир, тўғрилиқнинг асли эса Ҳақ таолодан сенга билдирилган ва берган нарсасида чиройли ихтиёр қилишингдир. Унинг иши ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйишдир”, деб таъкидлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда аҳил жамият, дўстлик ва муҳаббат муҳитини барпо этади. Инсонлараро ички боғлиқлик, меҳр ришталари мустаҳкам боғланади. Ҳалоллик, айниқса, ҳар бир ишда тўғрилиқни бош қадрият деб билиш, уни иймон даражасида эъзозлаш ҳар бир инсоннинг эътиқодига, ҳаёт маслагига айланади.

И.Исмаилов¹

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон халқи ўзининг мухтор вакиллари сиймосида 1992 йил 8 декабрда қабул қилган Конституцияси муқаддимасида қайд этилган мақсадларга эришиш, хусусан: а) инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини; б) ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини; в) ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянишни; г) демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини амалда намоён этишни; д) халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини; е) республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларига эришишни; ж) инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни; фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини амалда таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Дунёда таҳдид ва тавожулар кучайиб ҳамда кенгайиб бораётган бугунги шароитда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикнинг, барқарор ривожланиш таъминланаётганлигининг асосий шартларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг нормалари

¹ Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг профессори, юридик фанлар доктори, профессор

талабларини ҳаётда таъминлаш бўйича қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларига асосан амалга оширилаётган туб ислоҳатлар ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Конституция ва унинг барча нормалари жамоат хавфсизлигини таъминлаш талабларини ўзида мужассам этсада, лекин унинг бир қатор нормалари бевосита мамлакат ва унинг барча маъмурий-худудий бирликларида махсус ваколатли давлат органларидан фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикчиликда “шахс – жамият – давлат” хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширишни тақозо этади.

Тадқиқотлар Конституциянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш талабларини ўзида мужассам этган нормаларини беш гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил қилиш имконини берди.

Биринчи гуруҳга, конституциявий принципларига оид бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2, 3, 7, 13-16 моддаларни киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига оид умумий қоидалар, шунингдек фуқаролик институтига бағишланган 19-23-моддаларда кўрсатилган нормаларни киритамиз.

Учинчи гуруҳга, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари мустаҳкамланган қуйидаги нормаларни киритишимиз мумкин. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-29, 31, 33, 35-моддаларида белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилиш талабларини ўзида мужассам этган асосий қоидалардир.

Тўртинчи гуруҳга, инсон, шу жумладан алоҳида ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган тоифага кирувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига оид 43-46-моддаларида белгиланган нормаларни киритиш мумкин.

Бешинчи гуруҳга, фуқароларнинг бурчларига оид бўлган 48-52-моддаларида кўрсатилган нормаларни киритиш мумкин.

Олтинчи гуруҳга, Конституциянинг жамият ва шахс номли бўлимидаги жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила ва оммавий ахборот воситаларига оид бўлган 53-55, 57, 58, 61-67- моддаларда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни киритами.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кейинги бошқа бўлим ва бобларида белгиланган нормалар асосан давлат ва унинг ваколатли органлари ҳамда мансабдор шахслари зиммасига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида, ўзаро ҳамкорликда, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикчиликда миллий хавфсизликни, хусусан унинг

ажралмас таркибий қисми бўлган жамоат хавфсизлигини таъминлаш масъулиятни юклайди.

Давлат, унинг масъул органи томонидан ўзбек халқи томонидан берилган ваколатлар асосида ишлаб чиқилган ва амалга оширилиб келинаётган ички ҳамда ташқи сиёсати асосида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамоат хавфсизлиги, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими шаклланди [2]. Мазкур миллий тизим ўзининг назарий-методологик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник, кадрлар билан таъминлаш бўйича асосларига эга бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғиқдир. Жамоат хавфсизлиги асосларининг биридаги ижобий ўзгаришлар албатта бошқа асосларда ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келиши ёки уларнинг биридаги салбий жараёнлар бошқаларида ҳам салбий оқибатлар вужудга келишини тақозо этади.

Бугунги глобаллашув жараёнида миллий хавфсизликка, унинг ажралмас таркибий қисми бўлган жамоат хавфсизлигига таҳдид ва тажовузларнинг кучайиб бораётганлиги, унинг асосларини барча йўналишлари бўйича такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда охири олти йилда Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегиясига мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш миллий тизимини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ:

биринчидан, “Хавфсиз туризм” [3], “Хавфсиз шаҳар” [4], “Хавфсиз пойтахт” [5], “Одоб ва хавфсиз маҳалла” [6] концепцияларининг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги;

иккинчидан, ҳудудларни секторлар кесимида бошқарув тизимининг [7], халқ билан мулоқат қилиш ва мурожаатлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизимлари [8] жорий этилганлиги шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар, хусусан ички ишлар органларининг ташкилий тузилиши ва вазифаларининг оптималлаштирилиши орқали ходимларнинг 85 фоизи қуйи тизимга туширилиб [9], халққа яқинлаштирилиб бевоста маҳаллаларда фаолият олиб беришига эришилганлиги;

учинчидан, мазкур тизимда янги институционал тузилмаларнинг, жумладан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларнинг қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилганлиги;

тўртинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашга “минтақа хусусиятлари” [10], ягона “пойтахт томойили”, “хавфсиз таълим муассасаси” [11], “хавфсиз маҳалла” тамойиллари, “хавфсиз хонодон”, “хавфсиз ҳовли”

[12] тизими, “фуқаробай”, “оилабай”, “маҳаллабай” ишлаш тизимлари [13], “худуд методикаси” [14] жорий этилганлиги;

бешинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқарув тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилиниб, соҳада илмий-амалий тадқиқотлар, ситуацион марказлар, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти рақамлаштирилаётганлиги мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги тизимни шакллантириш имконини бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилмоқда, айниқса “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Меҳр дафтари”нинг юритилиши йўлган қўйилиб, “маҳаллабай” ишлаш усуллари жорий этилганлиги” [1] мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликни жиловлаш, барча соҳаларда барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам *биринчидан*, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш, *иккинчидан*, худудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш, *учинчидан*, «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, *тўртинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш жамоат хавфсизлигини таъминлашни ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари сифатида амалиётга жорий этилмоқда[11, 12].

Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида эришилаётган натижалар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётганлиги бунинг яққол исботидир. Numbeo сайтида эълон қилинган 2021 йилги халқаро жиноятчилик даражаси индексида Ўзбекистон хавфсизлик бўйича 40-ўринни эгаллаган. Ўзбекистон ушбу индекс бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида энг хавфсиз мамлакат бўлди [15]. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда муносиб ўрин эгаллаши миллий ва халқаро экспертлар томонидан Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегияларига мувофиқ сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси эканлиги эътироф этилмоқда.

Ҳаракатлар ва Тараққиёт стратегияларига мувофиқ ҳамда жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлаш

йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим – профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу албатта ислохотларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади» [16].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон кадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклагоқда[17].

Бугунги кунда давлат сиёсатида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналиш сифатида белгиланиши ва бу соҳада комплекс чоратадбирларнинг амалга оширилиши, *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, *иккинчидан*, ҳуқуқбузарлик, шу жумладан жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини, *учинчидан*, қонунга мувофиқ тайинланган жазо ижросини таъминланиш йўналишлари билан уйғунликда олиб борилишини назарда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепциясида миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, амалга оширишнинг пировард натижаси аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини самарали татбиқ этиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини жорий этиш ҳисобланади.

Жамоат хавфсизлиги Концепциясини амалга ошириш механизлари 2022–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини

таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси ҳамда уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”да белгиланган. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга: ҳуқуқий; услубий; илмий; ташкилий асосларини; шакл ва усулларини ривожлантириш; шунингдек фаолиятни рақамлаштириш йўналишларида тизимли чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали эришилади.

Мазкур барча йўналишлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларда назарда тутилган чора-тадбирларни ўзаро уйғунликда ҳамда босқичма-босқич амалга оширилишини талаб қилади.

Айниқса, а) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробация соҳасидаги муносабатлар ва ваколатларни тартибга солувчи 200 дан ортиқ турли хил норматив ҳужжатлар нормалари ва қоидаларини бирлаштириш орқали; б) транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳамда сервис-хизмат кўрсатиш субъектларининг мазкур йўналишдаги вазифа ва функцияларини белгиловчи; в) оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилаётганлиги албатта жамоат хавфсизлигини таъминлашни ҳуқуқий тартибга солиш соҳадаги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, республика бўйича улари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, гуруҳий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича 14 та (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар) «Ҳудуд методикаси»ни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек бу соҳада ҳуқуқ-тартибот идораларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган комплекс тизимли чора-тадбирлар албатта вужудга келиши мумкин бўлган таҳдид ва хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш орқали Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид талабларини самарали ва сифатли амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини бугунги кунда ўтказилаётган конституциявий ислоҳатлар

мазмун-моҳиятларига мос ҳамда уйғунлаштирган ҳолда қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ:

биринчи йўналиш, жамоат жойларида тартибни сақлаш ва хавфсизлик қоидаларига риоя этишни таъминлашни қонун асосида тартибга солишга эришиш;

иккинчи йўналиш, оммавий тадбирларни ўтказишни қонун асосида тартибга солишни йўлга қўйиш;

учинчи йўналиш, митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказишни қонун асосида тартибга солиш;

тўртинчи йўналиш, жамиятда ижтимоий ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига эҳтиёжи ва зарурати мавжуд бўлган шахсларга тизимли ёрдам қўрсатувчи муассасалар ҳуқуқий мақомини ва улар фаолиятини амалга оширишни қонунлар даражасида тартибга солиш;

бешинчи йўналиш, жамоат тартибига қарши маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи қонун нормаларини такомиллаштириш.

Таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, миллий ҳуқуқ тизимида жамоат хавфсизлиги соҳасидаги *биринчидан*, ижтимоий муносабатлар мазмун-моҳияти ва йўналишлар нуқтаи назардан жуда ҳам мураккаб ва хилма-хил бўлса, *иккинчидан*, уларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юридик кучи ва ҳуқуқ тармоқлари бўйича ҳам хилма-хил бўлиб, уларнинг кўпчилиги бир-бирига зид, шу билан биргаликда ҳуқуқий бўшлиқлар ҳам мавжуд.

Юқоридагилар бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган конституциявий ислоҳатлар мазмун-моҳияти билан уйғунликда миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш заруратидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги Кодекси концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

КОНСТИТУЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ УЗБЕКИСТАНА

С обретением нашей страной независимости в 1991 году остро встал естественным образом вопрос разработки и принятия полноценной Конституции в соответствии с целями и задачами формирования новой государственности и демократического переустройства общества.

Отметим, что становление подлинного конституционализма в Узбекистане не следует связывать исключительно с принятием Основного закона в 1992 году. На самом деле, этот процесс начался до фактического обретения республикой государственной независимости – уже на первой сессии Верховного Совета Узбекистана XII созыва, состоявшейся в марте 1990 года, депутаты поставили вопрос о разработке новой конституции. На второй сессии 20 июня 1990 года была принята «Декларация о суверенитете» и создана Конституционная комиссия. Принятие данного документа повлекло за собой глубокие изменения в политической жизни Узбекистана, в организации государственной власти. С этого времени начал весьма интенсивно расширяться круг проблем, требующих совершенного и целостного конституционно-правового решения.

Необходимость принятия нового основного закона была осознана подавляющим большинством населения Узбекистана. Концепция и содержание конституционной реформы постоянно обсуждались в средствах массовой информации, на заседаниях парламента и в ходе научных дискуссий. Разъяснение сущности и положений проекта новой конституции, обсуждение ее широкой общественностью проходило с участием органов самоуправления граждан, трудовых коллективов и специалистов в лице юристов, экономистов, политологов.

Первое заседание Конституционной комиссии состоялось 21 апреля 1991 года под председательством Президента республики Ислама Каримова. На встрече была создана рабочая группа по разработке проекта и вспомогательные (малые) группы, а также утвержден план работы комиссии. При разработке проекта основного закона комиссия опиралась на основополагающие международно-правовые акты, конституционное право развитых демократических стран, а также исторический опыт нашего народа.

Между тем, 31 августа 1991 года было реализовано неотъемлемое право узбекского народа - право на самоопределение, в результате чего республика мирным, парламентским путем обрела государственную независимость. Как

*Профессор кафедры Юридических дисциплин Института повышения квалификации МВД Республики Узбекистан, д.ю.н., профессор

отмечал в свое время первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, «начиная с первого дня независимости, с того момента, как приступили к возрождению национальной государственности, мы открыто провозгласили на весь мир наши цели и намерения: построить в Узбекистане правовое демократическое государство и гражданское общество».

2 июля 1992 года Олий Кенгаш уже независимой страны рассмотрел представленный Конституционной комиссией проект основного закона уже качественно нового содержания и постановил вынести его на всенародное обсуждение. Таким образом, кроме общественного суждения, проект конституции прошел также и зарубежную экспертизу со стороны специалистов из развитых стран и международных организаций. Иностранцы отметили демократичность и гуманность проекта документа, закрепившего основополагающие общечеловеческие ценности и демократические принципы в соответствии с передовыми международными стандартами.

Решением Конституционной комиссии от 26 сентября 1992 года проект был опубликован в средствах массовой информации для дальнейшего его обсуждения общественностью. Около двух с половиной месяцев документ перерабатывался с учетом замечаний и предложений граждан республики, а 21 ноября того же года он был вновь опубликован в печати. Таким образом, фактически публичное обсуждение проекта прошло в два этапа, что явилось первым подобным прецедентом в мировой истории, а его творцом стал весь народ Узбекистана.

Всего в ходе общественного обсуждения проекта конституции гражданами было внесено более шести тысяч предложений и рекомендаций. В письмах отмечались лаконичность и ясность текста документа, четкость его формулировок и одновременно давались ценные соображения по совершенствованию. В результате более чем 60 статей проекта были подвергнуты доработке и уточнению, из первоначального варианта были исключены 4 и включены несколько новых статей.

После активного обсуждения проекта (депутатами было внесено около 80 изменений, дополнений и уточнений) 8 декабря 1992 года на одиннадцатой сессии Верховного Совета была принята Конституция Республики Узбекистан. Основной закон независимого государства органично включил в себя основные принципы и нормы международного права, вытекающие из Устава ООН, Всеобщей декларации прав человека 1948 года, международных пактов по правам человека. Закреплен приоритет общепризнанных норм международного права над внутригосударственными.

Демократический характер Конституции Республики Узбекистан достаточно отчетливо просматривается в ее содержании. А структура основополагающего документа - последовательность разделов и их содержание - свидетельствует о конституционных приоритетах государственного и общественного строительства.

Хотя преамбула и не содержит правовых норм, она имеет существенное значение для понимания смысла как Конституции в целом, так и ее отдельных статей, поскольку именно во вводной части изложены принципиальные идеи, определяющие сущность и назначение Основного закона, из которых и вытекает его содержание.

Принятая в 1992 году Конституция Узбекистана позволила решить стоявшие перед обществом первоочередные задачи в критически важный переходный период.

Во-первых, ее принятие позволило начать и осуществить модернизацию всей правовой системы: качественное изменение законодательства на основе использования мирового опыта при сохранении традиций и преемственности в собственном развитии. Во-вторых, идеи, заложенные в Конституции, оказали глубокое воздействие на формирование нового правового мышления и культуры, признанию в общественном сознании демократических правовых ценностей и установок. В-третьих, в политико-правовом контексте этот документ стал рассматриваться в качестве юридического, узаконенного баланса интересов всех социальных слоев общества, которые обуславливают лежащую в основе Конституции волю народа.

За прошедшие 30 лет со дня принятия Основного закона в Узбекистане, если можно так выразиться, успешно завершилось государственное и общественное строительство. Далее следует не менее важный период формирования демократической государственности – совершенствование системы госуправления в соответствии со все более возрастающими требованиями времени, изменениями в укладе жизни общества, политическим и социально-экономическим развитием. Эти факторы и обуславливают необходимость в совершенствовании положений Конституции, что и происходит в настоящее время.

В «Стратегии развития Нового Узбекистана» 2021 года поставлены серьезные задачи: принятие более 50 кодексов, законов, стратегий, концепций и программ, реализация свыше 100 других инициатив по семи направлениям модернизации страны.

Однако данная работа базируется на определенных результатах. Так, в ходе реализации утвержденной Президентом Узбекистана Ш. Мирзиёевым 7 февраля 2017 года «Стратегии действий по пяти

приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» внесены семь важных конституционных поправок. Первая поправка, внесенная 6 апреля 2017 года в семь статей Конституции, закрепила следующие три приоритетные задачи как важные направления реформ, осуществляемых в сфере правосудия: расширение гарантий надежной защиты прав и свобод граждан; повышение доступа к правосудию, эффективности и качества судопроизводства; дальнейшее совершенствование системы подбора кандидатур и назначения на должности судей.

Данные конституционные изменения значимы тем, что служат ликвидации повторяющихся друг друга функций при управлении системой формирования судейского корпуса, а также достижению единой практики правосудия. С этой целью внесены соответствующие изменения и дополнения в статьи 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111. Согласно данным поправкам, произошло объединение Верховного суда Республики Узбекистан и Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан, образование административных и экономических судов.

Внесение в Конституцию изменений и дополнений, направленных на коренное улучшение деятельности судебной власти, повышение ее статуса, совершенствование системы судов, демократизацию системы подбора судей и назначения их на должность, превратилось в важный фактор обеспечения надежной защиты в суде прав, свобод, законных интересов граждан и субъектов предпринимательства, укрепления законности в стране.

Вторая поправка была внесена 31 мая 2017 года в виде изменений и дополнений в четыре статьи Конституции. Так, согласно изменениям, внесенным в статьи 80 и 93 Основного Закона, определены преобразование Государственного комитета Республики Узбекистан по охране природы в Государственный комитет Республики Узбекистан по охране экологии и окружающей среды и его подотчетность в своей деятельности перед Кабинетом Министров страны, а также назначение и освобождение от должности председателя и заместителя председателя комитета Президентом Узбекистана на основе представления Премьер-министра республики.

Согласно поправкам, внесенным в статью 108 Конституции, теперь Конституционный суд избирается Сенатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан по представлению Президента Республики Узбекистан из числа специалистов в области политики и права, рекомендованных Высшим судейским советом Республики Узбекистан, включая представителя от Республики Каракалпакстан.

В поправках, внесенных в статьи 108 и 109 Конституции, предусмотрено: Конституционный суд Республики Узбекистан определяет соответствие Конституции Республики Узбекистан конституционных законов Республики Узбекистан, законов Республики Узбекистан о ратификации международных договоров Республики Узбекистан - до их подписания Президентом Республики Узбекистан; рассматривает обращение Верховного суда Республики Узбекистан, инициированное судами, о соответствии Конституции Республики Узбекистан нормативно-правовых актов, подлежащих применению в конкретном деле; по результатам обобщения практики конституционного судопроизводства ежегодно представляет палатам Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Президенту Республики Узбекистан информацию о состоянии конституционной законности в стране.

Внедрение в жизнь этих конституционных изменений служит дальнейшему совершенствованию системы правосудия государства, повышению эффективности деятельности Конституционного суда, обеспечению надежной защиты прав и свобод граждан. Тем самым данные конституционные изменения повысили уровень социального доверия к судам и работникам системы правосудия.

Согласно закону расширяется круг субъектов, обращающихся в Конституционный суд: среди них - физические и юридические лица, Национальный центр по правам человека Республики Узбекистан, представитель по защите прав и законных интересов предпринимательских субъектов при Президенте Республики Узбекистан, заместитель представителя (омбудсман) Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека - детский омбудсман. Уточнены и расширены полномочия Конституционного суда, судьи Конституционного суда, порядок обращения в Конституционный суд, изучение обращения о пересмотре решения суда.

Когда речь идет об этом, важно отметить упорядочивание деятельности Конституционного суда Законом «О Конституционном суде Республики Узбекистан», принятым 31 мая 2017 года. В законодательных документах о конституционных судах большинства стран предусмотрено определение порядка деятельности Конституционного суда не его регламентом, а законом. Процессуальные правила судопроизводства непосредственно связаны с реализацией прав и свобод человека, именно поэтому они должны определяться законом.

Третья поправка от 29 августа 2017 года: из статьи 99 Конституции исключены слова «а также районов, входящих в состав города». Введением изменений в статью 99 Конституции закреплено: представительными

органами власти в областях, районах и городах (кроме городов районного подчинения) являются Кенгаши народных депутатов. В статью 102 Конституции внесены три изменения. В связи с организацией Кенгашей народных депутатов во всех 11 районах в составе города Ташкента в статье 102 Основного Закона установлен единый порядок назначения и освобождения от должности хокимов районов и городов.

Данные конституционные поправки дали возможность активизировать участие и повысить роль столичной общественности в реализации социально-экономических и политико-правовых реформ в городе Ташкенте, а также вносить личный вклад в развитие районов. Это обеспечивает формирование и исполнение местного бюджета, реализацию приоритетных программ развития территорий, определения генеральных планов районов и норм застроек, объема местных налогов и других принудительных оплат, установления механизма контроля над предоставлением соответствующих льгот по ним.

Четвертой поправкой от 15 октября 2018 года слова «на 2,5 года председателя (аксакала) и его советников» в первой части статьи 105 Конституции заменить словами «председателя (аксакала)». Пятой поправкой от 18 февраля 2019 года слово «национальный» заменено словом «государственный» в пункте 7 статьи 80 и пункте 24 части первой статьи 93 Конституции.

Шестой поправкой от 5 марта 2019 года в статью 93 Конституции внесены изменения. Согласно им теперь Президент утверждает членов Кабинета Министров Республики Узбекистан по представлению Премьер-министра Республики Узбекистан, внесенному после одобрения Законодательной палатой Олий Мажлиса Республики Узбекистан, и освобождает их от должности.

Седьмой поправкой от 4 сентября 2019 года внесены изменения в две статьи Конституции. Теперь в выборах не участвуют граждане, признанные судом недееспособными, а также лица, содержащиеся в местах лишения свободы по приговору суда за совершенные тяжкие и особо тяжкие преступления. В любых других случаях прямое или косвенное ограничение избирательных прав граждан не допускается.

Международные эксперты признают, что в этой области в Узбекистане достигнуты серьезные результаты. Специальный докладчик ООН по вопросам независимости судей и адвокатов Диего Гарсия-Саян, выступая в Совете по правам человека, высоко оценил коренные изменения в системе судебной власти, направленные на обеспечение независимости судов.

Сегодня конституционные изменения продолжаются с тем, чтобы она стала прочным юридическим источником, основной правовой гарантией широкомасштабных демократических реформ, последовательно и поэтапно, непрерывно и системно реализуемых в годы независимости во всех сферах социально-экономической и политико-правовой жизни. Конституция динамична, то есть постоянно находится в процессе развития, отражает изменения жизни, ее бурное течение.

Н.П.Азизов¹

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

Мустақил юртимизнинг давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти мустаҳкам ҳуқуқий негизга, пойдеворга эга. Айнан Конституция халқимизнинг олий иродасини ўзида мужассамлаб, жамиятнинг илдам ривожланишини белгилаб берди. Асосий қонунимиз давлатчилик, ҳуқуқ тизими ва қонунчилик борасида инсоният тўплаган энг илғор тажриба ва ғояларни ўзида мужассамлантирган, олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги эзгу қоидалар ундан муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбек халқининг кўп минг йиллик давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти ютуқлари, унинг эрк, озодлик ва мустақиллик хусусидаги азалий орзу-умидлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда» .

Мустақил давлат сифатида ўттиз йиллик тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси самарали амал қилди. Конституция қабул қилингандан буён ўтган даврда жамият ҳаётида кенг қўламли ўзгаришлар содир бўлди. Натижада, Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ва давлат бошқаруви қиёфаси, умуман жамиятимиз тубдан ўзгарди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз Конституция асосида илдам ривожланаётганлигини кўрсатади.

¹ ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор

Конституциянинг энг муҳим хусусият шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин камол топиши учун реал шароитлар яратиш ўз аксини топган. Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланиши ва муҳофазаланиши белгиланган. Дарҳақиқат, Конституция Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берган.

Инсон ҳуқуқлари кўпқиррали ҳодиса сифатида, инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади. Инсон ҳуқуқларидан амалда фойдаланиш ҳар бир шахснинг ўз ҳаётини эркин қуриши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши, тенглик ва инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишга кўмаклашади. Инсон ҳуқуқлари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, шунингдек, жамоавий ҳуқуқлар мажмуидир .

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари концепциясининг вужудга келиши ва ривожланиши давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон гуманитар соҳада жаҳон ҳамжамиятининг асосий стандартлари (андозалари)ни қабул қилди, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича ўзига мажбурият олди, бу ҳуқуқлар табиий ва ажралмас эканлиги, инсонга туғилганидан бошлаб мансублиги, барчага, аввало давлат ҳокимиятига бирдек амал қилиши, уларнинг ҳеч бир тўсқинликсиз амалга оширилишининг кафолатланиши шартлигига қўшилди.

Ўзбекистон ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира туриб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари принципларига мувофиқ миллий тизимда босқичма-босқич шакллантирди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон сиёсатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий принциплар шаклланди. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий манфаатларнинг устуворлиги;

иккинчидан, демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг тадрижийлиги ва босқичма-босқичлиги;

учинчидан, ўз халқаро мажбуриятлари билан умумэтироф этилган демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқлик;

тўртинчидан, миллий манфаатлардан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлар соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш .

Ўзбекистоннинг конституциявий тараққиёти инсон ҳуқуқлари ривожланиши билан ҳамоҳангдир. Конституция ва миллий қонунчилигимизнинг мазмун-моҳиятини – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда уларни кафолатли ҳимоя қилиш ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ҳамда босқичма-босқич имплементация қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 80 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар нормалари миллий қонунчиликда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ, яъни 1991 йил 30 декабрь куни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бирламчи халқаро стандарт сифатида эътироф этиладиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилди. Бу билан Ўзбекистон янги мустақил давлат сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, мазкур йўналишдаги халқаро мажбуриятларига содиқ, инсонпарвар давлат қуришни мақсад қилганини кенг халқаро ҳамжамиятга эълон қилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари борасида амал қилаётган барча конституциявий ва бошқа қонунчилик нормалари “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” да белгиланган шахсий, сиёсий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларга тамомила мос. Ўзбекистон Республикасининг Консти-туциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро – ҳуқуқий қоидалар мустаҳкамланган: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбурияти; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги; ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркин-ликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши; фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Орадан бир йил ўтиб, мазкур ғоялар, мустақил Ўзбекистоннинг Конституциясида ўзининг конституциявий асосларини топди. Хусусан, Конституциянинг Муқаддимаси “инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини” деган сўзлар билан бошланади ва унда “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда”, “фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини”, “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат”, каби тушунчалар билан мустаҳкамлаб қўйилган .

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз аксини топган барча ҳуқуқ ва эркинликлар Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган Иккинчи бўлимида ўз аксини топди.

Жумладан, Конституциянинг катта қисмини, яъни 18-52 моддаларни камраб олган мазкур бўлимда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, фуқаро ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлар ўзаро боғлиқлиги, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг даҳлсизлиги, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги, каби тамойиллар билан бир қаторда, фуқаролик масаласи, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, фуқароларнинг бурчлари ўз аксини топган ва улар халқаро стандартларга мос келади.

XXI аср бошлари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, умуман Ўзбекистон халқлари ҳаётида туб бурилиш даври бўлиб қолди. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ислоҳотларнинг пировард натижаси ва мақсади комил инсонни шакллантириш, шахснинг фаровонлиги ва эркин турмуши учун муносиб шарт-шароитни яратишдан иборат.

Жумладан, давлат бошқаруви ва парламент ислоҳотига оид 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижалари Ўзбекистон сиёсий тизимининг жадал ривожланишига туртки бўлди. Ўзбекистон халқи референдумга қўйилган таклифларни маъқуллаб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятни давом эттириш зарурлигини тасдиқлади.

2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонунда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари қайд этилди. Мазкур конституциявий қонуннинг 2-моддасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий принциплари белгиланди:

биринчидан, қонун устуворлигини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасидаги мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

иккинчидан, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

учинчидан, сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

тўртинчидан, нодавлат нотижорат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустақамланиши ҳамда ривожланиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

бешинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, муҳофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

Мазкур принциплар Конституциянинг кейинги тараққиёти учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилди.

2006 йил 8 ноябрда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонунда, биринчи навбатда давлат бошқарувини демократлаштириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи тамроқлари ўртасида ҳокимиятнинг тақсимланишига эришиш; иккинчидан, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишда, жамият ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали халқ турмуш шароитининг яхшиланишида сиёсий партияларнинг масъулиятини янада ошириш кўзда тутилди.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун»и (18.04.2011 йилда қабул қилинган) жамиятда сиёсий партияларнинг ролини ошишида муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз тарихида 2017-2022 йиллар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида туб бурилиш даври бўлиб кирди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, институционал механизмларини такомиллаштиришда халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон ҳам конституциявий қоидаларни ҳаётга янада тўлиқ татбиқ этишга, инсон ва жамият фаровонлигини оширишга, юрт ободлигини юксалтиришга қаратилган. 2017–2021 йилларга мўлжалланган стратегиядан кўзланган мақсад – олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг 22 феврилида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқ сўзлади. Ўзбекистон Президенти ўз чиқишида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича тўхталди.

Биринчидан, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилади. 2020 йил 22 июнда қабул қилинган Миллий стратегия мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш очик-ойдин кўрсатилган.

Иккинчидан, гендер сиёсатини қатъий давом эттириш. Мамлакатимизда фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича ишларни жадаллаштириш назарда тутилди. Олий Мажлисга бўлиб ўтган охирги сайловлар натижасида биринчи маротаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл-депутатлар сайланди. Охирги 4 йилда мамлакатимизда 2 та муҳим қонун – “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 2020 йилнинг ўзида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳукумат ва жамиятдаги ролини оширишга, уларнинг бандлигини таъминлашга, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ва муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга шахслар ҳуқуқларини таъминлаш. Мамлакатимизда 2020 йил 15 октябрда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунни ишлаб чиқишда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидалари, шунингдек 10 дан ортиқ илғор хорижий давлатларнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларига оид қонунлари ўрганилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 700 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар истиқомат қилиши эътиборга олинса, мазкур Қонуннинг долзарблиги ва аҳамияти яққол намоён бўлади.

Тўртинчидан, аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Ёшлар Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 майдаги “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгилаб берилди.

Бешинчидан, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш. Сўнгги 15 йил ичида дунёда одам савдоси қурбонлари орасида болаларнинг улуши уч бараварга ошган, аёллар ушбу жиноий ҳаракатнинг асосий нишони бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, Миллий стратегия ижроси доирасида 2020 йил 17 августда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди.

Олтинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича таълимни ривожлантириш. Давлат раҳбари томонидан, Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда глобал форум ўтказиш ҳамда ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига Ўзбекистон ўз хиссасини қўшиши таклифи билдирилди.

Еттинчидан, фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш. 1991 йилдан 2016 йил декабргача 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2016 йил декабрдан 2020 йилгача бўлган муддатда бундай шахслар 15 минг нафарни ташкил этди. Бундан ташқари, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистонда яшаб келган 50 минг нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинди.

Бундан ташқари, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, “Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўйилмаслиги, бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррар эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўзда тутилган етти та устувор йўналишнинг барчаси инсон қадри, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, унда назарда тутилган йўналишлардан: инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; миллий иқтисодий жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш; мамлакатимиз хавфсизлиги ва муҳофаза салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш .

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, истиқлолнинг илк кунларидан тадрижий тараққий этган. Асосий Қонунимиз инсоният инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида эришган илғор ютуқларини ўзида мужассамлаган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат. Конституция тараққиёти ўз навбатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ривожланишини англади.

*У.Э.Расулев**

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДИ: АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯ ВА МУАММОЛАР

Барчамизга яхши маълумки, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар аввало инсон манфаатлари, унинг дахлсизлигига қаратилиб, мазкур жараёнда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш,

* ИИВ Малака ошириш институти бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник

уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг муносиб ўрни бор.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар органларидир” деб алоҳида таъкидладилар.

Инсоннинг нечоғлик кадри баланд ва улуғ мавжудот эканлиги маълум. У табиат бойликларидан лаззатланиши, соғ-саломат, кучли ва ақлли бўлиши учун, ўзини-ўзи асраб авайлаши, ҳимоя қилиши ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши лозим. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси – бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 24-моддасида, "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", - деб эътироф этилган. Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жаҳон ҳамжамятида жиддий ташвиш ва хавотирларни келтирмоқда. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари муштарак. Яъни, енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш – икки тоифадаги одамларни ҳам ҳалокат домига тортмоқда.

Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда. Орадан йиллар ўтган сари одам савдосига қарши кураш дунёнинг барча мамлакатларида амалда бўлмасин, бу муаммо бизни ҳозирги кунда ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда.

Айни пайтда, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу жиноят тури дунё миқёсида кенг тарқалган. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан

1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди. 2008 йилнинг 17 апрелида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг ҳамда 2008 йилнинг 8 июлида "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга янада самарали тадбиқ этилмоқда.

Одам савдоси, аввало, инсон эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига жиддий путур етказди, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Бу жинойий фаолият ортида аслида мажбурий меҳнат, қуллик ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих иллатлар туради.

Одам савдоси – инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бировларнинг қўлида қўл бўлишга маҳкум этиш, инсонлар умрига зомин бўлиш, уларнинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилишдек энг оғир ва жирканч жиноятлардан энг хавфлиси саналади. Афсуски, инсон ҳаётини тасарруф қилиш, инсонни олди-сотди нарсага айлантириш айрим вахший ва баднафс шахсларнинг доимий фаолиятига ҳамда мўмайгина даромад манбаига айланиб қолмоқда.

Таҳлилларга кўра, ҳозир дунё бўйича тахминан 27 миллион киши одам савдоси туфайли қуллик ҳолатига тушиб қолган. Бу борада Непал, Судан, БАА, Ҳиндистон, Габон, Гаити каби давлатларда энг оғир ҳолатлар кузатилмоқда.

Бугунги кунда жинойий бизнес деб аталмиш одам савдоси кенг қамровли тус олгани боис мазкур иллат орқали топилаётган даромадлар ноқонуний курул-яроғ ва олмос савдоси келтирадиган даромадларга тенглашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 2 миллион 700 мингга яқин киши одам савдосининг қурбони бўлмоқда ва ҳар йили одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жинойий гуруҳлар 32 миллиард АҚШ доллари миқдоридан даромад топишади.

Минг афсус, “одам савдоси” деб аталмиш трансмиллий жиноят чегара билмаслиги сабабли, юртимизда ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда, хусусан айрим юртдошларимиз жон қойитмай, осонгина мўмай даромад топиш йўллариини излай бошлашди. Улар нима қилиб бўлса-да, кўпроқ пул топиш, даромад орттириш мақсадида ноқонуний, ҳалокатли, келажаги йўқ ишларга қўл урмоқда. Қонуний йўл билан эмас, одам савдоси

орқали бойишни кўзлаётган айрим ғаразгўй кимсалар алдовига учиб, хориждаги иш ва яшаш шароитларини ўрганмай, давлатлараро шартномалар асосида иш юритувчи расмий идораларни четлаб, оғир аҳволда қолмоқда. Тўғри, жаҳон амалиётида бир давлатдаги фуқароларнинг бошқа юртда ишлаб, пул топишлари тақиқланмаган.

Меҳнат миграцияси фақатгина бизни юртимизда мавжуд бўлмай, бутун дунё бўйлаб амалга оширилади, жумладан Ўзбекистон, шунингдек Марказий Осиё фуқаролари Россия, Туркия, Дубай давлатларига меҳнат миграциясини амалга оширса, Россия фуқаролари эса Европа ва АҚШга, Ҳиндистон фуқаролари эса Англия, АҚШ ва Австралияга, Туркия фуқаролари Германияга ва шу сингари меҳнат миграцияси оқими барча давлатларда мавжудлиги сир эмас.

Лекин буни расмий йўл билан, барча ҳуқуқ ва эркинликлар даҳлсизлиги таъминланган ҳолда амалга ошириш керак. Иш ахтариб, норасмий йўл билан кетаётганларнинг на саломатликлари, на ҳуқуқ-эркинликлари, на меҳнатларига ҳақ тўлаш, на энг азиз ҳаётлари ҳақида қайғурадиган шахс ё ташкилот йўқ, бир товламачининг ёлғон ваъдасига алданиб, ўз юртидан бошқа юртларга кетишмоқда. Борган жойларида меҳнат қилиб ҳақини ололмаганлар, касал бўлиб, даволанишга пул ахтараётганлар, ҳатто уйга қайтай деса, йўлкирасини тополмаётганлар қанча?!

Одам савдоси жинояти дунёвий давлатларнинг қонунчилигида жиноят деб баҳоланиб, таъқиқловчи нормалар билан таъқибга олиш билан бир вақтда, диний нуқтаи назардан ҳам қораланган.

Ислом таълимоти инсонларни тўла-тўқис озод, ҳур бўлишга, фақат Аллоҳ таолога бандалик қилишга, ҳар томонлама етукликка, яхшилик ва такво йўлида ўзаро ҳамкор бўлишга чорлайди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилган ҳадиси кудсийда айтилади: ***“Мен қиёмат кунини уч тоифа кишининг даъвогарини бўлурман: Менинг номим билан аҳд бериб, уни бузган, озод инсонни қул деб сотиб пулини еган ва мардикорни ишлатиб ҳақини бермаган одамларнинг”*** (Имом Бухорий ривояти).

Бугунги кунда “одам савдоси” деб аталмиш трансмиллий жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТнинг “Одам савдоси ва фоҳишаларнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТнинг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган

жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясига ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги тан олинади деб эътироф этилганидек, одам савдосига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинди, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар” бобининг 135-моддаси билан одам савдоси жинояти таъқиқланди ва ушбу жиноятлар оғишлаштирувчи ҳолатларда содир этилган тақдирда саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Ҳар йили 30 июль Бутунжаҳон одам савдосига қарши кураш кунини сифатида нишонланади. «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази томонидан одам савдоси соҳасидаги асосий тенденция ва муаммоларни аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида сўров ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ўзбекистонлик эркеклар ва хотин-қизлар, ёшлар, ўрта ва катта ёшдагилар, турли соҳаларда банд бўлган фуқаролар иштирок этишди. Ижтимоий сўров натижаларини мақоламиз доирасида таҳлил қиламиз.

Ўтказилган сўров натижалари шуни тасдиқлайдики, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида қабул қилинаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар одам савдосига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатда ушбу жиноят турининг тарқалишини қисқартириш имконини бериб, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ҳуқуқларини нафақат мамлакатда, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя қилишга ёрдам бермоқда. Шунингдек, жамиятда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва улардан жабрланган фуқароларга нисбатан шаклланган стереотип қарашларни енгиб ўтишга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўтказилган тадқиқ шуни кўрсатдики, жамоатчилиги онгида одам савдоси турли кўринишларга эга бўлиб, шахснинг кадр-қимматига бевосита дахл қиладиган, ҳақиқатан ҳам инсонни савдодаги оддий товар даражасида таҳқирлайдиган, шахсга қарши шафқатсизлик билан қилинган жиноят эканлигини англаш устуворлик қилади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг энг кўп тарқалган турлари – одамларни бевосита сотиш ва сотиб олиш, қуллик, эрксизлик ва қарамлик, эркеклар ва аёлларнинг меҳнат эксплуатацияси, одамларни уларнинг

аъзоларидан фойдаланиш мақсадида сотиш, болаларни сотиш ва сотиб олиш ҳисобланади.

Одам савдосидан жабрланганлар сонини одам савдоси муаммосидан ва меҳнат миграциясига отланаётган фуқаролар дучор бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан аҳолини огоҳ қилиш йўли билан сезиларли даражада камайтириш мумкин.

Олинган маълумотларга кўра, 62,8 фоиз фуқаролар жиноятнинг ушбу туридан хабардордир, сўровнинг ҳар бешинчи иштирокчиси ҳуқуқбузарликнинг ушбу тури ҳақида “у-бу нарса эшитганини” билдирди. Шуниси хавотирлики, 16,9 фоиз респондентлар ушбу муаммо тўғрисида, ноқонуний миграция жараёнида қулликка тушиб қолиш хавфи ва одамфурушлар фаолиятининг усуллари ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас.

Кўпчилик фуқаролар одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги маълумотлардан, ушбу жиноятга қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганлар ва замонавий қулликнинг турлари ва шакллари ҳақида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг кўрсатувлари орқалигина огоҳ бўладилар.

Сўров натижалари Интернет одам савдоси масалаларини ёритишда, унинг кўлами ва характерини аҳоли томонидан тушунилишида, ушбу жиноят турига қарши курашишда давлат ва ҳуқуқ-тартибот органлари саъй-ҳаракатларининг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини фаоллаштиришда улкан салоҳиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Сўралганларнинг 42,8 фоизи фикрича, одам савдоси муаммоси ва у билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ахборотларнинг асосий манбаси интернет-сайтлар ҳисобланади, ҳар тўртинчи респондент одам савдосининг турли кўринишлари ҳақидаги ахборотларни телеграмм-каналлар орқали олишини қайд этади.

Сўровда шу нарса аниқландики, маҳаллий оммавий ахборот воситалари жамоатчилиқни одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабардор қилишда мавжуд салоҳиятларини тўлиқ амалга оширмаяптилар.

Сўров натижалари шуни аниқлашга имкон бердики, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг пайдо бўлишига шарт-шароит яратадиган омиллар ва сабаблар турли-туман бўлиб, кўпинча жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий соҳаларидаги жиҳатлар билан боғлиқ бир бутун комплекс муаммоларнинг натижалари ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият даражасининг етарли эмаслиги, ишга жойлашиш билан боғлиқ қийинчиликлар, моддий муаммолар, хорижда ишга қонуний жойлашиш имкониятлари тўғрисида фуқароларнинг етарлича хабардор эмаслиги ва тегишли руҳсатномасиз ёки расмий шартномасиз бошқа давлатга

ишга кетиш билан боғлиқ хавф-хатарлар тўғрисидаги ахборотнинг мавжуд эмаслигини фуқаролар одамфурушлар тўрига тушиб қолишнинг асосий сабаблари, деб билишади.

Фуқаролардан олинган жавобларнинг таҳлили жамоатчилик фикрида одам савдосидан жабрланган кишининг қиёфаси ҳар доим ҳам мавжуд воқеликка мос келмаслиги ва унинг соддалаштирилган ҳамда юзакилигини кўрсатди. Шундай қилиб, респондентлар одам савдосидан кўпинча содда ва ишонувчан, ўзганинг таъсирига тез берилувчан ва вазиятни танқидий баҳолашга қодир бўлмаган 18-25 ёшлардаги йигит-қизлар жабрланишади, деб ҳисоблайдилар.

Айни вақтда, тадқиқот натижалари кўрсатганидек, сўров иштирокчилари ҳақиқатан ҳам одам савдосидан нафақат ёшлар, балки ўрта ёш вакиллари, болалар ва ҳатто ёш гўдаклар ҳам жабр кўришлари мумкинлигини таъкидлашди. Ёллаш билан кўпинча танишлар, қўшнилар ёки қариндошлар ҳам шуғулланишади. Бу ерда гап жабрланганларнинг соддадиллиги ва беғамлиги ҳақида эмас, балки жиноятчилар томонидан кўпроқ ушбу инсонларнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳақида кетаяпти. Одам савдоси билан боғлиқ вазиятга тушиб қолиш учун фуқароларнинг маълумоти етарли эмаслиги, мутахассислиги бўлмаслиги шарт эмас, ёлловчилар чангалига ишидан айрилган ва оғир моддий аҳволга тушиб қолган фуқаролар ҳам тушиши мумкин.

Тадқиқот натижалари кўрсатганидек, фуқаролар турли ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб бораётган ишлари самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини умуман ижобий баҳолайдилар.

Тадқиқот давомида аҳоли томонидан одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги энг таъсирчан чора-тадбирлар айтиб ўтилди. Фуқароларнинг фикрига кўра, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жинойий жавобгарлик чораларининг қатъийлаштирилиши жазонинг муқаррарлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Лекин, сўров иштирокчилари таъкидлаганидек, одам савдосига қарши курашишни фақат айбдорларни аниқлаш ва уларни жазолашга тенглаштириш мумкин эмас.

Сўров иштирокчиларининг фикрига асосан, мамлакат минтақаларида янги иш жойларини яратиш ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш, шунингдек, пул ишлаш учун бошқа мамлакатларга чиқиб кетаётган фуқароларни тегишли органлар томонидан қатъий назорат қилинишини амалга ошириш одамларнинг жиноятчилар тўрига тушиб қолиш хавфини камайтиради.

Сўров натижаларининг таҳлили сўнгги йилларда халқаро муаммога айланган одам савдоси жамоатчилик фикрида ижтимоий-гуманитар жиҳатдан замонамизнинг энг хавфли ва оғир даъватларидан бири ҳисобланади, деган тасаввур устуворлик қилишини тасдиқлайди. Уни фақат алоҳида олинган давлат, ҳуқуқ-тартибот органлари ёки бунинг учун яратилган махсус тизимнинг саъй-ҳаракатлари билан енгиб бўлмайди. Одам савдосига қарши курашиш давлат ва жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг иши бўлиб қолиши керак.

Одам савдосига қарши курашиш қонунчилик базасининг такомиллаштирилиши, ҳуқуқ-тартибот органлари ишининг фаоллаштирилиши, ўзаро ҳамжиҳатлик ва халқаро ҳамкорлик даражасининг оширилиши, одам савдоси жиноий индустриясига, шунингдек, камбағалликка қарши курашиш, ишга жойлаштириш масалаларининг ҳал этилиши ҳамда иш ўринларининг кўпайтирилиши, ҳуқуқий саводхонлик тўғрисида аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш, одам савдосига нисбатан жамиятда шаклланган стереотип қарашларни енгиб ўтиш каби жиҳатларни қамраб оладиган комплекс ёндашувни талаб этади.

Ф.Ф.Хатамов*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ МАЪНАВИЙ ТАЯНЧИ

Агарда тарихда жамият ва шахс, давлат ва шахс муносабатлари асосан коллективизм ва этатизм анъаналари асосан Шарқда шаклланган бўлса, Ғарбда “полис демократия” шаклида маълум бир эркинлик майдонининг пайдо бўлиши инсоннинг тенг сиёсий ҳуқуқларининг шаклланиши учун шароит яратди¹. Масалан, антик даврда **Аристотель** судда ва халқ йиғилишида қатнашадиганларни **фуқаро** деб атаган. Фуқаролик давлат ишларини ҳал қилиш ҳуқуқи, одил судловда иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек, сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишнинг муҳим шарти бўлган мажбурий меҳнатдан озод бўлиш каби ҳуқуқларни амалга ошириш қобилияти сифатида ҳаракат қилган².

Инсон ва фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқлари мавжудлигининг замонавий концепцияси инсоннинг ижтимоий-табиий феномен назарияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ҳақидаги барча таълимотларнинг асоси инсоннинг табиий ҳуқуқларига асосланади. Табиий ҳуқуқ концепцияси

*ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси бошлиғи, с.ф.д., доцент

¹Общая теория прав человека // под ред. ЕА. Лукашевой. –М., 1996. – 6 с.

²Аристотель. Политика. Книга третья // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. – М., 1997. Т.1. –111 с.

инсоннинг ижтимоий ва ахлоқий “мавжудот” эканлиги, маълум бир ибтидоий ва ажралмас хусусиятларининг ифодаси сифатида айнан антик даврда ривожлана бошлади. Табиий ҳуқуқ назариясининг бошланиши даставвал Ксенофонт¹ ва Гераклит² қарашларида учрайди. Қадимги Римда эса табиий ҳуқуқнинг илк назариётчиларидан бири бўлган **Цицерон** биринчи навбатда сиёсий ҳуқуқларни шахснинг табиий ҳуқуқлари қаторига киритган. Хусусий мулк ҳуқуқининг дастлабки илмий асосларидан бири Цицероннинг рисоласида шундай келтирилган: “*ҳар ким ўзи эришган нарсасига эгалик қилсин; агар кимдир буларнинг бирортасига тажовуз қилса, у инсоният жамиятининг ҳуқуқларини бузган ҳисобланади*”³.

Ўрта асрларда ҳар қандай одамнинг эркинлиги маълум даражада чекланган эди, чунки феодализм жамияти – умумий қарамлик жамиятидир. Ҳатто ушбу жамиятнинг қонуний равишда эркин деб ҳисобланган катламлари ҳам ижтимоий иерархиянинг юқори даражадагиларга боғлиқ эди. Шу билан бирга, католик черкови институтлари томонидан ижтимоий назорат тамойили ҳам амал қилиб, бу феодал уюшмалар томонидан бошқарилишидан кам бўлмаган таъсирга эга бўлган. Шунга қарамай, ўрта асрларда қонунлар расмий тенглик принципига асосланмаганлиги сабабли, улар турли синф вакиллари ҳокимият билан муносабатига қараб турли ижтимоий-сиёсий даражага қўйган. Гарчи аниқ қонунлар ва анъаналар билан тартибга солинган бўлса-да, турли хил уюшмаларнинг шаклланиши (рицарлик орденлари, савдо ва ҳунармандчилик гилдиялари) улар аъзолари ўртасида тенгликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган. Мазкур уюшмалар ўз аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни бирлаштирганлар.

Жумладан, Англияда 1215 йилда Эркинликлар буюк хартияси (*Magna Charta Libertatum*) қабул қилиниши билан *инсон ҳуқуқлари концепцияси ўзининг янги босқичига кирди* дейишимиз мумкин. Унда лордларга подшоҳ амалдорларининг ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилишни таъминловчи кафолатлар, шунингдек, эркинликларга нисбатан жазоларни қўллаш фақат тенг ҳуқуқли шахсларнинг ҳукми билан ва қонунга мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги, низоли муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш каби тамойиллар ўз аксини топади⁴.

¹Ксенофонт. Воспоминания о Сократе, IV б. // Сократические сочинения (Пер. С.И. Соболевского). -М.; -Л.; 1935.

²Фрагменты Гераклита // Материалисты Древней Греции. Собрание текстов Гераклита, Демокрита и Эпикура. -М., 1955, - 46 с.

³Цицерон. Об обязанностях, книга I, (VII, 21). М., 1975.- 63с.

⁴ Magna Carta - The British Library. <https://www.bl.uk/magna-carta>

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар эволюциясида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши инсон, унинг автономлиги, эркин ўзини-ўзи бошқариш, кадр-киммати ва ташаббускорлигини ривожлантириш омилларига асосланган **гуманизм ғоясининг** сиёсий жараёнлар ва ижтимоий тафаккур ривожигаги ўрни таҳлил этилади. Жумладан, бу борада италян гуманисти **Данте Алигьери** “инсон зоти тўлиқ эркин бўлган тақдирда энг яхши ҳолатда бўлади... бизнинг эркинлигимизнинг биринчи тамойили – бу мустақил қарор қабул қилиш эркинлигидир”¹ дея таъкидласа, **Ла Бозси** “инсоннинг эркин бўлиши ва эркинликни хоҳлаши табиийдир, аммо шу билан бирга, унинг табиати турли одат ва тартибларга кўникиб қолишга мойилдир”, деб ҳисоблайди².

Уйғониш ва реформация даври мутафаккирлари шахсининг маънавий ва ахлоқий эркинлигини асослаган ҳолда инсон ҳуқуқлари концепциясининг ҳуқуқий ва сиёсий томонларини ривожлантиришган. Бу борада Т.Гоббс, Б.Спиноза, В.Гумбольдт, Дж.Локк, Ш.Л.Монтескье, А.Смит, И.Кант, Т.Джефферсон, Б.Франклин, Дж.Мэдисон, Б.Констан, А.Токвиль, И.Бентам, Дж.С.Милл, Т.Х.Грин, Л.Хобхауз каби либерализм мафкураси намоёндаларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари қиёсий ўрганилган.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари концепцияси ривожига Шарқда, жумладан, Марказий Осиё сиёсий фикрлар ривожига ислом дини муҳим омил бўлиб хизмат қилганлиги таъкидланиб, сиёсат ва ҳуқуқий масалалар шариат (Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиний ва фуқаролик қонуниятлари ҳамда қоидалари мажмуи)да ўз аксини топганлиги урғуланади. Марказий Осиё ҳудудида сиёсий-ҳуқуқий фикрларнинг ривожланишига IX-XI асрларда яшаган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларнинг роли катта бўлди. Бу давр олимлари диний ва дунёвий маърифатга интилиш, табиатга қизиқиш, комил инсонни тарбиялаш, универсаллик қомусийлик, умуман, жамият ва давлат бошқарувига доир барча илмлар билан қизиқиш борасида ўзларини намоён қилдилар.

Айнан, *инсон ҳуқуқлари – сиёсий маданиятнинг ажралмас феномени сифатида* тадқиқ этилиб, у аввало, инсоннинг умумий билим даражаси, дунёқараши, ахлоқ-одоби билан узвий боғлиқликда шаклланади.

Жумладан, сиёсий маданият категорияси илмий муоммалага XVIII асрда немис файласуфи **И.Гердер**³ томонидан таклиф қилинган бўлиб, ҳозирги замон сиёсатшунослигида уни концептуал асосларини америкалик

¹ Данте Алигьери. Монархия. Книга первая // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т.1. –С. 235.

² Ла Бозси. Рассуждение о добровольном рабстве//Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. -М., 1997. Т.1. –С.295.

³ Гердер Т. И. Идеи к философии истории человечества. М.: Наука, 1977. С. 101.

назариётчи олим **Х.Файнер** ўзининг 1956 йилда ёзган “Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими”¹ номли китобида очиб берган. Кейинчалик **Г.Алмонд** ва **С.Верба** фанга “фуқаролик маданияти”² тушунчасини таклиф қилишади. Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётини англаш унинг сиёсий маданиятини ҳар тарафлама ўрганиш орқалигина эришилади. Фақат шу омиллар асосида сиёсий тизимнинг манбаи, характери ва ўзига хос хусусиятларини, жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсий тартибот, ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракати ва сиёсий онги, ҳуқуқий тизими ва ҳаракати ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ижтимоий институтларнинг, анъанавий амалиётларнинг, сиёсий қарорларнинг ахлоқий баҳоланиши учун фойдаланиладиган ижтимоий ахлоқнинг марказий категорияларидан бири ҳисобланади. У асосий халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларда (давлатлар конституциялари ва халқаро ташкилотлар низомларида) ўз аксини топиб, халқаро ва миллий даражадаги замонавий сиёсий риториканинг муҳим воситасига айланган, дейиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари ғояси турли халқлар ва маданиятларнинг кўп асрлик ахлоқий тажрибасига асосланганлигига қарамай, бугунги кунда уларни амалга оширишда бир қатор жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда. Уларнинг инсон ҳуқуқлари ғоясини рад этиши ёки турли чеклов принциплари маълум даражадаги сиёсий ихтилофларга ҳам олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари концепциясини маданиятлараро мулоқот жараёнида таҳлил қилишни долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси объектив, генетик жиҳатдан сиёсий таркибга хосдир. Айтиш мумкинки, шунинг учун инсон ҳуқуқлари фақатгина инсон ҳуқуқлари ҳақида ижтимоий-субъектив ғоялар, қарашлар, назариялар ва уларга асосланган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва қоидалар мавжуд деган маънода талқин қилиниши мумкин эмас. Ғоялар ва меъёрлар ҳар хил ижтимоий қатламларга, гуруҳларга, синфларга, миллатларга ва бошқаларга мансуб бўлган одамларнинг доимий ўзгариб боровчи ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини (кенг маънода инсон ҳуқуқлари муаммосини) қондиришнинг объектив мавжуд муаммоларини ифодалаши лозим. Демак, инсон ҳуқуқлари муаммосини ижтимоий-кадрият, ижтимоий-синфий талқин қилишнинг муқаррарлиги ва уни ҳал қилиш йўллари, айнан мафқуралашган ва сиёсийлаштирилган “инсон ҳуқуқлари” тушунчасини пайдо қилади.

¹ Антология мировой политической мысли: В 5 т. М., 1997. Т. 2. С. 595.

² Гражданская культура и стабильность демократии // URL: http://www.civisbook.ru/files/File/1992-4-Almond_Verba.pdf

Инсон ҳуқуқларининг том маънодаги намоёни ҳуқуқий давлатда ўз аксини топади. Шунинг учун таҳлилларга кўра, ҳуқуқий давлатни яратиш йўлидаги сиёсий курсни амалга ошириш жараёнида энг жиддий хавф, уни фақат расмий шаклини ҳақиқий имконият деб ҳисоблаш бўлади. Шу муносабат билан ҳуқуқий давлат жавоб бериши керак бўлган энг умумий талаблар сифатида қуйидагиларни таснифлаш мумкин:

- фуқаролар асосий ҳуқуқларининг ҳар томонлама кафолати, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун самарали ишлайдиган, содда ва ошкора бўлган юридик механизмнинг мавжудлиги;

- қонунчиликнинг барча синфлари ва ижтимоий қатламларининг энг муҳим манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва жамиятдаги ахлоқий-психологик вазиятига мувофиқлиги;

- долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг амалий жараёни контекстида қонунчиликни органик равишда такомиллашуви;

- конституция ва амалдаги қонунчиликнинг қонуности ҳужжатларига нисбатан устуворлиги, ҳуқуқнинг мутлоқ устуворлиги;

- қонун ҳужжатлари барқарорлиги ва динамизмининг диалектик бирикмаси;

- фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши учун амалий демократик процедураларнинг мавжудлиги;

- жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

- давлатнинг қонун ижодкорлиги, ташкилий, мафкуравий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бирлиги;

- сиёсий, давлат ва ижтимоий тизимнинг барча даражаларида ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги зиддиятли ва низоли вазиятларни ҳал қилишнинг мукамал ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги;

- давлат аппарати ва жамоат ташкилотлари ходимларининг касбий ва маънавий етуклиги, уларнинг касбий вазифаларини сифатли бажаришга интилиши;

- мамлакат фуқароларининг юқори ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданияти.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг мантиқий давоми сифатида Тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти тўлалигича Янги Ўзбекистон истиқболини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг бой тарихига таяниб, порлоқ истиқболини қураётган давлат, ҳамжиҳат халқ сифатида дунёга танилди. Шу билан бирга, мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этишга, эркин бозор муносабатларига ва

хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантиришга, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Айтиш мумкин, эришган марралар ва йўл қўйилган камчиликларни мунтазам таҳлил қилиш, яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фаолиятни пухта ўйланган режалар асосида олиб бориш талаб этилади. Чунки, ижтимоий-сиёсий ҳаёт доимий ўзгариш ва ривожланишдан иборат. Бу тараққиёт ва истиқбол учун курашдир. Бу ҳаёт фалсафаси, унинг зиддиятларга тўла томонларини диалектик тафаккур юритиш асосида ечиш тақозо этилади.

Ислохотлардан кўзланган асосий мақсад – инсон ва унинг манфаатлари ифодаси ҳисобланиб, унинг замирида “*инсон ҳуқуқ ва эркинликлари*”, “*қонун устуворлиги*”, “*очиқлик ва ошкоралик*”, “*сўз эркинлиги*”, “*дин ва эътиқод эркинлиги*”, “*жамоатчилик назорати*”, “*гендер тенглик*”, “*хусусий мулк дахлсизлиги*”, “*иқтисодий фаолият эркинлиги*” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар¹ ётишини тушиниб етмоғимиз лозим. Мазкур жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегияси “*миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб бериш бизни бундан буён фаолиятимизни “инсон-жамият-давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этишга*”² ундайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноёб механизмини такомиллаштиришга оид аниқ ташаббус ва таклифлар берилди. Шу билан бирга, БМТда “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” глобал форуми, Ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжуманини ҳамда Диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференцияларни ўтказиш белгиланган[14]³. Мазкур ташаббуслар, энг аввало, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатига қаратилган, дейишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда нафақат давлат органлари, балки нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби ислохотларни амалга оширишнинг

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda_293336

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatiy-davom-ettiramiz_318163

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

муҳим белгиси вазифасини бажариши лозим. Айнан, улардан демократик кадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус ва ғояларни ишлаб чиқиш ҳамда мазкур жараённинг фаол ижрочисига айланиши талаб этилади. Фуқаролик жамияти институтлари ҳар бир шахснинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, жамият билан давлат ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўташи, инсонларда фаол фуқаролик позицияси ва дахлдорлик хиссини оширишда муҳим роль ўйнаши талаб этилади.

*М.И.Суванкулов**

“ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ – ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда “Хавфсиз маҳалла” тамойилига кўра жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг «Ҳаракатлар стратегияси»да жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса маҳалла институтининг жинойтчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш белгиланган.

Президент Шавкат Мирзиёев таъбирига кўра “... бундан буён ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш – фаолиятимизнинг бош мезонига айланади”¹. Бунда албатта, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бевосита ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тааллуқли бўлиб, жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, маҳаллаларда осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини жинойий тажовузлардан муҳофаза қилиш ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини

*ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., доцент

¹ Халқ сўзи. 2022 йил 1 январь.

кенгайтириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим омилidir.

Зеро, жамоат хавфсизлиги тушунчасининг таг-замирида эса жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш эса давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизимдир.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида 2021 йил 12 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ички ишлар вазирлигида кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди¹ ва жиноятчиликни маҳаллаларда жиловлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига маъсул бўлган субъектлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий гвардияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмиталари маҳалла билан ҳамкорликда профилактика ишларини ташкил қилиш, шунингдек маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, криминоген вазиятидан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратиш, маҳаллада жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятни ташкил этиш, “қизил” ва “сарик” тоифали маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш ва ишни тўғри ташкил этиш бўйича масъул раҳбарларни бириктириш ҳамда уларнинг ҳаракатсизлигига нисбатан чоралар кўриш масалалари кўриб чиқилди ва аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, республика миқёсида 2022 йилнинг 9 ойида содир этилган жиноятчилик таҳлилига кўра, қотиллик жиноятининг 43,5 фоизи оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида келиб чиққан, ушбу жиноятларнинг 97,5 фоизи эр-хотин, ака-ука, ота-ўғил ўртасида юз берган, шунингдек, оила-турмуш доирасида 1116 та жиноят содир этилган бўлиб, жиноятларнинг таҳлилга кўра ЖКнинг 104-моддаси бўйича 114 та, ЖКнинг 105-моддаси бўйича 313 та, ЖКнинг 109-моддаси бўйича 689 та жиноят содир бўлган, шундан жиноят содир

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъат қарорининг 8-сонли баёни. 12.02.2021 й.

этувчи шахслар кесимида оладиган бўлсак, эри томонидан хотинига 574 та, хотини томонидан эрига 33 та, қўшнисига 91 та, акаси ёки укасига 135 та, қариндошига нисбатан 389 та ҳолатда содир этилганлиги аниқланган.

Жиноятчилик таҳлилидан кўриниб турибдики, жиноят ўчоқлари маҳаллалардаги оилаларда ва ушбу оилаларда истиқомат қилувчи шахслар томонидан содир этилган, шу сабабли ҳам *биринчидан*, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш; *иккинчидан*, ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш; *учинчидан*, “республика-вилоят-туман-маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмини жорий этиш; *тўртинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш жамоат хавфсизлигини таъминлашни ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари сифатида амалиётга жорий этиш ҳозирги кундаги жиноятчилик профилактикасининг нечоғлик долзарблигидан далолат беради¹.

Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берилган вазифалар, хусусан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида 26.03.2021 йил куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинди².

Дарҳақиқат, давлат раҳбари айтганидек, “... гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ушланган дастлабки вақтдаёқ хавф остида қолади”¹. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Президентимиз кўплаб давлатларнинг Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс этган “Миранда қоидаси”ни қўллаш лозимлигини ва шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шартлиги, ушбу қоидани Конституциямизда муҳрлаб қўйишнинг вақт-соати келганлигини айтиб ўтдилар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг интернетдаги President.uz расмий сайти.

“Миранда қоидаси”¹ нима дегани ўзи? Кўпчиликда бундай саволни пайдо бўлиши табиий, албатта. Ўтган XX асрда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасида олиб борилган ҳаракатлар самараси ўлароқ, дунёда демократиянинг энг муҳим негизи — инсон ҳуқуқи ва эркинлигини олий қадрият сифатида эътироф этадиган, унинг ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маълум бир мамлакат, минтақа ва халқаро миқёсда амал қилувчи кўплаб тарихий ҳужжатлар қабул қилинишига туртки берган.

“Миранда қоидаси” ўтган асрнинг ўрталарида АҚШда яшаган Эрнест Артуро Миранда (жиноят оламининг вакили) номи билан боғлиқдир. Миранда ўзи ашаддий жиноятчи бўлган бўлса, унинг инсоният учун хизмат қиладиган қандай қоидаси бўлиши мумкин, деган фикр келиши мумкин. Бироқ, хулоса қилишга шўшилмаслик керак. Масалага чуқурроқ ёндашилса, халқимизни “бир ёмоннинг бир яхшиси ҳам бўлади”, деган нақли бежиз айтилмаганлигига амин бўласиз.

Умуман дунё амалиётида, инсон ҳуқуқларига оид дунё мамлакатлари қонунчилиги ривожланишининг эътиборли жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқлари бўйича айрим нормалар дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро-ҳуқуқий нормалар ва стандартларга айланган.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласининг муҳим институтларидан бири бўлган “Хабеас корпус акт” ҳам дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро даражада умумэътироф этилган ҳужжат сифатида тан олинган инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга оид жаҳон мамлакатлари қонунчилигининг асосини ташкил этиши билан бирга ушбу соҳа ривожини йўлида ўзига хос янги даврга асос солган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти “Хабеас корпус” институтини ривожлантириш зарурлигига ҳам алоҳида эътиборимизни қаратганлари бежиз эмас эди.

Бизнингча, “Миранда қоидаси” ҳақида тўлиқ тассавурга эга бўлиш учун “Хабеас корпус” институтига қисқача тўхталиб ўтиш керак бўлади.

“Хабеас корпус” ўз номини судьянинг озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш тўғрисидаги буйруғининг биринчи сўзларидан олинган бўлиб, “Habeas corpus ad subjiciendum”, яъни (сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан), деган маънони англатади. Бу тартибот XV асрлардаёқ пайдо бўлган ва 1679 йил 26 майда Англия парламенти томонидан қонунчиликка киритилган. Ҳозирги кунда ушбу ҳужжат дунёнинг барча нуқталарида, энг аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизимида ва Лотин Америкаси

¹ ru.wikipedia.org сайти маълумоти.

мамлакатларида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг конституциявий кафолати сифатида кенг тарқалган.

Шу маънода, “Хабеас корпус”¹ институти сингари “Миранда қоидаси” ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида ўзига хос из қолдирган, инсон ҳуқуқларига оид миллий жинойт-процессуал қонунчилиги ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг муҳим нормаларидан бири ҳисобланади.

“Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин”.

Бу машҳур ибора бир неча марта жинойй жавобгарликка тортилган Эрнест Артуро Миранда исмли АҚШ фуқаросининг номи билан боғлиқ.

Гап шундаки, 1966 йили бир неча жинойтни содир этганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган Мирандага сўроқ қилинишдан аввал унинг гумондор сифатидаги ҳуқуқлари ўқиб эшиттирилмаган. Миранда ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда айбига иқрорлик кўрсатувларини берган, кейинчалик бундай кўрсатувлардан унинг иқрорлигига исбот сифатида фойдаланилган. Суднинг Мирандани ўз ҳуқуқларидан хабардор қилинмасдан чиқарган ҳукми АҚШ Олий суди томонидан бекор қилинишига сабаб бўлган.

АҚШ Конституциясининг 5 ва 6-қўшимчаларида ҳеч ким жинойй ишларда ўзига ўзи қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиниши; ҳеч бир шахс қонуний судда кўрилмай ҳаёти, эркинлиги ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, айбланувчи айбловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, у ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳлар билан юзма-юз учрашиши, ўзи томонидан гувоҳларни мажбуран келтириш ёки ўз ҳимояси учун адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Шундан буён “Миранда қоидаси” дастлаб сўроқ қилиш олдидан ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчига қуйидаги ҳуқуқлари тушунтирилишини кафолатлади:

“Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин. Сўроқ жараёнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасангиз, Сиз адвокат билан давлат томонидан таъминланасиз. Ҳуқуқларингизни тушундингизми?”

¹ Хабеас корпус (лот. habeas corpus) - инглиз жинойт-процессуал ҳуқуқи институти бўлиб, шахс дахлсизлиги принципи билан чамбарчас боғлиқ; англо-саксон ҳуқуқий оиласининг бошқа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига ҳам киритилган. “Хабеас корпус”га кўра, ушлаб турилган шахс ёки уларнинг топшириғига кўра бошқа шахс ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ёки қамокқа олиш тўғрисида судга мурожаат қилиши ҳамда қамокқа олиш ёки қамокқа олишнинг қонунийлигини текшириш учун уни судга олиб келиш тўғрисидаги махсус суд қарорини талаб қилиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, “Миранда қоидаси” бугунги кунда барча давлатлар Конституцияси ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда умумэътироф этилган норма сифатида белгиланган. Яна бир жиҳати шундаки, “Миранда қоидаси” турли давлатлар қонунчилигида турли хилда ўз ифодасини топган.

Германия Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ айбланувчи биринчи сўроқ олдидан қуйидаги ҳуқуқлар билан таништирилиши керак:

- қандай ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ва бунга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси;

- айбловга нисбатан ўз муносабатини билдириш ёки билдирмаслик;

- ҳар қандай пайтда ва сўроқ вақтига қадар ўзи танлаган адвокат билан холи маслаҳатлашиш.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 224-моддасига мувофиқ эса ички ишлар органи ходими гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдириши ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт.

Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт эканлиги кўрсатилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юртимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласини конституциявий даражада янада мустаҳкамлаш, жамият ва давлат тараққиётига эришишдан иборат.

*Туймабаев У.Қ.**

*И.Ш.Ниязов**

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

* ИИВ МОИ Махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси

* Миллий Гвардия Ихтисослаштирилган ўқув маркази Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқий тайёргарлик цикли ўқитувчиси

Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бугунги кундаги долзарб масаладир.

Ҳозирги кунда муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Барчамиз гувоҳи бўлаётганимиздек, сўнгги йилларда қатор мусулмон мамлакатларида гўёки ҳақиқий “исломий давлат” қуриш шиори остида очикдан-очик зўравонлик, инсонийликка зид ваҳшийликларга асосланган амалларга қўл ураётган турли гуруҳ ва жамоалар кўпайиб кетди. Бугунги кунда исломни даъво қилаётган, бироқ қилаётган ишлари исломга бутунлай бегона бўлган террорчилар ер юзида фитна қилмоқдалар. Ақидапараст оқимлар ёшлар ичидаги фаолиятини меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, “хужралар” ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишда тарқатиш, интернет орқали тарғибот ўтказиш каби усулларда амалга оширмоқда. Айниқса, интернет тармоғида ўзини “Ислом давлати” (ИШИД), “Жабҳат ал-Нусра” деб атаб олган террористик ташкилотлар гўёки ислом равнақи йўлида курашаётган “мужоҳид биродарлар гуруҳи” экани ҳақидаги тарғибот-ташвиқот кенг кўламда олиб борилаётгани, бунинг оқибатида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан мусулмон ёшлар “ҳижрат” қилиш ва “жиход”да иштирок этиш даъвосида Сурия ва Ироқ худудига бориб, ушбу гуруҳ сафига бориб қўшилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Нобакор кимсалар ёшларни ўз тузоқларига илинтиришда “ўргимчак тўри”дан усталик билан фойдаланишмоқда. Улар ўзларини “яқин дўст” ёки “ҳидоятга чорловчи” сифатида кўрсатиб, ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқда.

Биринчидан, уларнинг дин ва шариат ҳақида умуман илмлари йўқ, фақатгина тўдабошидан ёдлаб олганларини такрорлашдан нарига ўтмайдилар.

Иккинчидан, улар бу жоҳиллиги билан бошқаларни ҳам жар ёқасига тортаётгани ва кимнингдир ноғарасига ўйнаётганини билмайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида “Ички ишлар органлари ўз фаолиятини очик ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади”- дея келтирилган.

Ички ишлар органларининг давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этишдаги ҳамкорлик - ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади.

Президентимизнинг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш, ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш таянч пунктларининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Ушбу юклатилган вазифаларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда профилактика инспекторлари бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, хусусан маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ёшлар етакчиси ва бошқа фаоллари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида бир қатор профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Профилактика инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва бошқа фаоллари билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшларни ижтимоий-меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга оширади, илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёшларга тарбиявий таъсир ўтказиш учун фахрийлардан, хотин-қизлар ва ёшлар, маданият ва дин вакиллари жумласидан комиссиялар тузади.

Профилактика инспекторлари Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармони билан 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Профилактика инспекторлари ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда ҳар куни камида ўнта хонадонга ташриф буюриб, аҳолига, айниқса ёшларга амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиради, аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўради, аҳолини, биринчи навбатда ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш ишларини ташкил қилади, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан ҳамкорликда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиб, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашади, маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашади. Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, профилактика инспекторлари ушбу ёшлар етакчилари билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари”га киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик

содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш бўйича бир қатор профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида “Ёш чегарачи”, “Ёш қутқарувчи”, “Қувнок стартлар”, “Темурбеклар”, “Тўмарис маликалари”, “Шунқорлар”, “Ёш ҳуқуқшунос”, “Ёш сайловчи”, “Ёш депутат” танловлари ўтказилмоқда.

Профилактика инспекторларининг суд органлари билан ҳамкорликнинг асосий йўналишлари фуқароларнинг, жумладан вояга етмаган ва ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича суд ҳужжатларининг ижросини таъминлашда иштирок этиш, етказилган моддий зарарни қоплашга доир қонунларнинг ижросини таъминлашда иштирок этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш жараёнида ёрдам кўрсатишдан иборат.

Профилактика инспекторларининг прокуратура органлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари содир этилган жиноятларни, айниқса уларнинг прокуратура органлари терговига тегишлиларини фож этиш, шунингдек суриштирув ишларини олиб бориш бўйича алоҳида топшириқларни бажариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолининг айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда иштирок этишдан иборат.

Профилактика инспекторларининг Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари миллий хавфсизликка таҳдид соладиган иллатларнинг, жумладан диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш ҳамда бу борада биргаликда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёшларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек муқаддам шундай жиноятларни содир этган шахслар билан яқка тартибдаги ва махсус профилактик тадбирларни амалга оширишда ёрдам кўрсатишдан иборат.

Профилактика инспекторларининг адлия органлари ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, аҳоли шунингдек ёшлар ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий

маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга оширишдан иборат.

Профилактика инспекторларининг солиқ органлари ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари аҳолининг, айниқса ёшларнинг солиққа доир ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ташкилий ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда иштирок этиш, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда ёрдам кўрсатиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа шу каби жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда айбдорларга тегишли чораларни кўриш бўйича текширув, қўшма рейд ва бошқа тадбирларни ўтказишда иштирок этишдан иборат.

Профилактика инспекторларининг ҳудудий мудофаа органлари ходимлари ўртасидаги ҳамкорлигининг асосий йўналишлари аҳолини, жумладан вояга етмаганлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларни давлатни ҳимоя қилишга ахлоқий-руҳий жиҳатдан тайёрлаш ишларини амалга оширишда кўмаклашишдан иборат.

Профилактика инспекторларининг соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари аҳолига, айниқса ёшларга санитария-гигиенага оид билимларни етказиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда кўмаклашиш, алкоголизмга, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширишда ёрдам беришдан иборат.

Профилактика инспекторларининг таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари вояга етмаганлар ва ёшларнинг умумий ўрта, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими олишларини таъминлашда, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда иштирок этишдан иборат.

Осойишталикни кўролмайдиган ҳасадгўй кимсалар халқимиз орасида норозилик кайфиятини уйғотиш мақсадида, гўёки диёримизда “диний эркинлик йўқ, ибодат қилувчилар таъқиб остида, исломий билим олиш чекланган” деган уйдирмаларни интернет сайтларида тарқатишмоқда. Юртбошимиз бошчиликларида узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат, она юрти ҳимоясида эртаю кеч хизматга шай ҳарбийларимиз,

ёшлармизни ватанга садоқатли, инсонпарвар ва билимли этиб тарбиялаш йўлида хормай меҳнат қилаётган устоз ва мураббийларимиз ҳамда халқимизнинг диний маърифатини ошириш, уларни соф исломий кадриятлар асосида имон-эътиқодли комил инсонлар бўлиб етишишларида улкан хизмат қилаётган имом-домлаларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасидир. Шундай экан, бу олий неъматларнинг қадрига етишимиз, уларнинг шукрини гўзал тарзда адо қилишимиз бизлар учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

*Б.Б. Турғунбоев**

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ ТАҲЛИЛИ – ЖАМОАТ ХАВСИЗЛИГИНИНГ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан янги тахрирда тасдиқланган Йўл Ҳаракати Қоидаларида 69та асосий тушунча ва атамалар келтирилган бўлиб, атамаларга берилган тушунчаларда: минтақа (Автомагистраль тушунчасида, хавфсизлик оролчаси ва ажратувчи минтақа атамаларида – минтақа), тасма (Велосипедчилар учун тасма атамасида, Ҳаракатланиш тасмаси атамасида), ер полосаси (Йўл атамасида), тасмага чиқиб, қаторига қайтиб (Қувиб ўтиш ва Қайта тизилиш атамаларида) сўзларини бўлак сўзига алмаштириш керак.

Автомагистраль атамасига берилган тушунчада йўл тўсиқлари ва мажбурий тўхташ атамасида йўлдаги бирор тўсиқ, Ажратувчи минтақа атамасига берилган тушунчада махсус тўсиқлар сўзлари ишлатилмоқда. Қоидаларда келтирилган **Тўсиқ** атамасига қуйидагича тушунча берилмоқда – йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатсиз ҳолда бўлган жисм (бузилиб қолган (носоз) транспорт воситаси, тушиб қолган юк, йиқилган (қулаган) дарахт ва бошқалар). Тирбандлик туфайли ёки Қоидалар талабига биноан ушбу тасмада тўхтаган транспорт воситаси тўсиқ ҳисобланмайди. Бундан кўриниб турибдики атамаларда келтирилган **тўсиқ** тушунчалари **Тўсиқ** атамасига берилган тушунчага мутлақо мос келмайди. Тўсиқ атамасига қуйидагича тушунча бериш керак: - “Тўсиқ – сунъий равишда (темир бетон, темир пажарали, шлагбаумли ва шунга ўхшашлар орқали) ҳаракатни чеклаш ҳолати”.

Ажратувчи минтақа атамасига ҳам қуйидагича тушунча берилган: йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қимларини ажратувчи, транспорт воситалари ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган, йўл сатҳидан

* ИИВ Малака ошириш институти Махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси

кўтарилган ёки майсазор, ариқ, махсус тўсиқлар билан ажратилган баланд қисми. Бу атамага ҳам қуйидагича ўзгартиришни лозим топдим: Ажратувчи бўлак - йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қимларини сунъий тўсиқлар, йўл сатхидан кўтарилган ёки металл панжаралар, темир-бетон қурилмалари билан билан ажратувчи, жихозланган бўлак. Битта ажратувчи бўлак йўлни иккита қатнов қисмларига ажратади.

Электромобиль атамасига қуйидагича тушунча берилган: ташқи электр манбаидан қувватланиб фақат электр двигатели билан ҳаракатланадиган транспорт воситаси. Электромобил атамасига қуйидагича тушунча мос келади: Электромобил – Мустақил электр энергия манбаъи ва электродвигателига эга бўлган транспорт воситаси.

Рухсат этилган тўлиқ вазн атамасига берилган тушунча: – жихозланган транспорт воситасининг ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган юк, ҳайдовчи ва йўловчилари билан биргаликдаги энг юқори вазни (ўлчови).

Бу таркибда ҳаракатланаётган (тиркама ва бошқалар) транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнига шу таркибга кирувчи транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнлари йиғиндиси киради. Бу атамага берилаётган таклиф: Рухсат этилган тўлиқ вазн – транспорт воситасини ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган аслахаланган транспорт воситаси, юк, ҳайдовчи ҳамда йўловчиларнинг вазнлар йиғиндиси.

Транспорт воситасига тиркама уланган ёки транспорт воситасини шатакка олган бўлса, таркибга кирувчи транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнлар йиғиндиси киради.

Асосий йўл атамасига берилган тушунча: Асосий йўл – тупроқли ёки шағалли йўлга нисбатан қаттиқ қопламали (асфальт ва цемент бетонли, тош ётқизилган ва шунга ўхшашлар), кесишаётган ёки туташган йўлга нисбатан 2.1, 2.3.1 – 2.3.3 ёки 5.1 белгилари билан белгиланган йўл ёхуд ёндош ҳудуддан чиқадиган йўлга нисбатан ҳар қандай йўл. Иккинчи даражали йўлнинг бевосита чорраҳага туташ қисминининг қопламали бўлиши уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қилмайди. Бу атамага берилаётган таклиф: Асосий йўл – тупроқли йўлга нисбатан қаттиқ қопламали (асфальт ва цемент бетонли, тош ётқизилган ва шунга ўхшашлар), кесишаётган ёки туташган йўлга нисбатан 2.1, 2.3.1 – 2.3.3 ёки 5.1 белгилари билан белгиланган йўл ёхуд ёндош ҳудуддан чиқадиган йўлга нисбатан ҳар қандай йўл. Иккинчи даражали йўлнинг бевосита чорраҳага туташ қисминининг қопламали бўлиши уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қилмайди.

Қувиб ўтиш атамасига берилган тушунча: Қувиб ўтиш – бир ёки бир нечта транспорт воситаларини қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган тасмага чиқиб, сўнгра илгари эгаллаган қаторига қайтиб ўтиш

билан боғлиқ бўлган ўзиб кетиш. Бу атамага берилаётган таклиф: Қувиб ўтиш – олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситасига нисбатан ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб, ундан илгарилаб кетиб, даставвал эгаллаган бўлагига қайтиб ўтиш. Ўнг тарафдан қувиб ўтиш тақиқланади.

Қайта тизилиш атамасига берилган тушунча: Қайта тизилиш – дастлабки ҳаракат йўналишини сақлаган ҳолда ҳаракатланиш тасмасидан бошқа ҳаракатланиш қаторига ўтиш. Бу атамага берилаётган таклиф: Қайта тизилиш – қатнов қисмининг бир томонлама йўналишида уч ва ундан ортиқ бўлақлар мавжуд бўлганида, транспорт воситасини бир бўлақдан (йўл ёқасидан) иккинчи бир бўлақка ўтиши.

Огоҳлантирувчи ишоралар атамасига берилган тушунча: Огоҳлантирувчи ишоралар – авария ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, шунингдек, ҳаракат йўналишини ўзгартиришда, тўхтатишда қўлланиладиган ишоралар. Бу атамага берилаётган таклиф: Огоҳлантирувчи ишоралар – Йўл транспорт ҳодисасини олдини олиш мақсадида, ёруғлик ишораларини (Ҳаракат йўналишини ўзгартириш чироқларини, авария чироқларини, фараларнинг ёритиш масофасини ўзгартириш, транспорт воситаларининг ташкилиш жамланмасида ҳаракатланишда ва шунга ўхшаш ҳолатларда) ёқилиши. Товушли ишоралар (ЙТХ олдини олиш мақсадида, темир йўл кесиммасида ҳаракатлана олмай қолган транспорт воситасида бериладиган 1та узун, 3та қисқа товуш орқали бошқа ҳаракат иштирокчиларини ёрдамга чақиришда, қоронғи вақтда қувиб ўтишни амалга оширишда ва шунга ўхшаш ҳолатларда) ёқилиши. Қўл билан бериладиган ишоралар (бурилишларни ва тўхташни кўрсатиш, ҳаракатни тартибга солувчининг ишоралари) берилиши.

Тўхтаб туриш атамасига берилган тушунча: Тўхтаб туриш жойи – транспорт воситаларини ташкилий тўхтаб туриши (жойлаштирилиши) учун мўлжалланган, тегишли йўл белгиси билан белгиланган, қатнов қисмининг бир бўлаги ёки қатнов қисмига, тратуарга, йўл ёқасига, кўприкка, эстакадага ва кўча-йўл тармоғининг бошқа объектларига туташган, махсус жихозланган жой. Бу атамага берилаётган таклиф: Тўхтаб туриш жойи – транспорт воситалари хавфсиз сақланиши таъминланган 5.15. Тўхтатиб туриш жойи, 5.15.1. Пуллик тўхтаб туриш жойи, 5.15.2. Ер усти автомобил қўйиш жойи, 5.15.3. Ер ости автомобил қўйиш жойи, 5.15.4. Электромобилларни қувватлаш имкони бўлган автомобил қўйиш жойи, ахборот – ишора белгиларига эга бўлган жой.

8-боб. Огоҳлантирувчи ва авария (хавф-хатар) ишоралари.

44. Қуйидагилар огоҳлантирувчи ишоралар ҳисобланади:

Тўхташ фара чироғи; товушли ишоралар; фара чироқларини ёқиб ўчирилиши; сутканинг ёруғ вақтида яқинни ёритувчи фара чироқларини

ёқилиши. Бу атамага берилаётган таклиф: Огоҳлантирувчи ишоралар ва фалокат сабабли (авария) тўхташ белгисининг қўлланиши. Қуйидагилар огоҳлантирувчи ишоралар ҳисобланади:

1. Ёруғлик ишоралари:

а) Бурилишни кўрсатадиган милтилловчи чирок;

б) Фара чироқларини ёқиб-учириш;

г) Транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси сафида ҳаракатланаётган, умумий оқимга қарши йўналишда махсус ажратилган бўлакда ҳаракатланаётган белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларида ва мотоциклларда яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилиши;

д) Автобусда болалар гуруҳини ва юк автомобилларида одамларни ташишда яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилиши;

е) Хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазнли юкларни ташишда яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилиши;

и) Механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида) яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилиши;

к) Бошқа қатнов қисмига қайта тизилишнинг бошланғич кўрсаткичи 5.34. Ахборот –кўрсаткич белгиси таъсирида қарама-қарши йўналишдаги бўлакда ҳаракатланганда яқинни ёритувчи фара чироқлари ёқилиши;

л) “Автопоезд” таниқлик белгиси автопоезд ҳаракатланаётганда, куннинг қоронғи вақтида эса йўлда тўхташ ва тўхтаб туриш пайтида ҳам ёқиб қўйилиши;

м) Зарғалдоқ ёки сариқ милтилловчи чирок-маёқча (махсус транспорт воситаларида) ёқилиши;

н) Авария ёруғлик ишораларини йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда, тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхталганда, фара чироқлари ҳайдовчининг кўзини қамаштирганда, шатакка олишда (шатакка олинган транспорт воситасида), йўлни кесиб ўтаётган пиёдаларга йўл бериш учун тўхтаган транспорт воситаларида ёқилиши;

о) Темир йўл кесишмасида мажбуран тўхтаб қолган транспорт воситасининг ҳайдовчиси, поезд машинистига тўхташ ишорасини кундузи ёрқин мато парчаси, тунда эса машъала ёки чирок билан қўлни гир айлантериш орқали бериши.

п) Йўл ҳаракатини тартибга солувчи томонидан нур тарқатувчи жезл ёрдамида берадиган ёруғлик ишора;

2. Товушли ишоралар:

а) Ҳайдовчига ёрдам керак бўлганида бериладиган битта узун ва учта қисқа товуш ишора;

б) Йўл-транспорт ҳодисасини олдини олиш учун ҳайдовчи томонидан берилган товуш ишора;

в) Аҳоли яшайдиган ҳудудлардан ташқарида бошқа ҳайдовчиларни қувиб ўтиш ҳақида огоҳлантириш учун берадиган товушли ишора;

г) Темир йўл кесишмасида светофор билан биргаликда бериладиган товушли ишора;

д) Йўл ҳаракатини тартибга солувчи томонидан хуштак ёрдамида берадиган товушли ишора;

3. Қўл билан бериладиган ишоралар:

а) Велосипед, мотоциклларда ва бошқа транспорт воситаларида (кундузи бурилишларни ва тўхташни кўрсатувчи чироқлар носоз бўлса) бурилиш ва тўхташни қўл билан бериладиган ишора;

б) Йўл ҳаракатини тартибга солувчи, темир йўл кесишмаси навбатчиларининг жезл ёрдамида қўл билан берадиган ишораси.

Йўл ҳаракати қоидаларида келтирилган атамалар “Алифбо харфлари” кетма-кетлигида келтирилмаган ва нотўғри параграфланган (масалан 1-боб. Умумий қоидалар, 2-боб. Ҳайдовчининг умумий вазифалари ҳисобланиб, иккинчи боб 7-банддан бошланмоқда).

Йўл ҳаракати қоидаларига киритилган 1-иловининг, ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ, 1. Огоҳлантирувчи белгилар тартиби бузилган, яъни 1.1. “Шлагбаумли темир йўл кесишмаси”, 1.2. “Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси” келтирилиб, 1.3. “Дикқат, бошқариладиган тўсиқ” белгиси тушириб қолдирилган. Лекин Қоидаларда 1.3, 1.3.1 ва 1.3.2 белгилари бевосита темир йўл кесишмалари олдида, энг яқин рельсдан 20 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатилади деб берилмоқда (77-бет). Белгининг ўзи эса бошқа рақамлаш билан, яъни 1.34. Дикқат бошқариладиган тўсиқ деб келтирилмоқда.

1.31.1, 1.31.2. “Бурилишнинг йўналиши”. Кичик радиусли, кўриниши чекланган йўлда ҳаракатланиш йўналиши ва йўлнинг таъмирланаётган қисмини айланиб ўтиш йўналишини билдиради. Лекин белгида 1.31.1. Бурилишнинг йўналиши тўғри келтирилган бўлса, 1.31.2. “Т”симон чорраҳада қўлланадиган белги тасвири кўрсатилган. Бу албатта белгиларнинг тартиб рақамларини ўзгартиришни талаб этмоқда.

1.33. “Қатнов қисми кесишмаси ҳудуди”. 1.30 ётиқ чизиғи билан белгиланган... дейилган, 1.30. Мактаб ётиқ чизиғи келтирилган. Шу сабабдан 1.30 ётиқ чизиғини 1.32 Чорраҳа майдони ётиқ чизиғи билан алмаштириш лозим. Шунга мувофиқ “Қатнов қисми кесишмаси ҳудуди”ни ҳам “Чорраҳа майдони” деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Йўл ҳаракати қоидаларига 2-илова 1. Ётиқ чизиқларда 1.31.Шовқин чизиқлари келтирилган бўлиб, бунинг номини “Шовқин чиқарувчи йўл” деб номлаш тўғри бўлади.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан янги таҳрирда тасдиқланган Йўл Ҳаракати Қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, қайта таҳрирдан ўтказиш керак.

*Н.Л.Меликулов**

ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД ИСЛОҲОТЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатда миграция муносабатларини тартибга солиш зарурати давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Шу боис давлат раҳбарининг ташаббуси билан хавфсизлик тизимини барқарорлаштириш, республикада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг ички ишлар органларида амалга ошири-лаётган ислоҳотлар Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олижаноб, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган фидойи, виждонли ходимларни тарбиялаб етиштириш вазифасини қўймоқда. Чунки бугунги мураккаб шароитда ички ишлар идоралари ходимларининг халқ олдидаги нуфузини кўтариш, уларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш бевосита ана шу ислоҳотлар самарасига боғлиқ.

Демократик ислоҳотлар йўли – биз учун ягона ва энг тўғри йўллигини, «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори» деган янги ғоя, кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётганлигини, энди эса ислоҳот жамиятдаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб белгиланишини, халқни қийнаётган муаммолар эса оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлардаги кайфиятлар, халқ қабулхоналари ва бошқа «барометрлар» орқали аниқланишини – Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламентга мурожаатида таъкидлаб ўтди.

Жумладан, биргина фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганлигини, айниқса, фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён

* ИИВ МОИ Махсус фанлар цикли ўқитувчиси

ечилмасдан келаётган муаммолар ҳал этилиши ёки прописка тизимининг ислоҳ қилиниши бунинг ёрқин мисолидир.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 2020 йил 13 март ЎРҚ-610-сон қонуни янги таҳрирда қабул қилиниб, унда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш ва тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши билан бирга, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахсининг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисидан ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилиб, Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум қилиниши (қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно) ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги ушбу қонунда ифода этилди.

Ўзбекистон Республикаси ўз органлари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари олдида масъул эканликлари, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъул эканлиги мазкур қонун билан мустаҳкамланди.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги қайси ҳолатларда ҳисобланиши аниқ белгилаб берилди, булар:

1992 йил 28 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида доимий яшаган, чет давлат фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахс;

Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва 1992 йил 28 июлга қадар ўқиш учун Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетган ҳамда узлуксиз равишда таълим олган ёхуд ҳарбий хизматни ўтаган ва ўқиш ёки ҳарбий хизмат туганидан кейин бир йил ичида Ўзбекистонга қайтиб келган ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган шахс, башарти унинг чет давлат фуқаролиги мавжуд бўлмаса;

қонун кучга кирган кунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлган шахс;

қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахс.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш чоғида қонуннинг 5-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш факти доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги белгининг мавжудлиги билан тасдиқланиши, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчи ушбу фактларни суд тартибида аниқлаши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олишда 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиниши, ўзини Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикасида камида ўн беш йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиниши, ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган бола хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Ушбу Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмида ҳамда мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган фактларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчи ушбу фактларни суд тартибида аниқлаши мумкинлиги фуқаролик соҳасидаги ислохотларнинг ёрқин мисолидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашга, айниқса, юртимизда узок йиллардан бери яшаб келаётган, лекин “Ўзбекистон Республикаси фуқароси” – деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг муаммолари ҳал этилишига, орзу-истакларини рўёбга чиқаришга, энг асосийси уларнинг ҳаётдан рози бўлишларига ва жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишига, энг асосийси инсон қадрини улуғлашга қаратилган.

Республикамизда учинчи ренессанс пойдеворини куриш борасида олиб борилаётган ушбу хайрли ва ижобий ислохотлар инсон кадрини, ҳуқуқларини, эркинлигини ҳамда уларнинг манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий эътироф этилмоқда ва Ўзбекистон ўз имижини ўзгартиришда улкан ютуқларга эришмоқда.

*А.Кулахмедов**

КОНСТИТУЦИЯ – МИЛЛАТ ТАФАККУРИНИНГ МАҲСУЛИ

Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожини, фуқароларининг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берувчи асосий қонундир. Бундан 28 йил муқаддам қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини ифода этиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мус-таҳкам йўлини белгилаб берди.

Умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари, андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий Конституциянинг қабул қилиниши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти сари ташланган энг биринчи ва қатъий қадам бўлган эди. Асосий қонунимиз «муқаддима»сида санаб ўтилган устувор меъёрлар Ўзбекистон халқи, ҳар бир фуқароси ҳаётининг маъноси, мақсади улуғвор ва эзгу эканини умумбашариятга маълум қилади.

Асосий қонунимизнинг дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлган эди. Илгари амал қилиб келган барча конституциялар (Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги конституциялари, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг 1920-1921 йиллардаги конс-титущиялари, ЎзССРнинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги конституциялари) ўз халқи ва худудини эркин, демократик асосда бошқарадиган мустақил давлат талабларига жавоб беролмай қолди. Бошқача айтганда, давлат мустақиллигининг эълон қилиниши Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этган асосий омил бўлди.

* Тошкент шаҳри ИИВ Академик лицей ўқитувчиси, ю.ф.н., доцент

Республика мустақилликни қўлга киритгач, табиийки, буни конституциявий асосда мустаҳкамлаш зарурати туғилди. Конституцияда янги давлатнинг мақсади, суверенитети, ички ва ташқи сиёсий тамойиллари, инсон ҳуқуқларига, демократиянинг ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлиги мустаҳкамлаб қўйилмоғи зарур эди. Шунинг баробарида, янги Конституция ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибасини ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган меъёрларига таяниши, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асос бўлиши, барқарор бозор иқтисодига асосланган демократик давлат, фаровон жамият учун ҳуқуқий пойдевор яратиши керак эди.

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатларига жамиятнинг жадал ривожини таъминловчи восита сифатида қаради. Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш конс-титучиявий нормалар ва қоидаларни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилар, илгариги Конституция янги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ривожига ёрдам беролмай қолган эди.

Шунингдек, Конституция фуқаролик жамияти барқарорлигини таъминлаши, инсон ҳуқуқларининг кафолати бўлиши, янгича ижтимоий муносабатларга ўтиш шароитида пайдо бўлиши эҳтимол тутилган тартибсизликлар ва ҳуқуқий нигилизмнинг олдини олиши лозим эди. Зеро, Конституция Асосий қонун шаклида жамиятда вужудга келадиган кўпгина саволларга жавоб бериш баробарида, давлатнинг аниқ-равшан дастури мавжудлиги ва унинг аниқ белгиланган йўлдан боришига далолат беради.

Ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан аввалги конституциялардан принципиал равишда фарқ қилувчи Ўзбекистон Конституцияси биринчи моддасидан тортиб, то охириги – 128-моддасига қадар мустақиллик ғояси билан суғорилди. Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократик қадриятларга таянилгани ҳам Конституциямизнинг хусусияти саналади.

Шу билан бирга, Конс-титучиямиз халқимизнинг миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттира олди. Конституция мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти экани, ташқи сиёсатни ўз манфаатларидан келиб чиқиб олиб бориши, халқаро ташкилотлар ва давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқини қонуний мустаҳкамлаб қўйди. 1990 йилнинг 20 июнь куни эълон қилинган «Мус-тақиллик декларацияси» ҳамда 1991 йил 31 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асос-лари тўғрисида»ги қонун талабларини ўзида тўлиқ акс эттирган Конституциямизда инсон ҳаёти ва эркинлиги, шаъни, кадр-қимматининг олий қадрият экани, фуқароларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши, айбсизлик презумпцияси каби нормалар

мустаҳкамлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам Конституция ижтимоий ҳаётимизга, фуқароларнинг турмуш тарзига тез сингиб кетди. Бугун у болалар боғчасидан тортиб, мактаб ва олий ўқув юртларида ҳам ўрганилмоқда.

Мазкур Конституция асосида Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади.

Асосий қонунимизнинг жаҳон андозаларига мос келиши, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби муҳим халқаро ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этгани кенг жамоатчилик ҳамда хорижий экспертлар томонидан эътироф этилди ва этилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасида белгиланганидек, мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдорлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Демак, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳуқуқий демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти қуришнинг энг асосий кафолати ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, такомиллаштириш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Токи, қонун амалда тўлиқ қўлланилмас экан, унинг кучи ҳам сезилмайди. Агар қабул қилинаётган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти, мақсади тушуниб етилмаса, уларга амал қилишда хатога йўл қўйиш одатий ҳол бўлиб қолаверади.

Юртдошларимиз онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни беқиёсдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ, дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим шарти ҳисобланади. Айнан жамоатчилик назорати орқали ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муаммолар кун тартибига олиб чиқилади ва ҳал этиб борилади.

Жамоатчилик назорати тушунчасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари

(институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат сифатида таъриф берилди.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга кўра, жамоатчилик назоратининг субъектлари – Ўзбекистон фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ННТлар, оммавий ахборот воситаларидир. Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Асосий қонунимизнинг учинчи бўлими – «Жамият ва шахс» деб номланган ва фуқаролик жамиятининг аънаналарини тиклаш, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривож-ланишини таъминлашга қаратилган конституциявий қоидалардан ташкил топган. 34-моддасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш каби конституциявий ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий қонунимизда алоҳида, XIII боб ва 7 та модда бевосита жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишлаганини таъкидлаш жоиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мазкур институтларнинг давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада янги даврни бошлаб берди.

Жорий йилнинг 16 апрелида Президентимизнинг ПФ-5980-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари ташкил этилди.

Ишончимиз комилки, Конституция ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда бундан кейин ҳам мустаҳкам қафолат бўлиб хизмат қилади.

Конституциямиз халқимизнинг юксак тафаккури самараси маҳсули. Уни беназир ҳуқуқий кадрият сифатида асраб-авайлаш, ўқиб-ўрганиш, унга оғишмай риоя қилиш, баён этилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ва бурчларни виждонан масъулият билан бажариш, келажак авлодга улуғ

неъмат сифатида етказиш, у билан фахрланиш ҳар бир ўзбекистонлик учун шарафдир.

*Ж.Қ.Хамраев**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОН

Конституцияга мувофиқ ҳаракат қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини адолатли ҳамда тенг асосда ҳимоя қилишни аниқлатади. Мансабдор шахслар Конституцияга зид хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши керак. Конституция одамлар фаровонлиги ва уларнинг манфаатларининг энг олий ҳуқуқий кафолати ҳисобланиб, жамият ҳаётини шакллантириш ва давлатни ташкил этишнинг асосий воситаларидан бири саналади.

Инсон ҳуқуқлари замонавий давлатнинг конституциясида марказий ўринни эгаллайди ҳамда жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни белгилайди. Шу боис, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар замонавий Конституция лойиҳасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва демократик конституциявий тузум ўртасидаги боғлиқлик Конституция қабул қилинишига ёки конституциявий ислоҳотга олиб келадиган жараёндан бошланади. Бундай жараён жамиятнинг барча соҳалари вакилларининг кенг иштирокига асосланган бўлса, муваффақиятли натижаларга олиб келади. Конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш фақат сиёсий арбобларга топширилмаслиги керак, чунки бу жараённинг биргаликдаги муаллифлиги катта аҳамиятга эга. Бунда иштирокчилар ўз фикрларини эркин билдириши ва ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳокимият вакиллари билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларда давлат ва жамиятнинг барча вакиллари иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Фуқаролар ҳам ўз сиёсий фаолликларини намойиш этиб, Конституцияни такомиллаштириш бўйича Конституциявий комиссияга 60 мингдан ортиқ таклифлар билдиришди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Конституцияни такомиллаштиришда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи асосий ўринни эгаллаши лозим. Шу муносабат билан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Конституциянинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

бағишланган нормаларни такомиллаштириш, уларни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномлар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига мувофиқлаштириш ҳамда Конституцияда ақс эттириш бўйича ўзининг бир қатор таклифларини Конституциявий комиссияга йўллади.

Амалдаги Конституция хорижий илғор тажриба ҳамда халқаро стандарт ва талабларга ҳар томонлама мос келади. Лекин, ундаги баъзи нормаларни такомиллаштириш, бугунги кун талабларига мослаштиришни замон тақозо этмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб бир қатор Конституциявий комиссияга тақдим этилган қуйидаги таклифлар инобатга олинди:

Биринчидан, Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистоннинг **ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** эканлигини белгиловчи қўшимча. Мазкур норма дунёнинг кўплаб давлатлари конституцияларида мавжуд. Шунингдек, уларда давлат тузилиш шакли ҳам белгиланадиган ҳоллар кўплаб учрайди.

Иккинчидан, Конституциянинг ҳуқуқий мақомини унинг ўзида белгилаш. Яъни, Конституциянинг 15-моддасини **“Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади”** деган норма билан тўлдириш таклиф этилган. Амалдаги қонунчиликда бу Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган. Хорижий давлатлар тажрибасида (Россия, Белорус ва бошқалар) Конституциянинг мақомини унинг ўзида белгилаш тажрибаси мавжуд. Мазкур таклиф Комиссия томонидан қабул қилиниб Лойиҳага қўшилган.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўз мамлакатидан чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга экстрадиция қилиниши мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма билан тўлдириш. Марказ томонидан билдирилган ушбу таклиф Конституциянинг 22-моддасига қўшимча сифатида киритилган.

Шунингдек, бир қатор долзарб масалалар ҳам борки, уларни Конституцияга киритиш унда инсон ҳуқуқлари янада кафолатланишини ҳамда демократик бўлишини таъминлайди.

Лойиҳада 18-моддани янги биринчи ва иккинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилган. Шу муносабат билан, учинчи қисмдаги **“фуқаролар”** сўзи барчанинг қонун олдида тенглигини истисно этмоқда. Яъни, Ўзбекистонда жуда кўплаб чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар истиқомат қилиши ва фаолият юритиши инобатга олинса, бу халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлади. Зеро, **Фуқаролик ва сиёсий**

хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-моддасида ҳар бир давлат ўз худудида турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг хуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 18-модданинг 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Ўзбекистон Республикасида барча бир хил хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, **танасининг ранги**, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, **ногиронлиги, туғилган жойи, яшаш жойи, ёши**, эътиқоди, шахси, ижтимоий ва **хизмат** мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”.

Таъкидлаш жоизки, инсон хуқуқлари тўғрисидаги қоидалар демократик конституцияларнинг асосини ташкил этади. Конституциявий ислохотларнинг муваффақияти унда турли қатлам вакилларининг манфаатлари инобатга олинганлиги ҳамда улар томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқ бўлади. Бу эса, Конституцияда инсон хуқуқ ва эркинликларининг қай даражада кафолатланганлигига боғлиқ бўлади. Шу сабабли, Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги лойиҳада юқоридаги таклифларнинг инобатга олиниши катта аҳамиятга эга.

*Б.Н.Сирлиев**
*Э.У.Эргашев**

КОНСТИТУЦИЯ –ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ХУҚУҚИЙ КАФИЛИ

Ўтган давр мобайнида Республикамиз иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, ислохотлар, қанчадан-қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги бевосита Конституциямизга боғлиқлиги, хуқуқий фуқаролик жамияти қуришда ҳуқуқимизнинг Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунлар асосида фаолият олиб бораётганлиги, мустақиллигимиз билан бир қаторда Конституциямизнинг қабул қилинганлигини ҳам ҳар йили нишонланиши бежиз эмас, албатта.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда ҳар қайси оила ва фуқароларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси деб қабул қиламиз.

* ИИВ Академияси кафедра бошлиғи

* Бектемир тумани ИИОФМБ бошлиғи, илмий тадқиқотчи.

Конституциямиз тарихан синалган умуминсоний, умумбашарий кадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Асосий қонунимиз энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган.

Шунинг билан бирга Конституциямиздан халқимизнинг узок ўтмиш даврлардан буён шаклланиб келаётган миллий тафаккури, муқаддас кадриятлари ўз аксини топган, халқимиз кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик бағрикенглик мардлик каби улуғ хислатлар ўрин олган.

Конституциявий комиссия томонидан Конституциянинг ғоявий мағзи, яъни концепцияси устида иш бошлаб юборилди. Натижада, 1992-йил баҳорида Конституция лойиҳасининг 149 та моддадан иборат янги тахрири ишлаб чиқилди ва у 1992-йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ниҳоятда кенг кўламли бўлиб, юксак ижодий кўтаринкилик ва ишчанлик кайфиятида ўтди.

У жамиятимизда чинакам демократия қарор топишининг ёрқин намоиши бўлди. Ўз руҳи ва мазмуни жиҳатидан муҳокама давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича бутун халқнинг умумий суҳбатига айланиб қолди. Лойиҳанинг қизғин ҳамда манфаатли муҳокамаси халқимизнинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий Қонунининг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатди. Қарийб икки ой давом этган умумхалқ муҳокамасидан сўнг билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди ва лойиҳа ушбу таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта тузатилиб, 1992-йил 21-ноябрда муҳокамани давом эттириш учун иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинди.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг иродасини бевосита аниқлаш, шунингдек муҳокама давомида тўпланган бой материалларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва умумлаштириш, уни давлатнинг мужассам Асосий Қонуни сифатида ифодалаш имконини берди. Асосий Қомусимиз мустақиллигимизнинг меваси, маҳсули сифатида дунёга келди.

1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида муқаддима, 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Конституция қабул қилинган кун 8 декабрь мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида дам олиш куни деб эълон қилинди.

Республикамизда давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб, конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонун-қоидалар ваколат

берилган идоралар томонидан амалга оширилишлиги, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши, республикада демократия умуминсоний тамойилларга асосланишини, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг сўзсиз тан олиниши каби муносабатлар ўз аксини топган.

Шунинг учун ҳам энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, кадр-қиммати тўғрисидаги тамойил Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциямизда фуқароларимизни нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки унинг ташқарисида ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатиш, уларнинг яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, дам олиш, билим олишлиги кафолатланган.

Конституциямиз ўзининг туб моҳияти фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжат бўлиб, унда жамаки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи-инсон деган фикр илгари сурилди.

Конституциямизда давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Конституциянинг барча принциплари ва қоидаларини ҳаётимизга жорий этиш уларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишдан бошланади. Шу боис, Асосий қонунимиз туб маъно – мазмунига етиб бормоқ ва шу асосда Конституция қоидаларини ҳаётимизнинг таркибий қисмига айлантормоқ барча давлат идоралари, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўта масъулиятли вазифаси, шарафли бурчидир.

Конституциямиз нақадар теран демократик заминга, қудратли сиёсий – ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир кучига эгаллигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Конституциянинг худди ана шу ғоявий ҳуқуқий-мафкуравий, маърифий-тарбиявий салоҳиятини, мазмун - моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар онгига синдириш мақсадида мамлакатимиз биринчи Президенти томонидан 2001 йил 4 январда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” фармойиши қабул қилинди.

Дарҳақиқат, жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг камровли ислоҳотларнинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби эзгу ғоя ва бош мақсад этиб танланганлиги бежиз эмас. Бош қомусимизнинг 13-моддасида Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади деб эътироф этилган.

Мамлакатимизда суд – ҳуқуқ тизимида кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар ва тарихимизда учрамаган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат ва нодавлат институтларининг пайдо бўлиши ушбу меъёрларнинг ҳаётдаги амалий тасдиғидир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, янги шахсни шакллантириш давлат қурилишида энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолди.

Ўтган қисқа даврда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан келиб чиқадиган, халқаро андозалар талабларига асосланган очиқ ҳуқуқий-ижтимоий вазият барпо этилди. Бу эса фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқа бошқарув органларида бевосита иштироқи, шунингдек барча мулк шаклларига асосланган маъмурий-хўжалик тузилмалари билан турли-туман муносабатларни йўлга қуйишда имкониятлар яратиб берди.

Конституциямизнинг барқарорлиги, унинг энг муҳим принциплари ва нормаларини ҳар бир Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тўғри англаб олоғи зарур. Чунки у маънавий – маданий эҳтиёжларни, ватанпарварлик туйғуларини, таъбир жоиз бўлса, халқнинг виждони ва диёнатини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, биз учун муқаддасдир.

Шу боис Ўзбекистон Конституцияси ҳалқимизда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялайди, давлатимиз рамзи бўлмиш Ўзбекистон мадҳияси, байроғи ва гербида ўз ифодасини топган бахт саодат сари етаклайди.

*Д.Эшқулов**

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ Юридик фанлар кафедраси кабинет бошлиғи

Конституциявий ислохотни амалга ошириш ва унга янги институт ва нормаларни киритиш бир томондан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ислохотларга ортга қайтмайдиган тус бериш бўлса, бошқа томондан эришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўядиган марраларни белгилаш учун ҳам зарурдир.

Жорий йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда асосий қонунимизни такомиллаштириш бўйича таклифлар бидирилиб, муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституцияда болалар меҳнатига йўл қўймаслик масаласини алоҳида акс эттириш ушбу вазифалардан бири сифатида таклиф этилди.

Албатта Конституциямизнинг 37-моддасида мажбурий меҳнат тақиқланиши тўғрисидаги қоида белгиланган. Ушбу қоидани ривожлантирган ҳолда болалар меҳнатига йўл қўйилмаслигини Конституция даражасида белгилаш зарурияти мавжуд. Бунинг учун Ўзбекистон охириги беш йил давомида қонунчилигини ривожлантириб, қўйилган мақсадга эришишнинг ҳуқуқий замини яратиши билан бир вақтда, мамлакатимиз болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича салмоқли ютуқларга ҳам эришди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли барча жабҳаларда бўлгани каби болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида аниқ натижаларга эришилди.

Хусусан, бу борада қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий база мустаҳкамланиб, халқаро стандартлар имплементация қилинди, институционал тизим ривожлантирилди ҳамда фуқаролик жамияти ва ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик фаоллашди. Эндиги босқич Конституция даражасида болалар меҳнатидан фойдаланишни чеклар эканмиз, аввало «болалар меҳнати» тушунчасига аниқлик киритиш лозим.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) берган таърифга кўра, болалар меҳнати деганда ақлий, жисмоний, ижтимоий ёки ахлоқий жиҳатдан болалар учун хавф туғдирадиган ёки болаларга зарар етказадиган, уларни мактабда ўқиш имкониятидан маҳрум қиладиган иш ва фаолият турлари тушунилади.

Шунингдек, болаларнинг куллиги, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган шароитларда ишлатиш ва катта шаҳарлар кўчаларида ёшлигидан мустақил ҳаёт кечиришга мажбур қилдириш ҳам болалар меҳнатининг оғир шакллари ҳисобланади. Болалар ва ўсмирларнинг соғлиғи ва ривожланишига таъсир қилмайдиган, шунингдек таълим олишига халақит бермайдиган ишларни бажариши бола меҳнати сифатида баҳоланмайди.

Ушбу турдаги ишларга боланинг ота-онасига уй-рўзгор юмушларида ёки оилавий бизнесда ёрдам бериши, мактабдан кейин ёки мактаб таътилида касб-хунар ўрганиши киради. Буларнинг барчаси боланинг ривожланишига ҳисса қўшади, болага жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш учун келажақда зарур бўладиган кўникма ва тажриба орттиришга ёрдам беради.

Албатта, ҳар қандай вазият ва ҳар қандай давлатга нисбатан мос келадиган «болалар меҳнати» тушунчасига аниқ таъриф бериш жуда қийин ва буни ХМТ экспертлари ҳам тан олишади. Болалар томонидан бажарилиши мумкин бўлган иш турлари ва «болалар меҳнати» ўртасидаги фарқ ҳар бир вазиятда алоҳида баҳоланиши, ишни бажарадиган боланинг ёши ва жисмоний қобилиятлари, бажариш шароитларига аҳамият бериш керак бўлади.

Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланиш асосан қишлоқ хўжалиги соҳасида, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, пахта йиғим-терим ишларига мактаб болалари жалб қилиниши учраб турар эди. Бундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқишининг сабаблари бир нечта бўлса-да, асосий омил бу пахта етиштиришда давлатнинг яққаҳоқимлиги ўрнатилганлиги эди.

Давлат раҳбарининг жамиятдаги мавжуд муаммоларни, хусусан мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан фойдаланиш каби салбий ҳолатларни очиқ тан олиб уларни биргаликда бартараф этиш бўйича илгари сурилаётган ташаббуслари барчани бу йўлда бир тан-у бир жон бўлиб бирлашишига олиб келди.

2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича алоҳида стратегиянинг қабул қилинганлиги натижасида агробизнес учун қулай муҳит яратишга, инвестиция жалб этувчанлигини оширишга, бозор принципларини кенг жорий этишга, шунингдек, меҳнатни механизациялаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Пахта етиштиришда бозор иқтисодиётининг синалган ва самарали усули – кластер тизими жорий этилди. Пахта теримчилари меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш чоралари кўрилди. Мисол учун, 2021 йилда 1 кг қўлда терилган пахта хом ашёси учун тўлов 2015 йилга нисбатан қарийб 10 баробар оширилди.

Мазкур ислохотлар амалга оширилгунга қадар ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Айниқса, бу ишларга ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, тўрт ойгача пахта йиғим-теримига жалб қилиниши натижасида таълим сифати ҳам мураккаб аҳволга келиб қолган эди. Қабул қилинган тўғри қарорлар натижасида бундай салбий ҳолатлар энди тарихда қолди.

Амалга оширилган ишлар самараси халқаро ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Жорий йилнинг 1 март куни Халқаро меҳнат ташкилоти «Ўзбек пахтаси тизимли болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан холи» деб номланган ҳисоботини эълон қилди. ХМТ ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўтган етти йил давомида ўтказилган мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, 2021 йилга келиб пахта йиғим-теримларида болалар меҳнати умуман аниқлангани йўқ, йиғим-терим ишларига мажбурий жалб қилинганлиги бўйича эса сўровда иштирок этганларнинг атиги 0,59 фоизи билдирган холос. Ушбу ютуқларга айниқса 2021 йилда, яъни БМТ томонидан эълон қилинган Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида эришганимиз ҳам рамзий маънога эга деб ўйлайман.

Пахтани етиштириш ва уни йиғиб олиш жараёнида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилишига эришганимиз ва унинг халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тан олиниши том маънода Янги Ўзбекистон эришган тарихий ютуқлардан бири деб атасак бўлади.

Cotton Campaign халқаро коалицияси томонидан 2009 йилда ўзбек пахтасига эълон қилинган бойкот 2022 йил 10 март куни расман бекор қилинди.

Коалиция раҳбарияти бу тарихий ютуқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва пахтачилик соҳасини ривожлантириш йўлида ташаббус кўрсатиши ва ислоҳотлар амалга оширилиши натижаси эканини таъкидлади.

Ўз навбатида, ўзбек пахтасига бойкотнинг бекор қилиниши, айниқса, қишлоқ жойларда миллионлаб янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, республика тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга кўмаклашади.

Шунингдек, дунёга машҳур текстил маҳсулотлари ишлаб чиқувчилар ва ритейлерлар мамлакатимиз пахтасидан тайёрланган маҳсулотларни бутун дунё бўйлаб сотиши имкони пайдо бўлди.

Қайд этиш керакки, болалар меҳнати фақат пахта йиғим-теримида эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам учраб турибди. Болалар меҳнатидан фойдаланиш аксарият ҳолларда оила даромадларининг етарли бўлмаганлиги оқибатида юзага келмоқда. Камбағалликни қисқартириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўшимча даромад манбаларини шакллантириш йўналишдаги ишлар бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жойларда маҳаллабай ишлаш асосида ёрдамга муҳтож фуқароларга ўз ишини бошлаш учун субсидия ва грант маблағлари ажратилмоқда.

Давлатнинг ижтимоий ёрдами аниқ ва манзилли амалга оширилиши учун «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» каби рўйхатлар

шакллантирилиб, ушбу дафтарларга киритилган фуқароларга ҳар томонлама кўмак кўрсатилмоқда. Кўрилаётган чоралар оилаларнинг моддий аҳволи яхшиланишига ва болалар меҳнатидан фойдаланиш янада қисқаришига олиб келади. Конституциямизда бола меҳнатидан фойдаланишни тақиқлашни назарда тутадиган қонданинг киритилиши Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатларга ҳам тўла мос келади.

Чунончи, Ўзбекистон қўшилган ва ратификация қилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция, Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-сон-Конвенция, Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенцияларда болалар меҳнاتини чеклаш, унинг энг ёмон шаклларига йўл қўймаслик бўйича давлатларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятлари белгиланган.

2020 йилда вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланиш ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Қонунчилигимизнинг ушбу масала бўйича такомиллаштирилганлиги натижасида реал натижаларга эришиш мумкинлиги гувоҳи бўляпмиз ва бола меҳнатидан фойдаланишни чеклашни назарда тутадиган қонданинг Конституциямиз даражасида белгиланиши ислоҳотларнинг ортга қайтмас характер берилишига олиб келади.

Бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангдир. Хусусан, Барқарор тараққиёт мақсадларининг 8.7-бандига кўра 2025 йилгача болалар меҳнатининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича зудлик билан самарали чоралар кўришни назарда тутган. Ўзбекистон Конституциясига болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича алоҳида норма киритилса, ушбу йўналишда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти олдида қатъий ва ўзгармас позицияси мавжудлиги бўйича ишора ҳам ҳисобланар эди.

Болалар меҳнاتини тақиқловчи нормалар Арманистон, Венгрия, Исроил, Португалия, Тожикистон, Украина, Хорватия ва Қирғизистон каби давлатларнинг Конституцияларида алоҳида белгилаб қўйилган.

Болаларнинг барвақт меҳнат қилиши уларнинг таълим олишига тўсқинлик қилади ва келгусида жамиятимизнинг саводсиз, жисмонан ва интеллектуал жиҳатдан чекланган аъзоси бўлиб қолади, уларда камбағаллик асиридан чиқиб кетиш имконияти деярли бўлмай қолади. Худди шундай уларнинг болаларида ҳам келгусида ривожланиш учун имконият камайиб бораверади ва бу жамиятнинг ривожланишига ҳеч қандай ҳисса қўшмайди.

Шунинг учун болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича алоҳида нормани Конституция даражасида белгилашимиз, бу йўлда эришилган ютуқларимизни мустақамлаш ва амалга оширган ислоҳотларга ортга қайтмас тус бериш учун, инсон капитални ривожлантириш ва рақобатбардош кадрларни вояга етказиш учун, болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига тоқатсизлик қайфиятини шакллантириш учун ва болаларимиздан болаликни маҳрум қилмаслик учун керакдир.

*У.Э.Фозилов**

ДУНЁ КОНСТИТУЦИЯЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Давлатимизнинг бош Қомуси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинганлиги кўпчилигимизга маълум. Аммо дунё Конституциялари билан-чи? Йўқ дейсизми? Унда, биз сизга шу имкониятни тақдим этамиз. Қуйида улар ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Сан-Марино

Конституцияси ҳақи равишда энг қадимий ҳужжат ҳисобланади. Италиянинг анклави саналган ушбу мамлакат Европадаги энг қадимги ҳамда дунёдаги энг кичик давлатдир. Мамлакат Конституцияси анчагина ҳажмдор бўлиб, икки қисмдан иборат: Республика қонуний мақоми (1600 йил) ҳамда Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат тузилишининг асосий тамойиллари декларацияси (1974 йил). Иккинчи қисм 1974 йилда қўшимча сифатида қабул қилинган. Шу муносабат билан, айрим олимлар ҳанузгача мазкур конституциянинг қадимийлик мақомини тан олмайдилар.

Ҳиндистон

Ҳиндистоннинг асосий Қонуни ҳажми бўйича энг катта Конституция ҳисобланади: 395 модда, 12 илова ва 500дан ортиқ тузатишлар. Бундан ташқари, у шу қадар мураккаб тилда ёзилганки, ҳаттоки мамлакат аҳолисининг ўзи ҳам баъзан уни тушунишга қийналади.

Эквадор

Эквадор Конституциясида нафақат одамлар, балки ...табиатнинг ҳам ҳуқуқлари акс эттирилган. Шу боис, мамлакатнинг асосий Қонуни яна энг “яшил ҳужжат” деб ҳам номланади. Айтгандек, бу ҳолат ўрмон кесилишини чеклаш ва қурилишларни тўхтатиш учун мунатазам равишда судга даъво билан чиқадиغان экологларга жуда қўл келади.

Япония

* ИИВ Академияси Жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент.

Конституцияга биноан энг осойишта давлат, бу – Япония. Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубият ҳамда АҚШ оккупациясидан сўнг, Японияда 1947 йилда абадий пацифизмни назарда тутувчи асосий Қонун қабул қилинган.

Япон Конституциясига мувофиқ, давлат бундан буён ҳеч қачон ҳарбий кучларни яратмаслик, уруш келтириб чиқармаслик ва халқаро низоларда куч ишлатмаслик мажбуриятни олган. Япония армияси фақат давлат муҳофазаси учун ташкил этилган.

Германия

Германия Конституциясининг маъноси ҳам Японияникига ўхшайди. У Гитлер Германияси вайрон этилганидан сўнг ёзилган. Шунинг учун, қонуннинг деярли ҳар бир бўлимида немисларнинг тинчликсевар ғояси илгари сурилган.

Мальта

Мальтияликлар ҳам шунга ўхшаш пацифистик интилишларга эга. Мальта ўзини “фаол тарзда тинчликка интилувчи нейтрал давлат” сифатида эълон қилиб, ҳеч қандай ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик сиёсатига амал қилади.

Австралия

Австралия иттифоқи дунёдаги энг қадимий Конституциялардан бирига эга. У 1900 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозирга қадар амал қилади. Ҳужжатга олти марта ўзгартиришлар киритилган. 1967 йилда эса ундан аҳолини рўйхатга олиш чоғида аборигенларни ҳисобга олишни тақиқлайдиган низом чиқарилган.

Миср

Мисрнинг асосий Қонунида бутун бир бўлим матбуотга бағишланган. Конституция ОАВ эркинлигини кафолатлайди ҳамда газеталар мусодара қилиниши ва ёпилишини тақиқлайди. Ҳужжатда матбуот тўртинчи “мустақил халқ ҳокимияти” сифатида талқин этилган.

Коста-Рика

Коста-Рикада Конституция саккиз марта қабул қилинган. Сўнгги нашр 1949 йилда кучга кирган бўлиб, унда давлат раҳбарини танлашга доир қизик ҳолат мавжуд: агар президентликка номзодлар тенг сонли овоз тўпласалар, афзаллик ёши катта номзодга берилади.

Ямайка

Ямайка Конституция 1962 йил 6 август (Мустақиллик куни)гача ёки шу санадан кейин оролда дунёга келган барча шахсларга фуқаролик тақдим этиш имконини беради. Истисно ҳолат – душман давлатлар фуқароларининг болалари. Шунингдек, Ямайкада рўйхатдан ўтказилган кемада ёки самолётда

дунёга келган чақалоқлар ҳам Ямайка паспортини олишлари мумкин. Ямайка фуқароларининг хорижда туғилган болалари ҳам ота-онаси мамлакатининг фуқаролари ҳисобланади.

Исломий давлатлар

Диний қоидалар Конституциядан муҳимроқ ҳисобланган давлатлар ҳам мавжуд. Эрон, Ироқ, Саудия Арабистони, Покистон шулар жумласидандир. Ливияда асосий Қонун вазифасини Қуръон бажаради. Саудия Арабистонида эса Конституциянинг биринчи моддаси қуйидаги мазмунга эга:

“Саудия Арабистони Қироллиги – суверен араб ислом давлати. Унинг дини – Ислом, Конституцияси – Буюк Оллоҳ Китоби ва унинг Пайғамбаридир, тили – араб тили, пойтахти – Ар-Риёд”.

Саудияликлар Конституцияга эмас, балки Қуръонга қасамёд қиладилар ва шариат қонунлари бўйича яшайдилар.

Собиқ Иттифок

Собиқ Совет ҳудудида (собиқ социалистик давлатлар мустақиликка эришганидан сўнг) бизнинг мамлакатимиз – Ўзбекистон биринчи бўлиб Конституцияни қабул қилган.

АҚШ

АҚШ Конституцияси – ҳозирда мавжуд Конституцияларнинг энг қадимийси бўлиб, у 220 йил муқаддам қабул қилинган ва атиги 4,4 минг сўздан ташкил топган ўта қисқа ҳужжатдир. Қизиғи, АҚШ Конституциясида “демократия” сўзи тилга олинмаган.

Буюк Британия

Демократия намуналаридан яна бирини ёдга олсак. Ғарб оламида, бу – Буюк Британия. Фақат мамлакат Конституцияга эга эмас. Британия ҳуқуқи битта ягона тамойилга асосланади: “ҳар ким қонунда тақиқланмаган нарсани қилишга ҳақли”.

Исроил

Конституциясиз яна бир мамлакат – Исроилдир. Бироқ, бу ерда 70 йилдирки уни яратишга ҳаракат қиладилар. Ҳозирча жамиятнинг дунёвий ва диний вакиллари орасидаги келишмовчиликлар бунга йўл бермаяпти.

Африка давлатлари

Бугунги кунда Африка мамлакатлари энг ёш Конституцияларга эга: 39та Африка давлатининг 19тасида Конституция 2000 йилдан кейин ёзилган.

Ватикан

Ватикан Конституцияси бизга таниш бўлган асосий қонунлардан анча фарқ қилади. У кичик ҳажмда бўлиб, асосан Рим Папасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган. Масалан, Ватикан Конституциясининг биринчи сўзлари қуйидаги мазмунда ёзилган:

“Шахсий ташаббусимиз ила, суверен ҳокимият ҳақиқати ва тўлиқлигидан келиб чиқиб, биз давлат қонуни сифатида қуйидагиларга риоя этишни буюрдик ва буюрамиз”.

Сўнгра риоя этилиши керак бўлган қоидалар рўйхати келтирилган. Конституция 2001 йилда қабул қилинган.

Бразилия

Бразилия эса ўз Конституциясида ҳиндуларга урғу беради. Ушбу миллат учун алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, у “Ҳиндулар тўғрисида” деб номланади. Мазкур қоида уларнинг анъаналари, урф-одатлари, тили, шунингдек улар эгаллаган ерларга бўлган ҳуқуқлар эътироф этилиши ва муҳофаза қилинишини назарда тутди. Конституция 1988 йилда қабул қилинган.

Франция

Франция мамлакатда мунтазам равишда юз берган инқилоблар асосий қонуннинг тез-тез ўзгаришига сабаб бўлганлиги билан ном қозонган. Шу вақтга қадар 15та Конституция қабул қилинган бўлиб, уларнинг айримлари ишлаб чиқилиш ҳолатида бўлган. Мамлакатнинг ҳозирги Конституцияси 1958 йилда қабул қилинган.

Исландия

Исландия энг демократик тарзда тузилган Конституцияси билан мақтаниши мумкин. У лотерея ёрдамида танланган 950 нафар фуқаро томонидан тузилган.

Россия Федерацияси

Россия Федерациясининг Конституцияси ҳам нисбатан ёш қонун ҳисобланади. Ундаги қатъий қоидалар сабабли айрим бўлимларни янги Конституцияни қабул қилмасдан ўзгартириш мумкин эмас. Ҳозирда мавжуд Конституция 3,5 йил давомида яратилган. Конституцияда “парламент”, “сенаторлар” сингари хориж тилига мансуб сўзлар мавжуд эмас. Асосий қонунга тузатишлар кўпинча вилоятлар (РФ субъектлари) номининг ўзгариши сабабли киритилган. РФ Конституциясининг нусхалари 1999 ва 2005 йилларда фазога кўтарилган. Уларнинг бири “Мир” станциясида, иккинчиси эса Халқаро фазо станциясида бўлган.

КОНСТИТУЦИЯ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Конституция – сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “ўрнатиш, белгилаш, тасдиқлаш, тузук” маъноларини билдиради. Конституция – давлатнинг Асосий Қомуси бўлиб, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва ҳокимият, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи кучдир.

Конституциявий демократик ва очик фуқаролик жамият куришни мақсад қилиб, Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг беш тамойилидан бирини қонун устуворлиги, деб белгилангани бежиз эмас. Зотан, Ўзбекистон халқининг Конституциявий мақсади – инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда жамиятда айнан қонун устуворлигига эришиш ҳисобланади.

Ҳар бир миллат ва жамиятнинг давлат сифатида шаклланиши ҳамда ривожланишида унинг ишлаб чиқарган қонунлари, шу билан бирга бу қонунларни амалиётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади. Ватанимиз ҳам бу борада ҳавас қилгулик шонли йўлни босиб ўтди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда бир ярим йил мобайнида синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқ депутатлари Олий Кенгашининг 12-чақирик 11-сессиясида 128 моддадан иборат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Ўз ички тузилиши билан Ўзбекистон Конституцияси жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келади. Конституциямизнинг мазмун моҳиятига унинг қабул қилинишида биринчи навбатда инсон ҳуқуқи олий қадрият эканлиги сингдирилган. Унинг асосий мантиқий йўналиши куйидагича: инсон – жамият-давлат манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ, шиддатли ва кенг қамровли конституциявий ўзгаришлар Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ҳаётининг келажагига муҳим замин яратди. Қонунларимизнинг ҳар бир сатри “Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – Инсон” деган фикр асосида “фуқаро

* ИИВ Академияси Жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

– жамият – давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими ҳар томонлама асослаб берилган.

Конституция инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олийжаноб мақсадларни кўзлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Қонунларимизни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда мамлакатимизда турли дин ва турли миллатларга мансуб фуқаролар истиқомат қилишларини инобатга олиниб, барча фуқароларни виждон ва эътиқод эркинликлари қонуний йўллар билан кафолатланди. Мамлакатимиз фуқароларини виждон эркинликларини таъминлаш мақсадида 1991 йил “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бу аввало мамлакатимиз бош қомуси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ўз аксини топди. Унда шундай таъкидланади: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

Мазкур қонундан англашиладики, мамлакатимиз фуқаролари виждон эркинлиги борасида ихтиёрлидирлар. Аммо, баъзи бир “демократия” сўзини ўзларига қалқон қилиб, инсонни инсонлик табиатидан чиқарадиган ишларни ҳам “виждон эркинлиги” дея жар солиб, ўзларининг амалдаги қонунларига киритишлари ҳамда жамиятимиздан ҳам ушбу нарсаларни иташликлари на бизларнинг неча минг йиллик миллий қадриятларимиз ва тушунчаларимизга, на инсоний қадриятларга тўғри келади. Аслида “Виждон эркинлиги” ҳар бир шахсни ўз ҳатти-ҳаракатларида нима яхши-ю нима ёмонлигини назорат қилиши ва ўзда ахлоқий масъулиятни ҳис қилган ҳолда жамиятнинг бир бўлаги сифатида ҳаёт кечиришлиги кафолатланганлиги тушунилади. Жамиятда ана шундай виждон эркинлигига эга бўлган “Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.”

Шунингдек, мазкур модданинг давомида “Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб, жамиятда бир дин вакилини бошқа динга алдов ёки мажбурлаш орқали ўтказилиш – миссионерлик фаолиятига йўл қўйилмаслиги ҳам қонун билан кафолатланган.

“Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради”, деб ёзиб қўйилган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мазкур модда ислом динининг поклигини ёки ваҳҳобийликнинг бошқа шиорларини ўзларига байроқ қилиб олиб, тинч осойишта ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлаётган баъзи бировларга ақл-хушларини йиғиб олиш зарурлиги таъкидлайди.

Ҳозирги кунда Республикамизда Ислом дини билан бир қаторда 16 та диний конфессиялар эркин фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг миллати, ирки, динидан қатъий назар барча тенг ҳуқуқга эга эканлиги ҳамда фуқаролар ҳуқуқи қонун орқали кафолатланганлиги, инсон манфаатлари юқори баҳоланганлиги ва амалдаги мавжуд Қонунларимизни инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ пактларига тўлиқ мос келиши инсон ҳуқуқлари халқаро ташкилотлари томонидан эътироф этилган.

Унда фуқароларимизнинг манфаатлари йўлида, жамиятимизнинг маънавий соғломлиги йўлида хизматлари беқиёс бўлажаги шубҳасиз. Лекин ушбу қонунни ҳаётга оғишмай татбиқ этилишини таъминлаш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

*М.Х.Ачилов**

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини

* ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедра катта ўқитувчиси

«Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда¹.

Шу сабабли, Президентимизнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, иш услубларини, аҳолига хизмат кўрсатиш масалаларини, ҳамкорлик механизмларини, рақамли технологияларни жорий этиш даражасини ва шахсий таркиб билан маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш чораларини кучайтириш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Шунингдек, ҳудудларда жинойтчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жинойт ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш белгиланди².

Бир сўз билан айтганда ушбу соҳада илмий тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос олимлар тўғри таъкидлаганларидек, ички ишлар органлари билан Миллий гвардия фаолиятида амалга оширилаётган ислохотлар ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган³.

Маълумки, ҳар қандай давлат органи бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил қилмасдан туриб, ички имкониятлари доирасида ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмайди. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда таркибий тизимга кирувчи тармоқ хизматлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021 йил 29 ноябрь) ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

³ *Селиманова С.М., Ҳудойбердиев А.А.* Ички ишлар органлари миллий гвардия бўлинмалари билан ҳамкорликда оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлашнинг асосий йўналишлари // «Судебно-правовые реформы: национальный и зарубежный опыт»: материалы международной научно-практической конференции (30 сентября 2021 года). – Т.: Университет общественной безопасности Республики Узбекистан, 2021. – С. 57.

⁴ *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Юрид. фан. номзоди. Дис.-Т., 2008. – Б. 114.

Маълумки, жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашнинг асосий шартларидан бири, ушбу фаолиятга жалб этилган барча турдаги куч ва воситалари, бошқа давлат органлари ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳисобланади¹.

Бизга маълумки, бугунги кунда ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг ўзаро ҳамкорлиги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ички ишлар органлари ўз фаолиятини очик ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга ошириши² шунингдек, Миллий гвардия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиши белгиланган³.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Миллий гвардияси тўғрисида»ги қонунлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонун асосида қабул қилинган қонун ости ҳужжатларда яъни Президент фармон, қарор ва фармойиш, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва кўшма қарорларда ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий асослари белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун ва 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005 сон (2017 йил 10 апрель) фармони жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган муҳим ҳужжатдир. Фармонда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини аниқ чегаралаш, такрорланувчи ва долзарблигини йўқотган ваколатларни

¹ Шарипов С.С. Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлигини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари // Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 11, P 21.

² Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – 2017. – № 37. – 978-м.

³ Ўзбекистон Республикасининг миллий гвардияси тўғрисидаги қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2020 й., 03/20/647/1569-сон.

чиқариб ташлаш, бўлинмаларнинг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминловчи моддий-техник таъминоти даражасини мустаҳкамлаш, замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан давлат хизматлари сифатини яхшилаш назарда тутилди.

Мазкур фармон ижроси доирасида қабул қилинган ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда асосий ўрин тутадиган қуйидаги муҳим ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон (2018 йил 14 февраль), «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон (2018 йил 19 июнь) ва «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон (2018 йил 24 декабрь) қарорлари мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш, улар фаолиятига илғор иш усуллари ва замонавий технологияларни кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3528-сон (2018 йил 14 февраль) қарори билан Тошкент шаҳрида қайта ташкил этилган ички ишлар бўлимлари зиммасига секторлар ҳудудларида жамоат тартибини сақлашни амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилиб, уларнинг раҳбарларига ҳудудга бириктирилган патруль-пост хизмати нарядларининг кундалик дислокациясини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3786-сон (2018 йил 19 июнь) қарори асосида Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлашнинг янги тизимини назарда тутадиган «Хавфсиз пойтахт» концепцияси жорий этилиб, соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинмалари жамоат тартибини таъминлаш кучларининг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакиллари жалб қилиш орқали туну кун уч сменали патруль режими йўлга қўйилди. Шунингдек, қарор билан: патруллик қилиш учун бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги, уларнинг ўз вақтида олди олиниши ва уларга чек қўйилиши сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бораётган жамоат тартибини таъминлаш кучлари фаолиятини

баҳолашнинг энг муҳим мезонлари ҳисобланиши белгиланди; концепцияни амалга ошириш доирасида жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобиль марказларининг фаолият юритиши амалиёти жорий этилди ва улар ички ишлар бўлимлари хизмат кўрсатиш ҳудудларига бириктирилди; Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-4343-сон (2019 йил 29 май) қарори Тошкент вилоятида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш, шунингдек, ички ишлар ва Миллий гвардия органлари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг куч ва воситаларини назорат қилиш ва бошқаришнинг самарали тизимини жорий этишда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, мазкур қарорга мувофиқ, Тошкент вилояти ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари кундалик хизмат ўташлари бевосита минтақалар бўйича тақсимланади; минтақавий ҳудудлар раҳбарларига патруль-пост хизмати нарядларининг кундалик жойлашувини белгилаш ҳуқуқи берилди; Тошкент вилояти туман (шаҳар)ларида Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида биргаликда патруллик хизматини ўташ тартиби жорий қилинди.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизимида кенг қўлланми демократик ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон (2021 йил 26 март) фармони қабул қилинди.

Фармонга биноан ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

биринчидан, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгиланди. Унга мувофиқ, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланиб, унинг негизида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юклатилди;

иккинчидан, ушбу Фармон билан ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди. Унга мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш белгиланди: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш; патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бўйича янги механизмларни белгилаш; Миллий гвардия бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш тизимидаги ваколатлари ва шахсий жавобгарлигини белгилаш; пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмларини жорий этган ҳолда пробация бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўрнатилаётган янги механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда ички ишлар органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон (2021 йил 2 апрель) қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи янги бошқарув тизими жорий этилди: *биринчидан*, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ушбу ҳудудлардаги ички ишлар ва бошқа ваколатли органларнинг мавжуд куч ва воситаларини ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида сафарбар қилган ҳолда ҳамкорликда

амалга оширилиши белгиланди; *иккинчидан*, жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда пойтахтдаги барча ички ишлар органлари фаолиятини, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмалари куч ва воситаларининг ягона тезкор бошқаруви Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига, умумий бошқаруви ички ишлар вазири зиммасига юклатилди.

Ягона «пойтахт минтақаси» тамойили асосида ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошлиқларининг ҳамраислигида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Миллий гвардия бошқармаларининг бошлиқлари мазкур Кенгаш раисининг ўринбосарлари ҳисобланди. Кенгаш йиғилишлари ҳар ойда камида бир маротаба ўтказилиши ҳамда унда пойтахт минтақасида криминоген ва ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш натижасида аниқланган муаммоларни ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш бўйича манзилли чоралар аниқланиши белгиланди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузурида Ягона тезкор бошқарув маркази ташкил этилиб, унга қуйидагилар асосий вазифалари этиб белгиланди: *биринчидан*, пойтахт ҳудудида криминоген ва ижтимоий вазиятни узлуксиз мониторинг қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ички ишлар органлари, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли куч ва воситаларини бошқариш; *иккинчидан*, жиноятлар, ҳодисалар ва фавқулодда ҳолатлар ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш, жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириш.

Мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ушбу соҳадаги бўлинмаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5077-сон (2021 йил 15 апрель) қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилди.

Университетда Ички ишлар вазирлиги учун – жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг тегишинча жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишларида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишга қодир бўлган малакали мутахассисларни тегишли ихтисослик ва ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш ҳамда уларни жанговар ва жисмоний тайёргарликдан ўтказиш орқали мақсадли тайёрлаш Университетнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида, яна бир муҳим ҳужжат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021 йил 29 ноябрь) ПФ-27-сон фармони қабул қилинди.

Фармонға мувофиқ, қуйидагилар белгиланди. Хусусан,

биринчидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланди;

иккинчидан, жамоат тартибини сақлаш соҳасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органлари билан бир қаторда Миллий гвардияға берилиши бўйича вазифалар белгиланди;

учинчидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар сифатида мустаҳкамланди ва уларнинг аниқ ваколат доиралари белгиланди.

Мазкур фармон асосида тасдиқланган «2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси»ға мувофиқ, қуйидаги вазифалар белгиланди,

биринчидан, гуруҳий қонунбузарликлар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш вақтида Миллий гвардия ва ички ишлар органлари томонидан фойдаланиладиган махсус техник воситаларни, шунингдек, тезкор ахборот

алмашиш, қўйи тизимдаги бўлинмаларни оқилона бошқариш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

иккинчидан, «Жиноят ўчоқлари» ҳисобланган ҳудудларда тунги вақтда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари ва ходимларидан иборат автопатруль, отлик ва пиёда патрулларнинг узлуксиз фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг ваколат доирасини белгилаш ва функционал мажбуриятларини тасдиқлаш;

учинчидан, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлашга масъул бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатини кенгайтириш;

тўртинчидан, Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ҳамда «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш;

бешинчидан, Миллий гвардия ва ички ишлар органларидан жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган бўлинмаларнинг ахборот тизимлари (пробациянинг марказлашган электрон тизими, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизими) базасида «E-jamoat havfsizligi» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тўлиқ татбиқ этиш.

Ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш масалалари кўрилаётганда, аввало ўрганилаётган объектда *ўзаро ҳамкорлик* тушунчасига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги *ўзаро ҳамкорлик* – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб¹, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажаришади². Криминолог З.С. Зарипов айтганидек, ҳамкорликни ташкил қилишга ички ишлар органлари тизимидаги меҳнат тақсимоти, таркибий бўлинмалар ўртасида вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши каби масалаларни қамраб олган мақсаднинг вужудга келиши сифатида ҳам қараш мумкин. Ўзаро

1 Афанасьев В. А. Организация работы участкового инспектора милиции. – М., 1990. – С. 38.

2 Пулатов Ю. С., Исмаилов И. У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари. – Т., 2005. – Б. 104.

хамкорликнинг мақсади бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларини ҳал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлашни англатади¹.

Бу борада тадқиқот олиб борган ҳуқуқшунос олимнинг – давлат органлари ва муассасалари, жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифалар қўшма қарорлар, режалар, кўрсатмалар ва йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади деган фикрига қўшилиш мумкин².

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлини самарали ташкил этилиши, *биринчидан*, ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий тартибга солинганлигига; *иккинчидан*, ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, усул ва шакллари, куч ва воситаларининг аниқ белгилаб олинганлиги, шунингдек ҳамкорликнинг функционал ваколатлар доираси билан аниқ чегараланганлигига; *учинчидан*, ҳамкорликнинг муҳим шартлари бўлган ахборот муҳитининг яратилганлигига; *тўртинчидан*, ҳамкорликнинг биргаликда режалаштирилиши, режаларнинг амалдаги ижроси самарали таъминланиши ва иш натижаларининг биргаликда таҳлил қилиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ички ишлар ва Миллий гвардия органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий ва ташкилий-тактик асосларини такомиллаштириш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби фаолиятларини самарали ташкил қилиш учун имкон беради.

Ж.М.Якубов³

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КАФИЛИ

Конституция (лотинча “Constitution” – “тузилиш”, “тузук”) – давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш

¹ *Зарипов З. С.* Профилактическая функция следственных подразделений органов внутренних дел. – Т., 1980. – С. 57.

² *Шарипов С.С.* Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.// – Т. – 2020. – Б. 76.

³ ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

тартибларни, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, суд, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради. “Конституция” атамаси милодий эрамизнинг I асридаёқ Қадимги Римдаёқ маълум эди (император Конституцияси деб аталган қонун). Амир Темур “Тузуқлар”и Шарқ цивилизацияси анъаналарига хос шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. Зеро, унда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги, инсон ҳуқуқлари ва адолат тамойиллари устуворлиги ўз ифодасини топган. Конституция ана шу тарихий манбаларимиз, ҳамда ҳозирги замон жаҳоннинг 97 та мамлакати тўплаган илғор конституциявий тажрибани инобатга олиб яратилган.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раислигидаги комиссия томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида мамлакатимиз Конституциясининг қабул қилиниши халқимиз ва давлатчилигимиз тарихидаги улкан воқеа бўлган.

Маълумки, Конституция - олий юридик кучга эга бўлиб, барча муҳим ҳуқуқий меъёрларни тартибга солувчи асосий давлат қонунидир. Дунёнинг деярли барча давлатларида бу қонун мавжуд, бироқ конституцияси йўқ давлатлар ҳам бор. Лекин бу давлатларда кодификацияланмаган конституция мавжуд. Яъни, асосий ҳуқуқий меъёрлар давлат тузилишининг асоси бўлган ягона ҳужжат билан эмас, балки маълум бир қонун ҳужжатлари мажмуи билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди. Истиклолга эришгач, мамлакатимиз тараккиётидаги барча ўзгариш, янгиланиш ва ютуқлар замирида мана шу Асосий Қонунимиз ётади.

Асосий Қонунимиз жаҳон меъзонлари талабларига жавоб берибгина қолмай, халқаро миқёсда намуна бўлгулик ҳуқуқий ҳужжат эканини ҳам кўрсатади. Бу мазмундаги эътирофларга ўз-ўзидан сазовор бўлингани йўқ. Чунки бундай даражадаги ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш, қабул қилиш ва унча-мунча тасаввурлардаги ишлардан ҳам масъулиятлироқ ва мураккаброқки, буни англаш учун Биринчи Президентимизнинг қуйидаги фикрларини яна бир бора ёдга олиш ўринли: “Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Асосий Қомусимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир” .

Мамлакатимиз халқи мураккаб тарихий жараённи бошдан кечирди. Барча қийинчилик, жабр-зулм ва адолатсизликларга қарамай, буюк аждодларининг муносиб авлодлари, жаҳонга доврўғи кетган машҳур алломаларнинг қонуний ворислари эканини ҳар томонлама исботлади. Аллоҳнинг лутфу қарами ила азиз истиқлолга эришди. Нурли келажак сари катта ишонч билан қарамоқда ва улуғ орзуларига етмоқда.

Она диёримизда яшовчи барча халқлар ҳаётида муҳим воқеа бўлган Асосий Қонунимиз қабул қилинди. Маълумки Асосий Қонунимизда инсон омилининг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматининг энг олий қадрият, деб белгилаб қўйилгани бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар туфайли ўз исботини топмоқда. Унга асосан олиб борилаётган фаолият ва саъй-ҳаракат ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мамлакатимиз мусулмонлари ҳам диний, маърифий қадриятларнинг қайта тикланишига ҳам шоҳид бўлмоқдандир.

Асосий Қонунимизда жинси, миллати, дини, ирқи, ёши, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши каби омилларга кўра, инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган бирорта модданинг йўқлигида, ўйлаймизки аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимиз ва бебаҳо анъаналаримизнинг беқиёс ўрни бор. Минг йилликлар давомида аждодларимиздан авлодларга, ота-оналардан фарзандларга, ворисларга ўтиб келаётган ва дунёнинг ҳеч бир бурчагида такрорланмайдиган ажойиб муносабатларнинг, инсоний фазилатларнинг Асосий Қонунимиздан ўрин эгаллагани таҳсинга сазовор.

Диёримизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи мўмин-мусулмонлар ушбу Қомусда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан кенг ва бемалол фойдаланмоқдалар. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси умумхалқ муҳокамасидан ўтганидан кейин, 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат қабул қилиниши мустақил юртимизнинг давлатчилик тарихида буюк воқеа бўлди. Унга биноан 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга асосан диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. Мазкур қонуннинг 5-моддаси эътиқод софлиги, диний бағрикенгликка асослангандир.

Диёримиз мустақилликка эришгач, миллий истиқлол ҳақидаги азалий орзу-умидларимиз амалга ошди. Натижада, асрий қадриятларимиз тикланди ва ривожланиб бормоқда. Маданиятимиз, динимиз ўзининг табиий-тарихий, миллий фалсафий асосларига қайтмоқда. Айниқса, маънавий меъросни ўрганиш, аждодларимиз қолдириб кетган турли соҳалардаги асарларни

оммалаштириш, буюк алломалар, улуғ аждодларимизнинг муборак номлари ва ижодининг халққа қайтариб берилиши, она тили ва динимиз ривожланиши учун шароит яратилгани ўзбек халқи, хусусан, мусулмонлар учун буюк халоскорлик ва миллатнинг келажак тараққиёти учун қудратли куч-омил бўлди.

Мустақил она диёримизда яшовчи барча халқлар томонидан иқдор қилинган Асосий Қонунимизда инсон ҳуқуқлари, бурч ва вазифалари каби виждон эркинлиги ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. ... Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди”, деб алоҳида таъкидланган. Муқаддас Ислом дини қадриятлари бой ва буюк маънавиятимиз асоси эканини эътироф этиб, Ватанимизнинг биринчи Президенти бундай деганлар: “Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри холда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз”.

Асосий Қонунимиз моддаларида нафақат халқчил тамойилларига, балки минг йиллар давомида ривожланиб келган миллий маънавиятимиз асосларига ҳам таянади.

Минг афсуслар бўлсинки, асосий Қонунимизнинг мазкур 31-моддасини айрим ғаразли кимсалар, ўзларини миссионер деб билувчилар томонидан қўпол равишда бузиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Улар ғаразли ҳаракатларини турли фаолиятлар орқали амалга оширишмоқда. Ўзларининг бундай нопок мақсадларини ёшлар ўртасида, айниқса, ҳеч бир диний маълумоти бўлмаган ёки турли ёт таъсирларга берилувчан айрим содда фуқаролар орасида ёйишга уринишмоқда. Натижада, баъзи юртдошларимиз алданиб моддий-маънавий қийинчиликлар бахонасида хорижий миссионерлар тузоғига илиниб қолишмоқда. Имон-этиқодларидан маҳрум бўлиб, икки дунё саодатини қўлдан бой бериб қўйишмоқда. Шу муносабат билан барчани огоҳликка, қадриятларимиз ва у билан боғлиқ бўлган тарихий бой меросимизни келажак авлодларимизга, азиз фарзандларимизга тўла-тўқис равишда етказишга чорлаймиз.

Биз учун ёд бўлган ҳар қандай ҳаракат, ғоя ва фикрларга бефарқ бўлмаслигимиз, мустақил она диёримиз халқига, унинг тинч турмуши ва фаровонлигига бўлаётган таҳдид хавфлардан огоҳ бўлишимиз, бу йўлда ўзимизнинг холис хисса ва хизматларимизни қўшишимиз лозим.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида диний, миллий ва этник можаролар, уруш ва хунрезликлар бўлаётган бир паллада, юртимиз тинч ва осуда, миллат ва элатлар ҳамжиҳат ва хотиржам яшаётгани, шу чоққача миллий ёки диний

низолар келиб чиқмагани бу борада катта ишлар амалга оширилаётганини яққол кўрсатади. Бундай имкониятлар учун ҳар қанча шукр қилсак арзийди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий Давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда Конституция ва у асосида яратилган қонунларимизнинг устуворлиги жамият тараққиёти ва равнақини белгилаб берувчи энг муҳим омил ҳисобланади.

"Кодификацияланмаган конституция" — бу битта ҳужжат ёки ёзма конституция бўлмаган ҳолда турли ҳужжатлардан олинган қоидалардан ташкил топган конституциядир. Маълумот сифатида фойдаланиладиган ҳужжатлар суд тизими ва ҳуқуқшуносларнинг шарҳларини ўз ичига олиши мумкин. Кодификацияланмаган конституцияга кўра, ҳукуматнинг янги шартлари ва ҳуқуқий ҳолатлари прецедент ёки қабул қилинган қонунлар билан тартибга солинади.

Дунёда кодификацияланмаган конституцияга эга еттита шундай давлат бор.

КАНАДА

Канада конституцияси ёзма актлар ва ёзилмаган конвенциялар тўпламидан иборат. Унда мамлакатнинг бошқарув тизими ва барча фуқаролар ва резидентларнинг ҳуқуқлари баён қилинган. Конституция 1982 йилдаги Канада қонуни, 1867 йилги Конституция қонуни, уларга киритилган тузатишлар ва 1982 йил Конституциявий қонуннинг 52(2) бўлимида келтирилган актлар ва буйруқлардан иборат. Ёзилмаган конституциявий қонуннинг манбалари конституциявий конвенциялар ва ёзилмаган тамойиллардан ташкил топади.

БИРЛАШГАН ҚИРОЛЛИК

Бирлашган Қироллик конституцияси халқ ва ҳукумат ўртасидаги ҳуқуқий келишувларни белгилайдиган қонунлар ва тамойиллар тўпламига асосланади. Конституция халқ ва давлат ўртасидаги муносабатлар, қонун чиқарувчи, суд ва ижроия ҳокимиятлари фаолияти билан боғлиқ. Буюк Британия конституцияси кодификацияланмаган бўлсада, бир нечта ёзма ва ёзилмаган манбаларга асосланади. Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар Буюк Британияда қонуннинг якуний манбаси ҳисобланади. Парламент ўз акти орқали янги низомларни қабул қилиш воситасида конституцияни ўзгартириш ҳуқуқига эга.

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ

Янги Зеландия конституцияси - бу мамлакат ва унинг фуқаролари ўртасидаги келишувларни белгилайдиган қонунлар ва тамойиллар тўпламидир. Янги Зеландияда ягона конституциявий ҳужжат йўқ, бунинг ўрнига 1986 йилги Конституция акти, Парламент актлари ва суд қарорлари

каби бир нечта хужжатларга амал қилинади. Кодексланмаган конституция мамлакатда монархия тузумини тасдиқлайди ва Waitangi шартномаси ҳукуматнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Янги Зеландия ҳукуматининг учта тармоғи ва уларнинг функциялари 1986 йилги Конституция тўғрисидаги қонунга асосланади.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Саудия Арабистонида юридик кучга эга ёзма конституция йўқ. Саудия Арабистони ўз ҳуқуқий тизимини Қуръон ва пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) суннатидан олинган шариат қонунларига асосланиб тузади. Шунингдек, мамлакат қозилари томонидан талқин қилинадиган исломий-илмий келишувга ҳам таянади. Ҳуқуқий “бўшлиқ” интеллектуал мулк ва корпоратив қонунлар каби замонавий масалалар юзасидан чиқарилган қирол фармонлари асосидаги қоидалар билан тўлдирилади. Саудия Арабистонида Шариат конституция ўрнида кўриладиган Қуръон ва Суннат билан якуний инстанция бўлиб қолмоқда.

ИСРОИЛ

Исроил давлати ёзилмаган конституция ва Исроил Таъсис Ассамблеяси томонидан 1950 йил 30 июнда қабул қилинган Ҳарари қарорига мувофиқ иш олиб боради. Исроилнинг мустақиллик декларацияси 1948 йил 2 октябрда конституция қабул қилинишини ваъда берган, аммо Кнессетдаги мурасасиз келишмовчиликлар туфайли ҳали тўлиқ кодификацияланган конституция қоғозга туширилмаган. Бироқ, бир нечта асосий қонунлар жорий этилган.

ХИТОЙ

Айрим хитойлик академиклар, жумладан, ҳуқуқ назариётчиси Жианг Шигонг ҳам Хитойда коммунистик партиянинг ҳар томонлама етакчилигига асосланган ёзма конституция ва ёзилмаган конституция борлигини таъкидлайдилар.

САН-МАРИНО

Сан-Марино ўз конституциясини ташкил этувчи бир неча асрлик ҳужжатлар тўпламига эга. Ушбу ҳужжатларга 1600 йилдаги 6 та китоб ва Фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси киради. Бу дунёда ҳозиргача сақланиб қолган энг қадимги конституция ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ДАВР ТАЛАБИ.

Республикаимиз Конституцияси қабул қилинганидан буён 30 йиллик тарихий бир давр, масофани босиб ўтдик. Бунинг исботи амалга оширилган ислоҳотлар, янгиланиш йўлида эришилган ютуқларимиз ва кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик» .

Албатта, мустақил ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этилиши ва янада ривожланиши йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонун – Конституциямиздир.

Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий асоси, принципларини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат манфаатларидан устуворлигини мустаҳкамлади, инсон учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Конституциямизда муҳраб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

Конституциямизда белгиланган конституциявий-ҳуқуқий нормалар кейинчалик конституция асосида қабул қилинган қонунлар ва кодексларда жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал,

¹ ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда муҳофазаланди ҳамда ушбу конституциявий-ҳуқуқий нормалар талабларини бузган шахсларга нисбатан тегишли адолатли жазо чоралари қўлланилади.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда муҳофазаланишига эътибор қаратадиган бўлсак. Конституциямиз қабул қилинган унинг талаблари асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 16-сессиясида қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси таркибида жами учта моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қайд этилган. Уларни таҳлил қиладиган бўлсак:

- 1) «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг вазифалари» номли 2-моддада;
- 2) «Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» номли 7-моддада;
- 3) «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари» номли 269-моддада.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик – инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди (МЖтК 2-моддаси).

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадидлар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар (МЖТК 7-моддаси).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонунчиликка мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир (МЖТК 269-моддаси).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишни тартибга солувчи қонунчилик бўлиб, мамлакатимизда амал қилиб келмоқда.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс конституциявий-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилишда содир этилган ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳуқуқбузарлик) ўз хусусиятига кўра жиний жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирдагина маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланиб маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс конституциявий-ҳуқуқий нормаларни муҳофазалаш учун қуйидаги тизим ва тузилишга эга, яъни, умумий ва махсус қисм, 5 бўлим, 31 боб ва 348 та моддадан иборат.

Мазкур кодекс бошқа кодекслардан фарқ қилувчи қуйидаги хусусиятга эга яъни унда маъмурий-ҳуқуқий моддий нормалар ҳам маъмурий-процессуал нормалар ҳам мавжуд.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига охириги йилларда кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда. Бироқ, киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга қарамай, фикримизча, унга яна бир қанча конституциявий-ҳуқуқий норма ва принципларни киритиш ҳамда ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш зарур.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўзининг Мурожаатномасида бу борада қуйидагиларни эътироф этдилар «Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли кафолатлар яратишимиз зарур» .

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янада такомиллаштириш мақсадида унинг қуйидаги нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, амалдаги МЖТКнинг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик» деб номланган 1-моддасида «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборат» эканлиги қайд этилган бироқ, ушбу моддада асосий қонуниimiz бўлган «Конституция» эътироф этилмаган.

Бу каби нормани Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги «Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги» деб номланган 1-моддаси билан таққослайдиган бўлсак, унда «Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборат» эканлиги қайд этилганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Озарбайжон Республикалари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида ҳам ушбу қонун ҳужжатлари Конституциядан иборатлиги ёки Конституцияга асосланиши қайд этилганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб фикримизча, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1-моддасини қуйидаги тахрирда

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва принципларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборат. Маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормалар мазкур Кодексга киритилиши лозим.

Агар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида белгиланган қоидалар қўлланилади.» баён этиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг принциплари» деб номланган 3-моддасида қуйидаги олтита яъни «қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги» принципларига асосланиши қайд этилган. Бизнингча, ушбу моддада «Айбсизлик презумпцияси» ва «Ҳақиқатни аниқлаш» принциплари ўз аксини топмаган шунингдек бундай ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солувчи маъмурий-процессуал нормалар ҳам мавжуд эмас.

Ваҳоланки, Конституциянинг 26-моддасида «айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди» деб белгиланган шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида «Ҳақиқатни аниқлаш» ва 23-моддасида «Айбсизлик презумпцияси» принциплари белгиланган бўлиб улар мамлакатимизда суриштирув, тергов жараёнида доимо қўлланилиши шарт бўлган принциплардандир. Шу боис, бизнингча, амалдаги МЖТКга мазкур икки принципни киритиб 3-моддада жамланган ҳар бир принципларни мазмун моҳиятини алоҳида алоҳида моддаларда мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Қонунчилик принципларини алоҳида алоҳида моддаларда қайд этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари тузилишида самарали қўлланилган. Шунингдек, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Озарбайжон Республикалари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида ҳам ушбу тартиб мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, фикримизча, ушбу 3-модданинг амалдаги таҳририда берилган қуйидаги «айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги» принципини мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидаги таҳрирдаги иккита алоҳида мустақил «Айб учун жавобгарлик принципи» ва «Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи» принципларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, амалдаги МЖТКнинг 5 боби «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган бўлиб, ушбу бобда 40-моддадан бошлаб 511-моддаларни ўз ичига олган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Фикримизча, мазкур бобни куйидаги тахрирда «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» номлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур бобда назарда тutilган қилмишлар фуқароларнинг конституциявий-ҳуқуқий нормаларда акс эттирилган ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлардир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар» деб номланган 7-боб мавжуд бўлиб ушбу бобда ҳам МЖТКнинг 5 бобида назарда тutilган айрим қилмишларга ўхшаш бўлган фуқароларнинг куйидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига (яъни «Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш», «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш», «Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш», «Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш») тажовуз қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Бизнингча, юқорида таъкидланган тақлифларнинг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилиши маъмурий қонунчиликни янада такомиллаштирилишига хизмат қилади.

А.М.Маннонов¹

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”деб белгиланган бўлса, 14-моддасига кўра эса “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади ”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаатида таъкидлаганидек, “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик.

¹ ИИВ Малака ошириш институти юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастлиги, судларда одамларнинг оврагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда ”.

Шунингдек, Мурожаатномада Давлат раҳбари томонидан суд-ҳуқук соҳасидаги ислоҳотлар натижасида тизимда адолат ўрнатиш борасида қилинган ишлар билан бирга келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд эканлигини инобатга олинган ҳолда “Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият ” эканлиги ушбу йўналишдаги фаолиятимизнинг бош мезони сифатида белгилаб берилди.

Шу нуқтаи назардан, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатларига доир айрим масалаларни Ички ишлар органлари Тергов бўлинмаларининг профилактик фаолиятига боғлаган ҳолда ўрганишни лозим топдик.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони тасдиқланди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикасининг Жамоат хавфсизлиги концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади ҳамда унда жамоат хавфсизлиги соҳасидаги асосий тушунчаларга изоҳ берилди. Жумладан, жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Шунингдек, “жамоат хавфсизлигини таъминлаш — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим ” эканлигини кўришимиз мумкин.

Концепцияга кўра, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлардан бири “аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини

ошириш асосида мамлакатда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш”дир.

Кўриниб турибдики, Ички ишлар органлари Тергов бўлинмаларининг профилактик фаолиятини ташкил этишда албатта, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатларни инобатга олишлари лозим бўлади.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2898-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти тўғрисида”ги Низомда Тергов департаментининг асосий вазифаларидан бири “жиноятларни тергов қилиш амалиётини комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш”дан иборат бўлиб, зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Тергов департаментининг “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича профилактик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш” каби функцияси ҳам мавжуд.

Шундай экан, Ички ишлар органлари Тергов бўлинмалари жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида “аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш асосида мамлакатда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ миллий манфаатлар”га хизмат қилиш борасида зиммаларига юклатилган вазифа ҳамда функцияларда нималарга эътибор қаратиш лозим.

Ички ишлар органлари Тергов бўлинмалари давлат органи сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳуқуқий ташкилий чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш жараёнида қуйидагилар тавсия этилади:

- ҳудудларда (республика вилоят, туман, шаҳар миқёсида) жамоат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқишда ўзларининг ҳуқуқий маслаҳатлари билан иштирок этишлари;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш борасида хизмат ҳудудларида қонунчилик тарғиботини фаол ташкиллаштиришлари, бунда қонунчиликдаги янгиликлар ҳамда ўзгартириш ва қўшимчаларни аҳолига ҳалқчил ва содда тилда тушунтириб боришлари;

- жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш вазифасидан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этишлари, бунда ушбу турдаги жиноятлар юзасидан кўзғатилган жиноят ишлари юзасидан ўтказадиган тергов ҳаракатларида жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича аниқ маълумотларни тўплаш ҳамда уларни бартараф этиш борасида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари;

- Тергов Департаменти ва унинг бўлинмалари раҳбарлари томонидан ўз кўл остидаги терговчиларнинг жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш борасидаги малакаларини муттасил равишда ошириб боришлари учун ўқув машғулотларини ташкил этиб боришлари лозим.

О.С.Субанов¹

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Ҳар бир давлат ўз истиклол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, тили ва дилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз. Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

¹ ИИВ Малака ошириш институту Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Асосий эътиборга молик жиҳати шундаки, Конституция ўзида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлиги ғоясини мужассам этди ва бу демократик ғоя замонавий конституцияшуносликнинг пойдеворини ташкил қилмоқда. Бу ҳол Асосий Қомусимизда давлат суверенитети ва халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятни ташкил этиш, давлат билан шахс, жамият билан инсон ўртасидаги муносабатларнинг барчасини инсон энг олий кадрият эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш бўйича конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган йиғилишда қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Чинакам халқ мафкурасини, миллатнинг энг муқаддас орзу-интилишларини фақат унинг Бош ҳужжати – Конституциясида тўлиқ ифода этиш мумкин. Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим.

“Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош кадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни, инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак”.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш борасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази миллий ҳаракатлар режасини тузиш, Конституциямиз, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотлар ўтказиш каби вазифаларни муваффақиятли адо этиб келмоқда.

Айниқса, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг Ўзбекистон парламенти томонидан тасдиқланганлиги истиқлолнинг илк йилларида қабул қилинган муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Ўзбекистонда қисқа тарихий муддат ичида миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз барча ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги каби уч ҳокимиятга, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланди. Халқ фаровонлиги йўлида кучли ҳуқуқий давлатдан фуқаролик жамияти сари илдам қадам қўйиш мақсадида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиёт барпо этилди. Чу тариқа, юртимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги Фармони билан “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази” тузилди. Фармонда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг мақсад ва асосий вазифалари аниқ белгилаб қўйилди.

1996 йил 13 ноябрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори Миллий марказ фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ушбу қарор орқали Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги Низом ва Миллий марказ тузилмаси тасдиқланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлатга қарашли идоралараро таҳлил, тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади. Яъни, мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар миллий режасини ишлаб чиқади, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузаларини тайёрлайди, давлат хизматчилари учун эса инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборот базасини яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради, ташвиқот ишларини олиб боради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Марказнинг асосий мақсади бу устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий фаолият дастурини, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя

этишнинг кўп жиҳатли тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Шу ўринда, Миллий марказнинг халқаро ҳамкорлигига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури, ЭХҲТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар Координатори, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегацияси, Юнеско, Юнисеф, хорижий мамлакатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, қатор халқаро жамғармаларнинг ваколатхоналари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Халқаро шериклар билан ҳамкорликда республикаимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган турли лойиҳалар амалга оширилади.

Ҳозирда Марказнинг Ахборот-ҳуқуқ бўлими ҳузурида Марказий Осиёда ягона ихтисослаштирилган Инсон ҳуқуқлари бўйича оммавий кутубхона фаолият юритади. Мазкур кутубхона ўзбек ва хорижий тилларда нашр этилган китоблар, журналлар ва бошқа адабиётлардан иборат бўлиб, 5 мингдан зиёд номдаги инсон ҳуқуқларига доир китоб фондига эга. Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича 200 га яқин тўпламлар, китоблар ва бошқа адабиётлар давлат тилида кўп минг ададда чоп этилди.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг шаклланиши мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари доирасида давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш амалга оширилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим кадам бўлди, дейиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини кўллабқувватлаш тўғрисида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадларида миллий институтларнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини яна бир қарра намоиш қилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлардан Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти ҳамда Миллий марказимиз зиммасидаги вазифаларни тўлақонли бажариш йўлида хизмат қилиб келмоқда. Бу ташкилотларнинг ҳаракати, изланишлари ўлароқ, юртимизда инсон ҳуқуқлари муҳофазаси йўлида мустаҳкам қонунчилик

тизими барпо этилди. Истиклол йилларида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир конституциявий қонунлар, кодекслар ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хайрия тўғрисида”ги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга замин бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши ва унинг амалда қўлланиши ҳамда кафолатланишини кузатувчи механизмлардан юқорида тилга олиб ўтилган институтлар билан бир қаторда Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ва Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари устунлиги конституциявий асосда эътироф этилади. Бугунги кунда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжатлар, хусусан, БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган 10 та мажбурий халқаро шартномаларни ратификация қилиб, ўзининг халқаро мажбуриятларини мунтазам равишда бажариб келмоқда.

Ҳулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намойиш қилиш, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиликлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади. Бунда жамиятимизда мавжуд миллий институтлар ичида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ўрни беқиёсдир.

Н.Б.Шоимов¹

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ КОНСТИТУЦИЯ ДАРАЖАСИДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар доим давлат, жамият ва инсон ҳаёти учун муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Айниқса, экологик муаммолар жаҳон ҳамжамятини ташвишга солаётган ҳамда глобал

¹ ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.н., доцент

муаммога айланган бугунги шароитда мазкур масала янада долзарб аҳамият касб этади.

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунёда 7 млн. киши ҳаво ифлосланиши таъсиридан вафот этади. Газ ифлосланишидан келиб чиқадиган касалликларни даволаш учун йилига тахминан 1 трлн. доллар сарфланади. Ҳар соатда 1692 гектар унумдор ер чўлга айланади.

Экология муаммоси халқаро даражада атроф-муҳит муҳофазаси мавзуси сифатида илк мартаба 1972 йилда Стокгольмда ўтказилган БМТ конференциясида муҳокама қилинган. Мазкур конференцияда “Инсон фаровон ва юқори кадр-қимматга эга ҳаётни тақозо этадиган муҳитда яшашга лозим” ғояси илгари сурилган.

1992 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилган БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида иккита асосий ҳужжат – “Рио-де-Жанейро декларацияси” ва “XXI йил учун кун тартиби”, шунингдек иккита глобал экологик конвенциялар “Иқлим ўзгариши бўйича доиравий Конвенция” ва “Биохилма хиллик бўйича Конвенция” қабул қилинган.

Бундан ташқари, БМТнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари сифатида 1992 йилги “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенцияни, 2003 йилги “Трансчегаравий контекстда атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенцияга Атроф-муҳитни стратегик баҳолаш протоколи”ни, 2015 йилги “Иқлим бўйича Париж битими”ни ва бошқа бир қатор ҳужжатларини келтириш мумкин.

Шунингдек, БМТнинг 2015 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш бўйича саммитида 2030 йилгача эришиш режалаштирилган 17 та мақсаддан иборат Барқарор ривожланиш мақсадлари қабул қилинган. Ўз навбатида, ушбу мақсадлардан 5 тасида (3, 6, 13, 14 ва 15 мақсадлар) бевосита экология ва атроф-муҳитни, инсонларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш масалаларига эътибор қаратилган.

Юртимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолининг қулай табиий муҳитга эга бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликка оид 20 дан ортиқ қонунлар ва юзлаб қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Хусусан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар” (193-204-моддалар) деб номланган ўн тўртинчи боби ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” (65-96-моддалар) деб номланган саккизинчи бобларида атроф-муҳитга зарар етказиш билан боғлиқ жиноят ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан экологик хавфсизликка алоҳида эътибор қаратилиб, 2020 йил 23 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор давримизнинг жиддий муаммоларидан бири – глобал иқлим ўзгаришларига тўхталиб, бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этаётганлигини, минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдираётганлиги билдирилган бўлса, 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилдаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтиб, барча соҳалар қатори экологик соҳага ҳам унинг тўртинчи йўналишида алоҳида тўхталиб, “Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларимизни кучайтирамиз”, - деб таъкидлади¹.

2022 йилнинг 20 июнида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чоратадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказган учрашувида ҳам экологик хавфсизликка алоҳида эътибор

каратиб, Бош қомусимизда ушбу йўналишга доир экологик-ҳуқуқий нормалар ўз аксини топиши ҳаётӣ зарурат эканини ифодалаб берди.

Президентимиз ўз нутқида: “Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг куриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани экологик хавфсизликни ғоят долзарб масалага айлантирди. Шу боис, Конституциямизда ушбу йўналишга доир экологик-ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топиши лозим. Ҳеч шубҳасиз, бундай конституциявий ўзгаришлар жамиятимизда фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, айниқса, мансабдор шахсларнинг табиат ҳимояси учун масъулиятини кескин ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни янада кучайтириш имконини беради”, – дея таъкидлади.

Шундан сўнг, жорий йилнинг 25 июнида “Ўзбектон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонун лойиҳаси муҳокамаси эълон қилинди.

Мазкур лойиҳада бир қатор экология ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ нормаларни кўриш мумкин. Хусусан, лойиҳанинг 40-моддасида давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва ҳимоя қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши, давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўриши белгиланмоқда.

Шуниндек, “Ҳар ким соғлом ва қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳамда ўз соғлиғига ёки мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга” деган янги 401-модда билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Лойиҳанинг 54-моддасида “Мулкдор мол-мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузмаслиги керак”лиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳанинг 55-моддасини “Ер, ер ости бойликлари, сув, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланилиши лозим ва улар давлат мулкида бўлади. Ер қонунда назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк ҳам бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалигига

мўлжалланган ерлар, ўрмон фонди давлатга тегишли бўлиб, тадбиркорлик субъектларига ижара шартномалари асосида ажратилади. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланилиши лозим ва улар давлат томонидан муҳофаза қилинади” жумлалари билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Агар хорижий мамлакатлар Конституциялари билан таққослайдиган бўлсак, хусусан, Португалия, Россия, Германия, Греция, Италия, Болгария ва бошқа давлатлар конституцияларида ҳам экологик-ҳуқуқий нормалар ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Жумладан, Португалия Конституциясининг 10-моддасида ҳар бир фуқаронинг мувозанатли ва соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуққа эгаллиги мустаҳкамланган бўлса, Россия Федерацияси Конституциясининг

42-моддасида инсоннинг қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқи аниқ баён қилиб ўтилган. Германия Конституциясининг 20а-моддасида ҳам давлат атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиши, бугунги ва келажак авлод олдида маъсул эканлиги белгиланган бўлса, Греция Конституциясининг 24-моддасига кўра, табиий ва маданий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлатнинг мажбурияти ҳисобланади. Италия Конституциясининг 9-моддасида давлат мамлакат табиатини муҳофаза қилиши назарда тутилган. Болгария Конституциясининг 15-моддасида ҳам давлат атроф-муҳитни муҳофаза қилиши ва такрор ишлаб чиқаришни, ёввойи табиатни сақлашни ва унинг хилма-хиллигини ва мамлакатнинг табиий бойликлари ва ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаши белгиланган.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституцияда экологик-ҳуқуқий нормаларнинг янгича талқинида акс эттирилиши ва айниқса “Ҳар ким соғлом ва қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳамда ўз соғлиғига ёки мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга”- деган янги норманинг ўз аксини топиши Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуглаш сифатида фуқароларнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминлашига, аҳолининг қулай табиий муҳитда ҳаёт кечириши учун барча зарур шарт-шароитларнинг яратилишига, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланилишига ҳамда экологик муаммоларнинг олди олинишига ва охир-оқибат экологик хавфсизликнинг таъминланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – ЖАМИЯТДА ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ишларни дебочаси сифатида 2016 йилда ташкил қилинган rt.gov.uz - Ш.М.Мирзиёевнинг виртуал қабулхонаси фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилишга бўлган конституцион ҳуқуқини сўзсиз амалга оширилишига кўмаклашиб келмоқда. Ҳар бир фуқаро ушбу ахборот тизими ёрдамида ўз ариза, таклиф ёки шикоятини Ўзбекистон Республикаси Президентига юбориши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига асосан ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. 2019 йил 20 декабрь кунгача келиб тушган 3470489 та мурожаатларнинг 3409168 таси (98%) кўриб чиқилган³.

Келиб тушаётган мурожаатлардан фуқароларимизнинг ахбороткоммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кўникмалари мавжудлигини кўриш мумкин. АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари) соҳасини ривожлантириш борасида Президентимиз томонидан кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Давлат бошқарувида очиклик ва шаффофликни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Давлат бошқарувида очиклик ва шаффофликни таъминлаш ахборотнинг очиклиги, шаффофлиги, ошкоралик ва сифат даражаси халқаро талабларга мос бўлишини тақозо этади. Шунга кўра, мамлакатимизда давлат бошқарувида очиклик ва шаффофликни таъминлашда ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Аммо давлат органлари фаолиятига доир ахборотнинг фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказишдаги амалдаги механизмлари халқаро талабларга тўла жавоб бермайди.

¹ ИИВ Малака ошириш институти Ахборот технологиялари цикли бошлиғи, полковник

² Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходими – Россия ИИВнинг В.Я.Кикотя номидаги Москва университети тингловчиси

³ rt.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси.

Шунинг учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ахборот очиклиги ва шаффофлигини ошириш бўйича янги вазифалар белгиланди.

Жумладан, очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузиш, устувор халқаро маълумотлар базаларини ўрганиб чиқишга масъул вазирлик ва идоралар рўйхати, маълумотларнинг очиклик ҳолатини ўрганиш, “Очик маълумотлар индекси” ва “Очик маълумотлар барометри” талабларига мувофиқлиги, тегишли индикаторларни жойлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши белгиланган.

Шулардан бири 2019 йил 10 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги Қонунни келтириш мумкин. Бу, айниқса, Ўзбекистон АКТ бозорида дастурий таъминот ишлаб чиқариш бўйича фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамиятлар ва хусусий корхоналарнинг фаолиятлари сезиларли даражада ошишига хизмат қилмоқда. Оддий сўз билан айтганда, дастурчилар томонидан қилинган дастурий маҳсулотлар маблағларини ўз вақтида олиш, нафақат республика миқёсида, балки турли давлатларнинг буюртмаларини бажариш бўйича ҳам имкониятларга эга бўлди. Бундай ишларни амалга оширишга давлатнинг ўзи кафил бўлгани ҳолда буюртмаларни қабул қилмоқда. Бу, албатта, уларга катта енгиллик беради ҳамда ўртадаги хавф ўз-ўзидан бартараф бўлади. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлди.

Албатта, бу ишларни амалга оширишда юқори малакали кадрлар муҳим роль ўйнайди. Зеро, “кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражали эътибор қаратиш лозим”.

Юқорида таъкидланганидек, кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини баҳолаб боришда ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш лозим. Яъни ўз ичига давлат хизматчилари маълумотларини олган алоҳида платформа орқали раҳбар кадрлар фаолиятини компетенция асосида баҳолаб боришни йўлга қўйиш лозим.

Демак, бу платформа орқали қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- раҳбар кадрларни компетенция бўйича баҳолаш платформаси;
- баҳолаш натижалари асосида зарур кўрсатмалар бериш;
- давлат хизматчиларининг электрон портфолиоси;
- электрон контентлар базаси;

- масофадан давлат хизматчилари фаолияти мониторингини юритиш ва баҳолаш механизми.

Шу асосида ҳозирда трендга чиқиб бораётган “машинали ўқитиш”га раҳбар ходимларни жалб қилиш лозим, яъни тизим ёки портални ўзи унга кўрсатмалар берсин. Албатта, портал маълум бир талаблар асосида ўз ишининг билимдони бўлган ходимлар (профессорлар, тьютерлар, ўқитувчилар ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилиши лозим. Буни амалга ошириш орқали очиклик ва шаффофлик таъминланади. Шу натижалар асосида ҳар бир раҳбар ходим фаолиятига керакли баҳо берилади. Керак бўлса, кўшимча устамалар, мукофотлар, ҳаттоки, лавозимлари оширилиши мумкин бўлади. Буларнинг барчасини очик ва шаффоф, шунингдек, аниқ ва содда қоидаларни олдиндан барчага эълон қилган ҳолда амалга оширилиши катта самара беради. Ҳар бир раҳбар ходим ўз устида ишлайди. Бунинг натижасида олинган билимлар нафақат фуқаролар, балки инвесторлар билан бўладиган мулоқотларни самарали ўтишига олиб келади. Бу билан эса уларнинг раҳбарларга бўлган ишончи ошиши ҳамда фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Давлат хизматлари марказлари “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” тамойил асосида хизмат кўрсатмоқда. 2019 йилнинг 21 декабрь ҳолатига кўра, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат хизматлари марказлари томонидан фаол хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Ўзбекистонда ўз паспортига эга бўлган жисмоний шахслар сонини 20 млн. киши ҳисобида оладиган бўлсак, улардан атиги 140.2 минг киши, яъни 0,7% фуқаро my.gov.uz - Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан рўйхатдан ўтган. Бу жуда ҳам кам. Бу портал орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 180 тани ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги автоматик равишда ишлайди, яъни кўп вақт талаб қилмасдан онлайн равишда жавоб беради. Агарда фуқаролар мана шу порталдан фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлса, кўплаб муаммоларни (коммунал тўловларни тўлашдаги навбатлар, жамоат транспортидаги тирбандлик, вақтни тежаш, банк ходими иш жараёнининг осонлашиши ва бошқалар) бартараф этишга ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг атиги 2 % АКТга тўғри келади. Ривожланган давлатларда бу соҳа ЯИМнинг 7-8%ни эгаллайди. Жанубий Корея, Япония каби давлатларда эса бу кўрсаткич 11-12%ни ташкил этади. Ўзбекистон бу соҳани ривожлантириш бўйича кенг имкониятларга эга. Дастурлашни ривожлантириш бўйича юртимиз кўплаб истеъдодларга эга. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни

ривожлантириш вазирлигининг 2019 йилнинг 9 ойлик ҳисоботларига кўра, АКТ соҳасида кўрсатилган хизматлар 7.9 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари экспорти 102.5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган¹.

Бундан ташқари, компьютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми 646.6 млрд. сўмни, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар экспорти 10 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Uz доменида фаолият олиб боровчи сайтлар сони 70,5 мингдан ошиб кетган. Демак, ҳар ойда миллий веб-ресурсларга ўртача ташрифлар сони 58-59 млн.ни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич ойдан-ойга ўсиб бормоқда. Ўз навбатида, миллий банк карталаридаги онлайн транзакциялар, электрон тизимлар орқали тўловлар миқдори, онлайн банкинг хизматлардан фойдаланувчилар ва электрон тижорат сайтларига ташриф буюрувчилар сони ошиб бормоқда.

Миллий домен ва контентдаги маълумотлар базаси қанчалик кўп ва фойдали бўлиши Ўзбекистондаги Интернет тезлиги янада ошишига хизмат қилади.

2019 йил 20 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига (IT PARK) ташриф буюрди, унинг янги биносини куришга тамал тошини қўйди.

Соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш мақсадида бу ерда яна етти лотда қурилиш ишлари олиб борилиб, ИТ-офислар, бизнес маркази, меҳмонхона ва бошқа бинолар барпо этиш режалаштирилган. Технопаркда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2020 йилда 10 миллион доллардан ортиши, 2025 йилда эса 100 миллион долларга етиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 150 миллион доллар.

“Иқтисодиётимиз барқарорлиги, ҳар бир соҳанинг сифати ва самарадорлиги, аҳолига қулайлик яратиш ахборот технологиялари билан боғлиқ. Шунинг учун бу соҳага янада кенг имконият, зарур инфратузилма яратиш, мутахассисларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қобилиятли ёшларни тарбиялаш керак”, – деди Шавкат Мирзиёев.

IT PARKда мутахассислар учун барча қулайликлар яратилган, истиқболли стартап-лоийҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. Ахборот технологиялари, молия технологиялари, логистика, электрон тижорат, электрон таълим,

¹ mitc.uz – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги расмий веб-сайти.

биотехнология ва бошқа йўналишлардаги илк лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мазкур технопарк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтган 300 дан ортиқ корхоналар 2028 йилнинг 1 январига қадар солиқ ва божхона тўловларидан озод этилган.

Масалан, ҳозирда АҚШдаги транспорт корхоналарига логистика ҳамда кафеларга аутсорсинг бўйича технологик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Технопаркнинг бу каби хизматлари арзонлиги, сифатлилиги билан хорижликларга маъқул бўлмоқда¹.

Президентимиз АКТларидан самарали фойдаланишнинг нақадар зарур эканлигини яна бир бор таъкидлаб шундай деди: “Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда ўзини намоён этмоқда. Ўз вақтида ахборот технологияларига эътибор қаратганимиз яхши натижалар бермоқда. Битта дастурий маҳсулот давлатимизга қанча наф келтиради, коррупция, бюрократияни бартараф этади, одамларга қулайлик яратади. Ҳар доим ёдда тутингларки, сизларнинг ишингиз жудаям муҳим”².

Шуни назарда тутиш керакки, жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳам АКТ муҳим роль ўйнайди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда”.

Маълумки, ҳозирги вақтда аҳоли томонидан бериладиган ҳар қандай саволга ўз вақтида жавоб берилмаса аҳоли ўртасида салбий маълумотлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт” – деб яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Президент таъкидлаганидек, “Яширишнинг ҳожати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда “қонунни четлаб ўтиш” бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди. Бундай иллатнинг илдизларини қирқишга қаратилган ишларни, қандай қийин бўлмасин, аста-секин амалга оширмоқдамиз”. Албатта, бу ишларни амалга оширишда АКТдан самарали фойдаланилмоқда ва кўрсатилаётган хизматлар такомиллаштирилмоқда.

¹ mitc.uz - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги расмий веб-сайти

² pm.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4546-сонли Қарорига кўра 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан талаб қилиниши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилишига йўл қўйилмайдиган 28 та ҳужжатлар бекор қилинди.

Шунингдек, 2020 йил 1 январдан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларига ўн битта функциялари ва ваколатлари ўтказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатлари билан тузилган, 2020 йил 1 январдан бошлаб идоралараро коллегиял органлар тугатилди. Бу ҳам давлат томонидан очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Барчамизга маълумки, avtoroqam.uzex.uz –авторақамлар онлайн аукциони орқали рақамларни остиш бўйича очиқ ва ошқора тизим йўлга қўйилган. Президентимиз шундай тизимни “Соҳада очиқлик ва ошқораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш керак”, деган фикрни таъкидлаб ўтди.

Буни АКТ орқали амалга ошириш очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Адлия вазири Р.Давлетов Сенатнинг 25-ялпи мажлисида берган ахборотида “Аукционда ютган шахс учун ҳокимнинг қарори ҳам керак эмас”, деб айтиб ўтди. Ҳозирда аукционда ютиб туриб яна сарсон бўлиб юрган тадбиркорларни кўришимиз мумкин. АКТ тизимлари эса, албатта, шу каби кўплаб сарсонгарчиликларнинг олдини олади.

Шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатишда инсоннинг ҳаётий циклига ўтган ҳолда амалга оширилиши катта фойда келтиради.

Статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони ойдан-ойга ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич ошса ошадик, асло тўхтамайди. Шунинг учун аҳоли билан ишлашда АКТлардан самарали фойдаланиш давр талаб ҳисобланади. Бундан кўриш мумкинки, ахборот технологиялари очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим воситалардан биридир. Албатта, буни амалга оширишда ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

КОНСТИТУЦИЯДА ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МАСЪУЛИЯТИ

Инсон табиатнинг энг олий неъматидир, бетакрор хилқатидир. Инсон туғилади, парваришга муҳтож бўлади, ота-онаси, яқинлари уни тарбиялаб, оёққа турғазади, кейин ўзи бошқаларни тарбиялайди, насл қолдиради, авлодини давом эттиради, кексайиб, яна энг яқин кишилари ёрдамига муҳтож бўлади. Инсон ҳаётининг босқичлари мўътадил кечиши учун жамият ва оилада замин тайёрланади. Бу тайёргарлик халқларнинг турли урфодатларида, қадрият ва эътиқодларида ўз ифодасини топган. Шу боис, жамият ва оилада ота-оналарга муносабат ҳам шулар жумласига киради. Умуман олганда, мамлакатимизда ота-оналарни ҳурмат қилиш умуминсоний фазилат ҳисобланади.

Бугунги кунда аҳолининг ҳаёт сифатини янада ошириш, жумладан, кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимизнинг кекса авлод вакилларига доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги миллий анъаналар ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда кексалар давлат ҳимоясига олинган.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари, талаб-эҳтиёжлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу масала хусусида тўхталиб, шундай деди: «Барчамизни тарбиялаб вояга етказган, ҳаёт йўлларида бизга таянч ва суянч бўлган табаррук кексаларимиз олдида биз доимо қарздормиз. Уларга қўлимиздан келган барча қулай шароитларни яратиш, меҳр ва эътибор қаратиш мақсадида пенсионер, ногирон, ёлғиз қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш»² зарурлигини таъкидлади.

Шу маънода, кексаларнинг жамият ижтимоий тузилмасида, оилада тутган ўрни, уларнинг ёш авлод тарбияси, ижтимоийлашуви ва мерослик анъаналарининг узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти беқиёс.

Фарзанд ота-онага доимо самимий муомалада бўлиши лозим. Айниқса, улар кексалик ёшига етиб, куч-қувватдан қолиб, ёрдамга муҳтож бўлганларида ҳар бир фарзанднинг масъулияти яна ҳам ортади. Инсон кексайгач, унинг кўнгли нозик бўлиб қолади. Ҳар қандай муомала ҳам

¹ ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология кафедраси кабинет бошлиғи

² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз.- Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017.- 327-бет.

ёкавермайди. Шундай ҳолларда фарзанд уларни тушуниши лозим, эътироз билдириши мумкин эмас. Ота-она фарзандини тарбия қилишда ҳар қанча машаққат бўлса ҳам сабр қилган, норози бўлмаган. Аксинча, унга бор меҳрини бахшида этган. Фарзанд гўдаклигида ота-онага қанчалик муҳтож бўлса, ота-она ҳам кексайганида фарзанди ёрдамига шунчалик муҳтождир.

Маънавий-ахлоқий меросдан ўз ижодида самарали фойдаланган буюк мутафаккир Алишер Навоий “Ҳайрат-ул-аброр”, “Насиҳатнома” каби асарларида ота билан ўғил муносабатларини фалсафий таҳлил қилади. Алишер Навоий Куръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга асосланиб, Султон Бадиуззамон номига йўллаган мактубида: “Аллоҳнинг ризоси отанинг ризосига, Тангри Таоло ғазаби-Ота ғазабига вобастадир, ота фарзанд учун парвардигордир. Чунки Аллоҳ йўқликдан борликқа фарзандини келтирар экан, сабабчиси қилиб отани танлади”¹, деб ёзади. Ота-она ёши улғайиб, кексайган сари турли хасталикларга чалинади, ҳолсизланиб қолади, руҳий ҳолатлари ҳам тез-тез ўзгариб туради. Фарзандлар ҳар қандай вазиятда ҳам бундай ҳолатни тўғри тушунишлари, улар билан муносабатда самимий, мулойим ва ширинсухан бўлишлари лозим.

Кайковус “Қобуснома” асарида қуйидагиларни ёзган: “Ҳар киши отаона (асли)нинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди ва ўз фарзандига сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳаққига нима иш қилсанг, фарзандларинг ҳам сенга шундай иш қилади”².

Ота-онанинг барҳаёт чоғлари фарзанднинг энг бахтиёр, энг масъул ва ғанимат дамларидир. Шу боис, уларни рози қилиш ва дуоларини олиш ҳар бир фарзанднинг муқаддас бурчидир.

Бой маънавий меросимиз негизида ота-онага муносабат асосий ўрин эгаллайди. Агар ота-онага муносабатда миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланмасак, авлодлар ўртасидаги ворисликни таъминлай олмаймиз. Зеро, ота-оналарни ҳурмат қилиш, улар соғлом турмуш шароитида яшашлари учун имконият яратиб бериш оиладан бошланади.

Янги Ўзбекистонимизда оила масалалари давлатимизнинг устувор сиёсати сифатида ота-она мавқеини янада кучайтириш йўлидан борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Отаоналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” (64-модда), “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз

¹ Навоий А. Асарлар. Ҳамса. Ҳайрат-ул-аброр. –Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1965.-Б.267.

² Кайковус. Қобуснома.-Т.: Ўқитувчи, 1986.-Б.168.

ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда), деб белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда азалдан ота-оналар қадрланган, эъзозланган, ҳурмат қилиб, қадрият даражасида эътироф этилган. Ҳадиси шарифда “Кексаларни қадрламаган инсон мусулмон эмас”, дейилган. Аждодларимиз “Қари билганни - пари билмас”, “Қариси бор уйнинг париси бор” деб бежиз айтишмаган. Ўзбекона одоб-ахлоқ бўйича кексалар олдидан салом бермасдан ўтиш гуноҳ, деб ўргатилган. Мураббий-устозларнинг беминнат хизматига бир умр содиқ бўлиш, уларнинг дуоларини олиш, насиҳатларига кулоқ солиш ва амал қилиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланган. Ота-оналарни қадрлаш ахлоқий фазилат, ўзбекона қадрият бўлиб, миллий менталитет даражасига кўтарилган, уларни ҳурмат қилиш ҳар бир фарзандга ёшлигидан оила даврасида сингдириб борилган.

Ота-оналар иш бажараётганда фарзандлар уларнинг қўлидан олишга одатланган. Отаоналарга ҳурмат кўрсатилиб, тўрдан жой берилган. Ота-оналар таом тамадди қилишни бошлаб беришган, унгача биронта фарзанд дастурхонга қўл узатишга журъат этмаган. Ота-оналар даврасида болалар кўп гапирмаган, уларга гап қайтариш, овозни баландлатиб гапириш гуноҳ ҳисобланган. Турли байрамларда ота-оналар ва беморлар ҳолидан хабар олиш шарт ҳисобланган.

Ўз навбатида, муайян ҳаётий тажрибага эга, ҳаёт мураккаблиklarини енгган, қийинчиликда чиниққан ота-оналар ўтмиш мероси, халқ урфодатлари ва анъаналарини ёшларга ўргатганлар. Шу боис, ёшлар нафақат ота-оналарнинг, балки маҳалла жамоасининг ҳам эътиборида бўлишган. Шу тариқа, бир томондан, авлодлараро ўзаро муносабатларнинг узвийлиги таъминланса, иккинчи томондан, фарзандларда инсоний фазилатлар шаклланиб боришига эришилган. Фарзанд улардан ўрнак олиб, ўз ҳаёти давомида яхши ном қолдиришга интилади. Унда ҳаётга муҳаббат, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик туйғуси шаклланади.

Маълумки, халқимизда катталарни ҳурматлаш, эъзозлаш, уларнинг панд-насиҳатларига амал қилиш каби фазилатлар азал-азалдан мавжуд. Чунки, фарзандлар ота-оналарнинг ўгитидан, донолик билан йўғрилган насиҳатларидан, намунали ҳаётидан хулоса чиқариб, ибрат оладилар. Зеро, қарияли уй мактабдир, деб бежиз айтилмаган. Яна халқда “Қария қариндошлар мойтуғидир”, дейилади. Мойтуғ “туғ” сўзидан олинган бўлиб, байроқ ўрнатиладиган жой, яъни қариндош-уруғлар тўпланадиган маскан, деган маънони англатади. Дарҳақиқат, ўзбек оиласида ҳар бир ота-онанинг ҳолидан хабар олиш, зарурат бўлганда кўмаклашиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Хуллас, аждодлар меросида ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Ёш авлод бой меросдан тўла баҳраманд бўлиши учун, аввало, ота-оналарни хурмат қилишлари, кадрлашлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришлари, ўз фарзандлик бурчларини бажаришлари даркор. Бу меросни ёш авлодга етказиш, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашда ота-она, катта ёшдаги кишиларнинг намунали ҳаёти, тарбиявий ишлари, панд-насихатлари катта аҳамиятга эга.

Маълумки, оилавий бирлик мураккаб ижтимоий муносабатлардан иборат. Айниқса, фарзанд, ота-она ҳамда қариялар ўртасидаги ўзаро муносабатлар турли вазиятда турлича кечади. Оиладаги муносабатларнинг барча учун мақбул бўлиши қарияларнинг оғир-вазмин, мулоҳазали, одилона қарорига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш” драмасида ўз қадрияти, ўзлигини унутган фарзанд, ҳатто, отасининг қотилига айланиши ҳам мумкинлигини айтиб ўтган. Агар қадрият, маънавият, маърифат йўқолиб борса, бундай ҳолатга бутун миллат учраши мумкин¹. Этномаданий анъаналарнинг сақланиши ва уларга амал қилиниши ҳозирда ҳам оилавий муносабатларда намоён бўлмоқда. Бундай оилаларда ёшлар ижтимоий ва оилавий ҳаёт тажрибасини мерос қилиб олади. Анъана, одат ва маросимлар оила орқали шахснинг камол топиши ва шаклланишида қудратли восита бўлиб, унинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, уч ва ундан кўп авлод бирга яшаётган оилаларда этномаданий анъаналар анча мустаҳкам сақланади.

Зеро, ўзбек оилаларида Шарқ маданиятига хос ижтимоий ва этномаданий хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топади. Чунки, бошқа мамлакатларда ҳам оилада ота-она, фарзанд, эр-хотин ва бошқалар ўртасидаги муносабатда ахлоқий бурч муаммолари ҳамда ахлоқ нормаларига алоҳида эътибор берилади.

Ёш авлод ижтимоий ҳаётда иштирок этар экан, кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Нафақа ва пенсиялар даражаси унча баланд бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда қариялар, асосан, фарзандлари қарамоғида бўлади, табиийки, уларнинг эҳтиёжларини фарзандлари таъминлайди. Пенсия даражаси юқори ҳисобланган ривожланган мамлакатларда қариялар, асосан, ёлғиз яшайди, уларнинг 20 фоизи фарзандлари билан истиқомат қилади. Қарияларнинг жуда оз қисмигина молиявий томондан фарзандларига қарам бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда оиланинг кекса аъзолари камроқ, бироқ улар барқарор даромадга эга эканлиги кузатилмоқда.

¹ Бехбудий Маҳмудхўжа. Падаркуш. –Т.: Маънавият, 1999.-Б.-39-50.

Америкадаги аҳолини рўйхатга олиш маҳкамасининг маълумотларига кўра, 25-34 ёшли одам ўз ота-онасига кўрсатган ёрдамга қараганда, ундан ўзининг фарзандлари йигирма барабар кўпроқ ёрдам олади. Ҳатто 35-44 ёшлилар учун ҳам бу нисбат тегишли равишда бешга бирни ташкил қилади.

Тафовут нафақат мамлакатларнинг фаровонлик даражасида, балки маданиятларнинг турли-туманлиги – Ғарбнинг индивидуал, Шарқнинг жамоавий маданиятида ҳам кўзга ташланади. Шимолий Европа ва Шимолий Америкада қарияларнинг оила билан алоқаси мустаҳкам эмас. Япония, Хитой, Шарқий ва Марказий Осиёда қариялар асосан фарзандлари билан битта оилада истиқомат қилишади.

Шарқий Осиё аҳолиси конфуцийлик тамойилларига мувофиқ ҳолда оилавий ахлоққа болаликдан одатланади, чунки уларнинг ижтимоийлашуви аксарият ҳолларда кўп авлодли оила шароитида юз беради. Бу ерда қадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтишида бува ва бувилар муҳим роль ўйнайди. Японияда қарияларнинг 33 фоизи уч авлодли оилаларда яшайди, АҚШда эса бундай муносабатлар атиги бир фоизни ташкил қилади. Осиёнинг кўпгина мамлакатлари каби, Япония қонунлари балоғат ёшидан ўтган фарзандларга кекса ота-онасига қараш ёки уларни расман таъминлаш мажбуриятини юклайди.

Ижтимоий тизимлардаги таркибий ўзгаришлар кескинликни оширувчи омиллар ҳисобланади. Шарқ жамияти бундай ўзгаришларга қадриятлар тизимини қайта қурмасдан ёки ёрдамчи механизмлар яратмасдан мослашади. Мустақиллик ва эркинлик тарғиб қилинадиган Ғарбда ёш авлод солиқлар оширилишидан, кексалар эса ўзларига эътибор камлигидан нолишади.

Бугунги кунда Осиё халқлари дунё миқёсида авж олаётган “оммавий маданият” кўринишларидан қаттиқ таҳликага тушмоқда. Хитой оилаларида фарзандлик бурчи, фарзандлик масъулияти каби тушунчалар тобора сусайиб, заифлашиб бораётгани ташвиш уйғотмоқда. Зеро, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Биз кимга узоқ умр берсак, унинг вужудини ҳам (эгик, заиф) қилиб қўюрмиз. Ахир ақл юргизмайдиларми?!”. Ушбу оят инсонни ота-онаси, кексаларга муносабатда ақл-идрок, бағрикенглик билан фикр юритиб, муомалада бўлишга ундайди. Ҳар бир инсон, шунингдек, қарамоғида кекса ота-онаси ёки бирор қариндоши бўлган кишилар ўзлари ҳам бир кун келиб, шу ҳолга тушишларини ўйлаши, бундан хулоса чиқариб, уларга доимо яхши қараб, эҳтиёжларини имкон қадар қондириб, самимий муомалада бўлиши керак.

Аслида, оилада кексаларнинг борлиги улкан бахт. Уларнинг дуолари туфайли Аллоҳ таоло инсониятни, оилани, бизларни турли офатлардан асрайди. Бу ҳақда Расулulloҳ шундай деганлар: “Агар ораларингизда

мункиллаган қариялар, ўтлаб юрган жонзотлар ва эмизикли чақалоқлар бўлмаганида эди, бошингизга балолар селдай оқиб келарди”.

Кекса авлод вакиллари маънавияти, ҳаёт тажрибаси билан ёшлар тарбиясига масъул эканлиги миллий мафкурамизнинг талабларидан. Фахрийлар ёшларга тўғаноқ эмас – суянчиқ, рақиб эмас – устоз, бефарқ эмас – ҳамдард бўлишлари миллий ғоямизда ҳам ўз ифодасини топган.

Қариялардаги ҳаётий тажриба, ақл-заковат ёшлардаги куч-ғайратни, ташаббускорликни тўғри сарфлашга, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасликка, огоҳликка, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга даъват этмоқда. Қарилик фахр бўлиб, ҳаёт беазаги сифатида ўз ўрнини топмоқда. Аслида қарияларимиз ҳам ахлоқ-одоб, тарбия, насиҳат билан камол топиб, ўзлари ёшларга насиҳат бера оладиган, ибрат бўла оладиган донишманд, мураббий даражасига етганлар. Зеро, кексалар турли воқеликларга вазминлик, босиқлик, бағрикенглик, шукроналик билан муносабатда бўладиган инсонлардир.

Ислом динига биноан фарзанд дунёга келгач, ота-онанинг қуйидаги бурч ва вазифаларни бажариши одатга айланган:

1. Ота-она фарзандини ҳалол ризқ билан боқиши.
2. Болага чиройли ва маъноли исм қўйиш.
3. Имкони бўлса ақиқа қилиш (зиёфат бериш).
4. Ўғил бола бўлса суннат қилиш.
5. Ҳамма фарзандларини бир хилда кўриш.
6. Фарзандларини яхши кишилар билан дўст бўлишига эътибор бериши.
7. Болани одобли қилиб тарбиялаш.
8. Яхши ва ёмонни ажратишга ўргатиш.
9. Касб-ҳунар ва билим олишга ўргатиш.
10. Уйланиш ёшига етганида, фарзандларини уйлантириши зарур

Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бевабечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсалардан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз. Бу ўзбек халқига берилган юксак таърифдир. Мамлакатимиз Конституциясида ижтимоий барқарорликнинг асосий омилларидан бири сифатида ота-она ва фарзанд масъулиятига катта эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДА ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш, шунингдек, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Юзасидан кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармониға мувофиқ бир қатор жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги механизмлари амалиётга жорий этилди.

Жумладан:

1. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом тасдиқланиши;
2. Ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими жорий этилиши;
3. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши;
4. Ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш бўйича тизимли фаолиятнинг йўлга қўйилиши;
5. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари

* ИИВ Малака ошириш институти Махсус фанлар цикли ўқитувчиси

фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқилиши каби ислоҳатлар шулар жумласидандир.

Юртимизда жамоат ҳавфсизлигини сақлаш ва таъминлашни амалга оширувчи субъектларга тўхталишдан олдин жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги тушунчаларини нима эканлигини билиб олиш муҳим ҳисобланади.

Жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, кадр-қимматини ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати ҳисобланади. Жамоат тартибини сақлаш ўз навбатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини самарали таъминлашнинг кафолати бўлади.

«Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида жамоат жойлари рўйхати кўрсатилган бўлиб улар куйидагилар:

–стационар савдо объектлари, умумий овқатланиш корхоналари, кинотеатрлар, театрлар, цирklar, концерт, кўрик ва кўргазма заллари ҳамда оммавий дам олиш учун мўлжалланган бошқа ёпиқ иншоотлар;

–клублар, дискотекалар, компьютер заллари, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёхуд бошқа кўнгилочар (бўш вақт ўтказиладиган) жойлар;

–музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва маърузахоналар, маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездлар, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонлари (шу жумладан тамбурлари), дарё кемалари, шаҳарда, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро қатнайдиган автобуслар, таксилар, йўналишли таксилар ҳамда шаҳар электр транспорти, ҳаво кемалари, ер ости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари, аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бинолари;

– соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотлари, таълим муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, иш жойлари бўлган хоналар, кўп квартирали уйларнинг йўлаклари, шунингдек уйлар олди худудида жойлашган болалар ва спорт майдончалари, хиёбонлар, боғлар, кўчалардир.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида эса жамоат жойига тариф шундай берилган – жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш жойлари жамоат жойлари сифатида кўрсатилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1883-моддаси («Тиланчилик қилиш») жамоат жойлари деб куйдагилар кўрсатилган – аэропортлар, вокзаллар, хиёбонлар, истироҳат боғлари, бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудлари, шунингдек уларга туташ ҳудудлар, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, кўчалар, стадионлар, бекатлар, йўлларнинг қатнов қисми, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудлар, жамоат транспортининг барча турлари ва бошқа жамоат жойлари деб таъриф берилган.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча органлар ва жамоат бирлашмалари, ҳар бир фуқаро иштирок этиши мумкиндир. Бугунги кунда ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси тасдиқланган бўлиб, ушбу концепцияда жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси асосан ИИВнинг патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари бўлинмалари ҳамда Миллий гвардия бўлинмалари ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этиши белгилаб берилган. Юртимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашда йўл-патруль хизмати ходимларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Сабаби йўл ҳаракати иштирокчиларининг бир манзилдан иккинчи манзилга ҳаракатланиши вақтида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўл-патруль хизмати ходимларига асосий вазифа сифатида юклатилган. Йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат фаолияти куйидаги асосий тушунчалар билан чанбарчас боғлиқдир.

Йўл ҳаракати – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш – йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқиш сабабларининг олдини олишга, уларнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият;

йўл ҳаракати қатнашчиси – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс;

йўл ҳаракатини ташкил этиш – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

Ушбу асосий тушунчалардан келиб чиқиб йўл-патруль хизмати ўз иш фаолиятини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл-патруль хизматининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланган:

йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

транспорт воситаларининг хавфсиз ва узлуксиз ҳаракатланишини таъминлаш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлаш, шу жумладан йўллар тирбандлигининг олдини олиш, йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг профилактикаси, шунингдек улар билан курашишни таъминлаш, қоидабузарликлар содир этилишига алоқадор бўлган шахсларни излаб топиш ва уларнинг шахсини аниқлаш;

йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;

йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш, оммавий тадбирлар фавқулодда вазиятларда зарур бўлган йўл участкаларини ёпиш (тўсиш), транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатини чеклаш ёки тўхтатиш бўйича шошилиш чораларни кўриш;

олиб қочиб кетилган ёки йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан кетиб қолган автотранспорт воситалари кидирувини амалга ошириш, тезкор-кидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини олиб боришда кўмаклашиш;

кўчалар, майдонлар, транспорт магистралларида, шунингдек оммавий тадбирлар ўтказилишида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

содир этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ваколати доирасида кўриб чиқиш ва уларга нисбатан чора кўриш;

йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган жойда кечиктириб бўлмайдиган терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларини ва бунга имкон берган шарт-шароитларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикаси ҳамда йўл ҳаракатини ташкил қилишга оид ижобий тажрибаларни, шу жумладан хорижий амалиётни ўрганиш орқали амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини оширишга қаратилган самарали тушунтириш ишларини, шу жумладан аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини, хусусан оммавий ахборот воситаларини кенг жалб қилган ҳолда, ташкил қилиш;

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш, шунингдек аҳоли билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича очиқ мулоқотлар олиб бориш. Ушбу вазифалардан ташқари йўл-патруль хизмати ходимлари хизмати алоҳида тартибда, тегишли кўрсатмалар асосида ўзгариши мумкин. Масалан оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида ёки фавқулодда ҳолатларда йўл-патруль хизмати ходимлари хизмат вазифалари ўзгариши мумкин, бундай ҳолатлар вақтида тадбирни ўтказилишига масъул бўлган раҳбар томонидан берилган вазифалар, кўрсатмалар асосида хизмат фаолиятига киришилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда йўл-патруль хизмати ходимлари хизматни автомобиль ва мотоциклда патруллик қилиш, пиёда патруллик қилиш, ЙПХ масканлари, блок-пост ва тўсиқ постларида, транспорт воситалари ва эскорт кузатувларини амалга ошириш каби хизмат турларидан бирига жалб қилиниши мумкин. Ҳозирги вақтда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам кўплаб ислохатлар амалга оширилмоқда, бу эса ўз ўрнида йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат ўташида катта кулайликлар яратмоқда. Масалан 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси тасдиқланган бўлиб ушбу концепция билан 2018-2019 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган бўлиб унда куйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди:

жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлардан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни тезлик билан тўпловчи марказлаштирилган тизимни жорий этиш;

электрон тизимга келиб тушаётган видеоёзувлар бўйича тизимли мониторинг юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун уларни ички ишлар органларига юбориш;

видеорегистраторларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

жамоат транспорти ва йўловчиларни ташувчи транспорт воситалари учун видеорегистраторлар ўрнатиш бўйича мажбурий тартибни жорий этиш;

суд томонидан ҳуқуқбузарлик белгиланган тартибда тасдиқланганда, тизимга видеоматериаллар тақдим этадиган фуқароларни рағбатлантириш механизмларини аниқлаш;

тизимга видеоматериаллар тақдим этадиган фуқароларнинг шахсий маълумотлари анонимлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланиб, бу йўналишда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳозирги кунда амалиётга тадбиқ этилди, бу эса нафақат йўл ҳаракати хавфсизлигини олдини олишда балки жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда, шунингдек жамоат тартибини сақлашда ўзининг юқори самарасини бериб келмоқда. Лекин барча жамоат жойларини, автомобиль йўлларини бир вақтда назорат қилишнинг имкони йўқ. Қачонки фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, жамоат тартибини сақлашда, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзининг фаоллигини кўрсатиб, жамоатчилик назоратини амалга оширмас экан, жамиятимизда жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши тухтамайди. Ушбу ҳуқуқбузарликлардан энг хавфлиси, кўплаб инсонларнинг умрига зомин бўладиган ҳодиса бу йўл-транспорт ҳодисасидир.

Бутун дунёда автомобиль саноати ўсгани сари инсонларнинг йўл транспорт ҳодисаларидан жабр кўриш эҳтимоли ошиб бормоқда. Бугунги кунга келиб йўл транспорт ҳодисаларидан энг кўп азият чекадиганларнинг катта ҳиссаси ривожланаётган ва нисбатан қоққоқ мамлакатларга тўғри келмоқда. Транспорт инфраструктурасини яхши йўлга қўйган иқтисоди бой мамлакатлар эса бу муаммоларни бирин кетин енгиб бормоқда. Маълумотларга кўра дунёда ҳар йили 1.3 миллион одам йўл транспорт ҳодисаси қурбони бўлишади. 20-50 миллион одам жароҳатланади ва улардан кўпчилиги ногирон бўлиб қолишади. Йўл -транспорт ҳодисалари одамларга, уларнинг оилаларига ва умуман давлатларга катта иқтисодий зарар келтиради. Бу йўқотишлар даволаниш харажатлари, шунингдек, жароҳатлари

туфайли ўлган ёки ногирон бўлганлар, шунингдек, жароҳатланганларга ғамхўрлик қилиш учун ишдан ёки мактабдан дам олишлари керак бўлган оила аъзолари учун маҳсулдорликни йўқотишдан келиб чиқади. Йўл-транспорт ҳодисалари зарари аксарият мамлакатларга ялпи ички маҳсулотининг 3 фоизини ташкил қилади.

Шундай экан йўлларда ҳаракатланётган ҳар бир йўл ҳаракати иштирокчилар, белгиланган қоидалар, белгиларга ва тезликка риоя қилган ҳолда ҳаракатланиб, ҳайдовчи, йўловчи ва пиёда бир-бирларини ҳурмат қиладиган бўлса, уйлайманки бизнинг юртимизда ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин камайишига эришган, жамиятимизнинг ривожланишига, юртимизнинг равнақига ўз қиссамизни қўшган бўлар эдик.

Ш.Х.Ғаниев¹

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи ҳуқуқий давлат барпо этишни, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилишни, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашни кўзлагани қайд қилинган. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва ажралмас белгиси - бу қонун устуворлиги ҳисобланади.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг зарур норматив-ҳуқуқий ва ташкилий институционал асослари шакллантирилган.

Бу борада, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам Конституция қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан байрам табригида, “Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир” деб таъкидлаб ўтди².

1991 йил мустақилликка эришган мамлакатимиз босқичма-босқич миллий ҳуқуқий демократик тизимини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида шакллантиришни асосий қомусимиз – Конституциямиздан бошлаган эди. Шундан сўнг, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни муҳофаза қилувчи ва тартибга солувчи 3 та муҳим кодекслар, яъни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари Ўзбекистон

¹ ИИВ Малака ошириш институти, юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси
<https://m.kun.uz/news/2022/12/07/prezident-shavkat-mirziyoyev-konstitutsiya-kuni-munosabati-bilan-ozbekiston-xalqiga-bayram-tabrigi-yolladi>

Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги ўн олтинчи сессиясида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан қонуний кучга киритилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги жиноят-процессуал кодекси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгилайди.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурий ҳисобланади.

Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари эса жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Конституция ўз моҳияти ва юридик табиатига кўра бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан қуйидаги **муҳим жиҳатлари** билан ажралиб туради:

биринчидан, конституция махсус субъект, яъни Ўзбекистон халқи томонидан референдум орқали ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овози билан қабул қилинади;

иккинчидан, конституциявий қоидалар таъсис этувчи, йўналтирувчи, бирламчи аҳамиятга эга;

учинчидан, конституциявий тартибга солиш ҳажмининг кенг камровлиги билан тавсифланади, яъни у ниҳоятда муҳим ва кенг кўламдаги ижтимоий муносабатлар доирасига таъсир кўрсатади;

тўртинчидан, конституция алоҳида юридик хусусиятларга эга, яъни бошқа қонунлардан устунликка, олий юридик кучга, ўзига хос муҳофаза шаклига, махсус тарзда қабул қилиниш ва ўзгартирилиш тартибига эга¹.

Конституциянинг асосий принципларидан бири ҳисобланган Халқ ҳокимиятчилиги ҳамда **Конституция ва қонуннинг устунлиги жиноят - процессуал қонунчилигида ҳам ўз аксини топиб тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.**

Жиноят процесси принциплари жиноят-процессуал кодексининг 2-бобида жойлашган бўлиб, унга кўра жиноят ишларини юритиш жараёнида

¹ <https://lprj.uz/025991/>. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори, профессор Ф.Отахонов.

ушбу бобда кўрсатиб ўтилган принципларга таянган ҳолда иш кўрилиши назарда тутилган.

Бинобарин, жиноят процессуал кодексининг 11-моддасида “Қонунийлик” принципи, яъни судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.

Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади деб қайд қилинган.

Жиноят-процессуал кодексининг мазкур қонунийлик принципи Конституциянинг 15-моддасида қайд этилган, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” деб номланган принципнинг ижросини таъминлаш мақсадида акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Конституциянинг 13-моддасида қайд этилган, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деган принципи жиноят процесси принципларида ҳам мантикий давоми сифатида ўз аксини топган, унга кўра ЖПКнинг 16-моддаси - одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, яъни жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади, деб қайд этилган.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 17-моддаси - шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, яъни судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф

остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади.

ЖПКнинг 18-моддаси - фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, яъни жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт.

Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ёхуд уй қамоғида бўлган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уларнинг турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланади.

Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш фақат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ишни юритиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган зарар ушбу Кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим, деб қайд этилган.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, конституциявий принципларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида муҳофазаланганлигини ва тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам, **“Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”** деган ғоя Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳиятини ҳуқуқий давлатнинг асосий талабларини акс эттирувчи қуйидаги принциплар ҳам очиқ беради: а) демократизм принципи; б) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи; в) инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги принципи; г) ижтимоий адолат принципи; д) қонунийлик принципи; е) фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги принципи ва бошқалар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, айтиш жоизки, мустақил Ўзбекистонинг Конституцияси ҳақиқатан ҳам демократик Конституция ҳисобланади ва тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда халқаро демократик андоза ва талабларга жавоб беради.

Таъкидлаш жоизки, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, унинг дунё миқёсидаги ҳар қандай илғор давлат Конституциясидан кам жойи йўқ. Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар миллий тафаккурни, муқаддас қадриятларни, шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзида акс эттиради.

Юқоридаги фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, Конституцияни билган киши ўз хатти-ҳаракатини қонун доирасида амалга оширади ва бошқа кишиларнинг ҳамда жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилади.

Л.З.Комилов¹

КОНСТИТУЦИЯ – ЖАМИЯТДА ДЕМОКРАТИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Тарихдан маълумки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Шу маънода айнан Конституция миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиётга олиб борадиган ўзига хос стратегик дастур, “йўл харитаси” вазифасини бажарадиган халқ иродасининг олий ифодасидир.

Конституциямиз халқимиз хоҳиш-иродасини бир ҳужжатга жамлаган, уйғунлаштирадиган муҳим манба десак ҳам муболаға бўлмайди. Одатда кўп давлатлар Конституциялари нуфузли экспертлар, депутатлар томонидан ишлаб чиқилиб, сўнгра парламентда қабул қилинади. Бундай ҳужжатлар мутахассис нуктаи назаридан юқори баҳоларга сазовор бўлса-да, унда халқчиллик, халқ руҳияти етишмайди. Айрим давлатлар ҳатто ўз Асосий қонунларини референдумда, халқ иштирокида қабул қилингани билан фахрланишади. Албатта, бу энг олий даражадаги қарор ҳисобланади. Бироқ,

¹ ИИВ Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли ўқитувчиси

бундай жараёнда халқ олдида фақат икки саволдан бирига жавоб бериш имконигина бўлади: Конституция матнини ё тасдиқлаш ёки рад этиш. Ўзбекистон Конституциясини ўзига хослиги шундаки у 2 маротаба халқ муҳокамасида халқимиз хоҳиш-иродаси билан бойитилди. Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Фақатгина Конституциявий комиссияга мингдан зиёд хатлар тушган. Таклиф ва мулоҳазалар Конституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матннинг деярли ярмига, яъни лойиҳадаги 127 моддадан 60 тасига тузатиш ва аниқликлар киритилган. Дастлабки вариантдан 4 та модда чиқарилиб, матнга бир неча янги моддалар киритилган.

Ушбу жараёнда иштирок этган мутахассисларнинг таъкидлашларича, таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, шахс дахлсизлиги, диннинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси, иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи, бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган моддалар, боблар ва бўлимларга тааллуқли бўлган.

Қайд этиш жоизки, мустақил Ўзбекистон тарихида Конституциямиздек кенг муҳокама бўлган қонун мавжуд эмас. Асосий қонунимиз нафақат ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрида, вазирлик ва идораларда, балки ҳар бир туман, корхона, муассаса ва ташкилотларда муҳокама қилинган ҳамда унинг яқунлари тегишли жадвал асосида таклифлар билан Конс-титудиявий комиссияга тақдим этилган.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида баъзи бир нарсалар бўладики, у Ватанимиз каби битта бўлади: байроғимиз битта, гербимиз битта, мадҳиямиз битта, шу қатори Конституциямиз ҳам битта. Буларнинг ҳар бири ўз тимсолида она Ватанимиз, унинг табиати, халқимизнинг эзгу мақсадларини ўзида акс эттиради. Шу маънода Конституциямиз ҳар бир фуқаро учун байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби қадрлидир.

Конституциямиз қабул қилинишидан мақсад ва вазифаларга эътибор берадиган бўлсак, муқаддимада республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида Конс-титудия қабул қилинганлиги қайд этилмоқда. Яъни Конституциямизнинг асосий моҳияти инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат. Конституция жамият ва унинг аъзолари олдида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадини қўймоқда. Шундай давлатдагина халқимизнинг муносиб

турмуши, ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги таъминланиши мумкинлиги таъкидланди.

Демократиянинг яна бир исботи шундаки, Конституциямиз “Ўзбекистон халқи” деб бошланади. Бундай жумлаларни бошқа бирон бир қонунда учратмаймиз. Бунинг ўзи ҳам халқ ҳокимиятчилигининг ёрқин далолатидир.

Конституциямизнинг яна бир энг муҳим хусусияти – бу унинг халқ суверенитетини эътироф этганлигидадир. Асосий қонунимизнинг 7-моддасига асосан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Асосий қонунимизда “демократия” ва “демократик” сўзлари 7 марта, “халқ” сўзи 24 марта қўлланилган.

Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятининг муҳим ифодаси бўлган парламентга бўлган эътибор жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қонун чиқариш органлари мақоми билан тенг бўлса тенгки, кам жойи йўқ. 2009 йилда Кембридж университетидан чоп этилган, конституцияшунос тадқиқотчилар М.Стивен Фиш ва Мэт Кроенигларнинг “Миллий қонунчилик органлари учун қўлланма: глобал тадқиқот” номли китобида парламентлар ваколатини баҳолашнинг 32 та предмети ишлаб чиқилган. Ушбу метод бўйича 190 та давлат конституцияларидаги парламентлар ваколатлари ғарб олимлари томонидан таҳлил этилганда мамлакатимиз Олий Мажлисининг ваколати 0,33 индекси билан Норвегия, Швейцария, Венгрия, Словакия парламентлари ваколат даражаси билан тенг ҳолатни кўрсатган. Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, Нидерландия, Германия парламентининг ваколатлари 0,29, Франция, Италия, Грецияларники эса 0,24 ни кўрсатиб, улар конс-титущияларидаги парламентга ажратилган ваколат бўйича мамлакатимиздан бир мунча қуйи натижани кўрсатган.

Конституция – жамият ҳаётини ривожлантиришга қаратилган аниқ дастур вазифасини ҳам бажаради. Ўтган 25 йил давомида нимаки стратегик ислоҳотлар амалга оширган бўлсак, барчасининг таг-замирида Конституция ғоялари бўлмиш фуқароларга муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, давлатнинг халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, халқ ҳокимиятчилигини кучайтириш, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида фуқароларнинг бевосита ва билвосита таъсирини ошириш, парламентнинг давлат ички ва ташқи сиёсатидаги ролини кенгайтириш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда конституциявий ва одил судловнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадлари мужассамдир.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида билиши лозим бўлган, керак бўлса унинг таянчи ва суянчи бўла оладиган

Конституциямизнинг таъбир жоиз бўлса, энг дуру гавҳарларини эслатиб ўтмоқчиман.

Авваламбор Асосий қонунимиз муқаддимасига кўра биз инсонпарвар давлат қуришни мақсад қилиб олганмиз. Инсонпарварлик деганда луғатларда инсонга муҳаббат, эътибор, ғамхўрлик, инсон шахсига нисбатан ҳурмат тушунилиши қайд этилган. Шундай экан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар фуқаролар билан муносабатларда айнан конституциявий мақсад бўлган инсонпарварлик мезонларидан келиб чиқишлари лозим.

Асосий қонунимизда давлат инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Конституциямиз асосий принципларига кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади. Мутафаккир Цицерон айтганидек, “*Salus populi - suprema lex*”, яъни халқ, жамият фаровонлигининг ўзиёқ – олий қонун ҳисобланади.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, яъни, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган. Давлат хизматчилари ўз фаолиятида мен халқ хизматчисиман – деган ғояга таяниб ишлаши лозим.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Қонунлар эса битта шахс ёки орган томонидан қабул қилинмай, балки халқ вакиллари иштирокида парламентда ёки референдумда қабул қилинади. Барчанинг қонунга мувофиқ иш кўриши белгилангани жуда ҳам мантиқий ва тўғри, адолатли қарор бўлиб, ҳар ким ўзига мос қоида яратиб олишининг олдини олади. Мазкур қоида дунё ҳуқуқий давлатчилигининг бебаҳо хазинаси бўлиб, кўплаб конституцияларнинг муҳим принципиал қоидасидир. Қадимги рим юристлари “*Nulla potentia supra leges debet esse*”, яъни қонунлардан устун турувчи ҳеч қандай куч бўлмаслиги керак – деган эдилар. Асосий қонунимизга кўра бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Қадимги рим юристлари айтганидек, “*Obligatio est iuris vinculum*”, яъни бурч ҳуқуқнинг муҳим риштасидир. Фуқаронинг ҳуқуқини

таъминлаш давлатнинг мажбуриятидир. Аини вақтда фуқародан Конституция ва қонунларда белгиланган ўз мажбуриятини бажаришни талаб қилиш давлат органининг ваколатига киради.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу қоидалар ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим кафолати бўлиб, дунё конституцияларининг бебаҳо дурдоналарини ташкил этади. Қадимги рим юристлари айтганидек, “*Justitia nemine neganda est*”, яъни ҳеч кимга одил судловга бўлган ҳуқуқ рад этилмаслиги керак, яна шунингдек “*Ab omni iudicio provocari licet*”, яъни ҳар қандай ҳукм, қарор устидан эътироз билдириб, мурожаат қилиш мумкин.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Қадимги рим юристлари “*Libertas est potestas faciendi id, quod iure licet*”, яъни эркинлик қонун билан тақиқланмаган барча ишни қилиш имконияти деганлар.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Юқоридаги қоидалар ҳам дунё конституцияшунослигининг бебаҳо хазиналаридан ҳисобланади. Қадимги рим юристлари “*Nullum crimen, nulla poena sine lege*”, яъни агар қилмиш учун жавобгарлик ва жазо қонун билан белгиланмаган бўлса ҳеч ким жавобгарликка, жазога тортилиши мумкин эмас. “*Nihil fit sine ratione sufficienti*”, яъни етарлича асосларсиз ҳеч қандай иш қилинмаслиги керак. Ҳар бир ваколатни амалга ошириш учун етарлича асос бўлиши керак.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Юқоридагиларнинг барчаси маърифатли дунёда, айниқса ривожланган демократик давлатлар тажрибасида оддий фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатларида талабининг асоси, ҳимоя қалқони вазифасини ўтайди.

Қайд этиш жоизки дунёдаги энг ривожланган давлатлар конституциялари билан беллаша оладиган Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаланинг бир жиҳати. Масаланинг бошқа бир муҳим томони, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётимизга самарали татбиқ этиш, унга риоя этмоқ ҳам керак. Бу Конституцияда кўзлаган мақсадларимизнинг энг муҳим шартидир. Баъзида айрим фуқароларнинг нолишларини эшитиб қоламиз. Конституция ва қонунларда юқоридагидек ҳуқуқ ва кафолатлар ўрнатилгани ҳолда уни ўзимиз ишлатмасак, ҳаётимизда фойдаланмасак, ҳеч ким ташқаридан келиб бизга бу ишни ўрнимизга қилиб бермайди. Шунинг учун ҳам қадим-қадимдан ҳуқуқшуносликда “Lex vigilantibus, non dormientibus (subvenit)”, яъни “ҳуқуқ, қонун ҳушёр, огоҳ, ғайратли одамлар учун ёзилади, ғафлатда қолганлар учун эмас. Ким ҳуқуқларидан фойдаланмаса, кўрган зарари учун ўзи айбдор” деган қарашлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция халқимиз хоҳиш-иродасини бир ҳужжатга жамлаган, уйғунлаштирган муҳим манба, миллий қонунчилигимизнинг асоси, тараққиётимизнинг ўзига хос стратегик дастури, “йўл харитаси”дир.

Ш.А.Таджиметов¹

КОНСТИТУЦИЯ - ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Ҳар бир халқ, миллат ўз истиқлолига эришганидан сўнг жаҳонда янги мустақил давлат сифатида ташкил топганлиги, мақсади, келажак истиқболларини Конституцияда белгилаб қўяди.

Чунки дунёдаги мавжуд конституцияларнинг барчаси уларни ижод этган халқнинг, миллатнинг сиёсий тафаккури, маънавияти ва маданияти билан узвий боғлиқдир.

Худди шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам халқимиз табиатига мос барча маънавий-маданий қадриятларни, халқимиз донишмандлигини, ахлоқий фазилатларини ўзида мужассам этган.

Асосий қонунимиз йиллар давомида халқимизнинг дилидан жой олди, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мажбуриятларини ўзида мужассам этган дастурул амал сифатида намоён бўлди.

Йиллар ўтган сайин Конституциямизнинг мукамаллиги, ҳаётийлиги, унинг келажакнинг ҳам талабларига жавоб бера олиши исботланмоқда. Бу эса истиқлолнинг илк йилларида асосий қонунни яратиш йўлида амалга оширилган улкан ва машаққатли меҳнат самарасидир. Ўтган давр ичида

¹ ИИБ Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли бошлиғи

нимага эришган бўлсак Конституция асосида амалга оширилди, унинг нормаларига амал қилган ҳолда эришдик.

Конституциянинг 22-моддасида давлат ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатиши, 23-моддасида республика ҳудудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳимояланиши кафолатлаб қўйилди.

Конституцимизнинг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” деб белгилаб қўйилган.

Асосий қонуннинг 93-моддасига назар ташлайдиган бўлсак, “Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир” деб белгилаб қўйилганлигининг шоҳиди бўламиз.

Бу меъёр мамлакат раҳбарининг ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқлари учун шахсан кафил эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва мустақиллик йилларида қабул қилинган барча қонунларимиз, олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шу улуғ мақсад йўлида давлатимиз умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланиб, фуқароларимизнинг эркинликлари, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаб келмоқда.

Истиклол йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида миллий қонунчилигимизда нафақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, балки инсонпарварлик тамойиллари ҳам кучайтирилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ратификация қилинди ва ундаги инсонпарвар мезонлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий меъёрларига айланди.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб олиши учун етарли шароитлар ташкил қилинди. Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, кадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортмоқда.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги, Конституция ва қонунлар устуңлигининг таъминланганидир. Мамлакатимизда Конституциянинг устуворилигини таъминлаш, яъни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган.

Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ўзининг ваколатлари доирасида қуйидаги масалаларни кўриб чиқади: Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Конституциявий суд муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини фуқаролар ва юридик шахсларнинг

конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни текшириш ҳақидаги ишларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

2021 йилнинг 27 апрелида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилинди. Унинг мақсади Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлиги ва нуфузини оширишга, мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни шакллантириш тартибини янада демократлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунда белгиланган ваколатларни аниқ ва оғишмай амалга ошириш учун Конституциявий суд ўз фаолияти давомида қуйидаги асосий принципларга амал қилади. Булар, Конституциянинг устунлиги, мустақиллик, коллегиялик, ошкоралик, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ Конституциявий суд томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига масалалар киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари - Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил эгадирлар.

Шунингдек, агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Мухтасар қилиб айтганда Конституция - тараққиёт гарови. Демак, қонунларга қатъий амал қилсак, давлат ва жамият олдидаги бурчимизни адо этган, қолаверса мамлакатимизни гуллаб яшнашига ҳисса қўшган бўламиз.

Х.А.Тураббаев*

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш – жамоат ҳавфсизлигини ҳуқуқий асоси сифатида

Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини яратишга қаратилган. Шу боис, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини давом эттириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий институт ва марказлар ташкил топганлигини ҳам қайд этиш зарур. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман); Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидаги турлари белгиланган: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси доценти

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Қонун устуворлиги принципи юзага келадиган муносабатларнинг қонунлар асосида тартибга солиниши, қонунларда белгиланган нормалар асосида ҳар бир шахс, давлат, унинг ваколатли органлари, мансабдор шахс ёки фуқаро, инсон ўз хатти-ҳаракатларини амалга ошириши, бу нормаларга амал қилиши шарт. Юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро бир-бири билан мувофиқ бўлиши, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қуйи турган норматив-ҳуқуқий ҳужжат, албатта, мувофиқ бўлиши керак. Яъни, Конституцияга бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат номувофиқ бўлиши мумкин эмас. Худди шундай қонунга қонуности ҳужжатлари мос бўлиши ва бошқа ҳужжатлар юқори турувчи нормативҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ бўлиши зарур.

Қабул қилинадиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзидан юқори кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ бўлиши қонун устуворлиги принципининг реал ҳаётга татбиқ этилишини билдиради. Умуман, қабул қилинган энг мақсадга мувофиқ қарор – қонунга асосланган қарор эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Қонун устуворлиги – ҳуқуқни қўлловчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан қонун нормаларини аниқ ва бир хилда тушунилиши ва қўлланилишидир.

Тарихдан маълумки, халқ манфаатлари, юксак ғоялар йўлида судьялар ва маъмурият раҳбарлари айнан мақсадга мувофиқликка амал қилишган. Шунингдек, қонун устуворлиги ва қонунийлик тантанаси учун одамлар, ҳатто, жонларини фидо қилишгача боришган. Қонунга амал қилиш зарурлиги ҳақидаги мулоҳазалар мумтоз фикрга айланган Рим ҳуқуқшунослари “*Dura Lex, sed Lex,*” (Қонун шафқатсиз, лекин у шуниси билан қонун-да), дейишган. Қонун устуворлигини таъминлаш вазифалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида алоҳида мустаҳкамланган.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масалаларини қамраб олган.

Давлат бошқарувида қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий талабларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Конституция ва қонунларнинг устунлиги асосий принцип сифатида белгиланган. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Қонун устуворлиги қуйидаги уч ҳолат бўлгандагина ўзининг тўлиқ ифодасини топади. *Биринчидан*, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлиши, *иккинчидан*, Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши, *учинчидан*, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши лозим. Конституциямизнинг 13-моддасида мустаҳкамланган, “...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деган қонуннинг ҳаётда реал амалга ошишини таъминлашга эришмоғимиз зарур. Шу билан бирга, қонунийликни таъминлаш уни амалга оширувчилардан ҳуқуқий билимларга эга бўлишни ҳам тақозо этади.

Зеро, Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади”. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонида асосан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепциясининг тасдиқланганлиги аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан мурасасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли тизимини яратишга асос бўлди.

Ушбу ишларнинг мантикий давоми сифатида 2019 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сонли Қарори қабул қилинганлиги мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш заруратини яна бир бор кўрсатди.

Умуман олганда, қонун устуворлиги қонун олдида барчанинг тенглиги ва қонун устуворлигининг умумийлигини англатади. Ҳуқуқ субъектларининг, жисмоний ёки юридик шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий талабларидан биридир. Конституциянинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб белгиланган. Бу тенглик мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари истиқомат қилаётгани, аёлларнинг эркаклар билан бир хил тенг ҳуқуққа эгаллиги, хотин-қизларни давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситаси, тенг ҳуқуқлилики бузганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд. Жиноят кодексининг 141-моддасига асосан, “Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш” жиноий ҳаракат ҳисобланиб, бундай ҳаракатларни содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 7-моддасига мувофиқ, “Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар ва ҳар қандай тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай уринишлардан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар”.

Декларация 29-моддаси 2-бандига асосан, “Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, фақат ахлоқ, жамоат тартиби, умумий фаровонликнинг одилона

талабларини қондириш мақсадида қонунда белгиланган чеклашларга риоя этиши керак”.

Қонунлар устуворлиги орқали мамлакатда ижтимоий адолат ўрнатилади, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланади, юзага келиши мумкин бўлган турли низо ва келишмовчиликларнинг олди олинади, барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланади.

Ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида зўравонликка йўл қўймаслик учун Ўзбекистонда давлат назорати, жумладан, суд назорати алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, маъмурий судларни шакллантириш, яъни маъмурий адлияни ривожлантириш давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунларга риоя қилишини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли, 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли ва 2017 йил 21 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ4966-сонли фармонлари ва 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сонли Қарорига мувофиқ судлар янада ихтисослаштирилиб, маъмурий судлар ташкил этилди.

Қонунийликни мустаҳкамлаш соҳасида суд ҳокимияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси суд тизими Конституцияда белгиланган моддаларга биноан қабул қилинган (XII боб) “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги ва “Судлар тўғрисида”ги қонунларга асосан фаолиятини амалга оширмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш билан боғлиқ бўлган муаммо ва низоларни ҳал этишнинг энг самарали демократик йўллари билан бири уларни суд орқали ҳал этилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 44-моддасига кўра, “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”. Албатта, 2017 йилда амалга оширилган ислохотларнинг диққат марказида

Ҳаракатлар стратегияси ижроси юзасидан қабул қилинган Давлат дастури алоҳида ўрин эгаллади. Унда белгиланган 320 та банддан иборат 437 та тадбирларнинг самарали амалга оширилиши, шу жумладан, 29 та қонун ва 900 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга бағишланди. Ҳаракатлар стратегиясининг ушбу йўналишида белгиланган вазифа ва тадбирларни амалга ошириш мақсадида 179 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан: 25 та қонун; 55 та Президент фармони, қарор ва фармойишлари; 60 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; 39 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўтган бир йил давомида суд-тергов фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартишлар киритилди.

Суд тизимини ислоҳ қилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди, замон талабларига мос бўлган суд корпусини шакллантириш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Судьялар ваколат муддатининг илк беш ва ўн йиллик даври ўтганидан сўнг лавозимда муддатсиз бўлиш амалиёти жорий қилинди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, ҳар бир туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартирилди, ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ташкил этилди. Янгидан ташкил этилаётган судларни тўлдириш учун қўшимча 560 та штат бирлиги, шу жумладан, 318 та судьялик штат

бирлиги ажратилди. Амалдаги суд мажлиси котиби лавозими тугатилиб, судларнинг тузилмаларига судья катта ёрдамчиси, ёрдамчиси лавозимлари киритилди.

Адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилди. Суд иш юритувининг самарадорлигини ошириш ҳамда одил судловга эришиш даражасини таъминлаш мақсадида жорий йилда судлар томонидан 933 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 310 минг 481 таси ёки 33,3 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди. Ҳар бир ҳукмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инобатга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Суд-тергов амалиётида далилларни тўплаш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга биноан, Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлақо йўл қўйилмаслиги, жиноят ишлари доирасида ноқонуний усуллар билан олинган ҳар қандай маълумотлардан, жумладан, аудио ва видео материаллардан, ашёвий далиллардан фойдаланишнинг қатъиян тақиқланиши белгиланди.

Шунингдек, Фармон билан адвокатлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиши, бу далиллар тергов ва суд идоралари томонидан мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шартлиги белгилаб қўйилди. Қийноққа солиш каби ноқонуний усулларни қўллашни қатъиян чеклаш мақсадида тергов ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари видеокузатув воситалари билан жиҳозланиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакат тарихида илк мартаба 2 минг 700 нафар, кейинги йилларда жами 3031 нафар маҳкумни, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли ҳолатлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасасида ижобий тавсифланган шахсларни афв этиш тўғрисида Фармон қабул қилинди.

Республикамизда судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ихтисослашган ўқув муассасаси - Судьялар олий мактаби ташкил этилди. 2018 йилда 1881 та

жиноят иши етарли далиллар бўлмаганлиги боис тўхтатилди. 5462 нафар шахсга нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан олиб ташланди.

Диний-экстремистик оқимлар билан алоқада гумон қилинган 20 мингдан ортиқ фуқаро махсус ҳисобдан чиқарилди. Амалга оширилган ислохотлар натижасида 2016 йилда 28 нафар шахсга, 2017 йилда 263 нафар, 2018 йилда 590 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Дастлабки тергов органлари томонидан 3 мингдан ортиқ жиноят ишлари тугатилди. Суд залидан озод этилганлар 2019 йил биринчи ярмида 1595 нафар шахс (2018 йил биринчи ярмида 1770 нафар шахс)ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича ваколатлари бекор қилинди. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда, биринчи навбатда, давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу иллатга қарши курашдаги куч ҳамда имкониятларини бирлаштириш мақсади назарда тутилди.

2017 йилда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарлари мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида сайёр қабуллар ўтказди. Бу қабулларда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар бўйича 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этди. Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 22 мингдан ортиқ оиланинг нотинчлигига барҳам берилди, 11 мингдан ортиқ оила ажрашиб кетишидан сақлаб қолинди давлат ва жамият ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, шахс ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, қонунларга риоя этиш ички зарурат, ички ишонч билан амалга оширилиши керак. Шундагина қонун устуворлиги ўзининг ижобий натижасини тўлароқ намоён этади. Бундай даражага эришиш учун жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш зарур. Шу муносабат билан қонунга итоаткор шахсни тарбиялаш бўйича ишларимизни изчил давом эттиришимиз даркор.

Б.Б. Умурзаков¹

КОНСТИТУЦИЯ – ТАРАҚИЁТГА ИНТИЛИШДА ТАЯНЧИМИЗ ВА БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Хар қандай давлатнинг бош қонуни Конституция ҳисобланади. Конституция сўзи луғавий жиҳатдан "Низом", "Қоидалар тўплами" деган

¹ ИИВ Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси

маънони англатади. Лекин мазмун - моҳиятига кўра, ушбу ҳужжат мамлакат, унинг фуқаролари ҳаётида жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва халқни фаровон ҳаёт сари олиб бориш каби буюк мақсадларни қўйди.

Узоқ асрлар давомида башарият минг-минглаб қоидалар ва низомлардан жамият учун асосийларини ва ўта муҳимларини танлаб олди. Айнан ана шу танлаб олинган қоидалар Конституциямиз яратилишига пойдевор бўлди. Конституцияда баён этилган тушунчалар шу қадар аҳамиятлики, ҳеч бир одам уларсиз яшай олмайди, негаки инсоннинг ҳар куни дуч келадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган фаолияти купинча мамлакат асосий қонунига киритилган қоидалар ва моддаларга боғлиқдир.

Конституция сўзи латин тилида “Constitutio” - сўздан келиб чиқиб, “тузиш”, “ўрнатиш”, “белгилаш” деган маъноларни билдиради. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни қонун асосида белгилаш дастлаб қадимги Римда амалга оширилганлиги тарихдан бизга маълум. Конституция ўзининг узоқ тарихига эга. Жаҳонда биринчи Конституциялар 1787 йилда АКШда,

1791 йил Францияда, 1831 йилда Белгияда, 1874 йилда Швейцарияда қабул қилинган.

Барчамизга яхши аёнки, истиқлол йилларида миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди, миллий ва умуминсоний кадриятларимиз, тарихий ва бой маданий меросимиз тикланди. Халқимизнинг ўтмишига оид кўплаб ҳақиқатлар, миллий кадрият ва анъаналаримиз, шахси, илмий, бадиий ижоди ўз даврида етарли баҳоланмаган улуг алломаларимиз номи тикланди, нутилиётган миллий байрамларимиз маънавий мулкимизга айланди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Конституцияси сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолияти учун мустахкам қонуний базага асос солди. Айни пайтда мамлакатимизда 4 та сиёсий партия ва 2 мингдан зиёд жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, миллий тикланиш ва тараққиёт йўлидан дадил одимламоқдамиз.

Бош Қомусимизда ёшларимизнинг илм олиш ҳуқуқи ҳар томонлама қолталланганлигини алоҳида қайд этиш ўринли. Конституциямиз асосида

1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра, мамлакатимизда замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган коллежлар, академик лицейлар, ихтисослашган махсус мактаб-интернатлар, умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларининг бунёд этилгани, умуман, таълим тизими тубдан ислоҳ қилинганлиги ёшларимизнинг юксак салоҳиятли инсонлар бўлиб камол топишига, Ватанимиз тараққиётини янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Асосий Қонунимиз кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган.

Асосий Қонунимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, Конституциямиз асосини Биринчи Президентимиз И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг машҳур беш тамойилини ўз ичига олган “Ўзбек модели” ташкил этади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари” деб номланган 10-боби муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳаётдаги рўёби, уни ишончли амалга оширилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Истиқлолнинг асл моҳияти - инсонни ва унинг ҳаётини улуғлашдир. Бош Қомусимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний қадриятларга асосланиши, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги шаъни, кадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги қатъий белгилаб қуйилган.

Халқимиз маънавият ва маданият, таълим ва тарбия соҳаларида бой меросга эга бўлиб, ёш авлодини ҳамиша ватанпарварлик ва инсонпарварлик, дўстлик ва меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат ва биродарлик, бағрикенглик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келган.

Тарихимизнинг бойлиги ва буюклиги, аввало, халқимизнинг юксак маънавияти ва маърифати билан боғлиқдир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПК-3160-сонли қарори маънавий-маърифий соҳада янгича туб бурилиш ясади десак муболаға бўлмайди.

Конституция ва ҳуқуқий маданият, маънавият ва миллий қадриятлар ҳақида гап борганда, кўхна заминимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ ҳислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Зотан, Асосий Қонунимиз ҳалқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида яққол акс эттиради.

Конституция - барча иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг ҳам, маънавий ислоҳотларнинг ҳам тамал тоши бўлиб хизмат килади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Бош Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, тенглар ичра тенглигимизни, келажаги буюк давлат қуришга бел боғлаган бағри кенг, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳужжат сифатида бизнинг йўлларимизни чароғон этувчи юлдуздир. Суверен ва демократик давлат қуриш йўлидан қатъий бораётган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституциямиз билан фахрланади. Чунки, у бахтимизнинг қомусидир.

Г.К.Уразбаева*

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Фуқаролик жамияти институтлари инсонни эркин ва фаровон яшашга, муносиб тарзда меҳнат қилиш ва дам олишига, жамият неъматларидан оқилона фойдаланишга, инсон сифатида ўз қадрини англаган ҳолда ҳаёт кечиришга ёрдам беради. Демак, бу институтлар фаолиятининг кенгайиб бориши инсоннинг жамиятдаги нуфузи юксалаётганлигидан, ҳаёт тарзи демократлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим шартидир. Айнан жамоатчилик назорати орқали фуқаролар ва жамоат тузилмалари жамият ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топишга эришадилар. Демак,

* ИИВ Малака ошириш институти ўқув-услубий бўлим ўқитувчи-методисти

жамоатчилик назорати институтини жамият ҳаётидаги камчиликларни бартараф этишнинг, мавжуд муаммолар ечимини топишнинг, давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг, фуқаролик жамияти барпо этишнинг, шунингдек давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни ташкил этишнинг муҳим воситаси дейиш мумкин.

Жамоатчилик назорати ҳуқуқий асосларининг Конституция даражасида мустақамланиши, уни давлат ва жамият қурилишининг муҳим институтларидан бирига айланишига ҳамда жамиятда халқ ҳокимиятчилигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга хизмат қилди. Қонунчиликдаги мазкур янгиликлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг турли табақалари манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини фаоллаштириш имконини бермоқда.

Юқоридаги тизимли ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун 2018 йил 29 мартда Сенат томонидан маъқулланди. 2018 йил 12 апрель куни Президент томонидан имзоланиб, 13 апрелда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди .

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида жамоатчилик назорати субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек жамоатчилик кенгашлари, комиссиялар белгиланган . Улар бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади.

Умуман, жамоатчилик назорати давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ҳамкорликнинг ўзига хос йўналиши сифатида намоён бўлади. Бинобарин, жамоатчилик назорати тўғрисида ҳозирги замон назарияси шундан келиб чиқадикки, бундай назоратни амалга ошириш ташаббускорлари ҳам давлат, ҳам жамият бўла олади. Мазкур механизм жамият билан ўзаро алоқани таъминлайди, давлат билмаган муаммоларни аниқлашга, уларнинг ҳал қилиш йўллари топишга имкон беради .

Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қиладиган яна бир янги ва замонавий жамоатчилик назоратининг шакли – бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитишдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш тартиби белгиланган. Унга асосан, «Шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларига мувофиқ: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини; ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, таълим муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар раҳбарларининг ҳисоботларини; тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитади» .

Бугунги кунда мазкур ҳуқуқий норма жойларда амалга татбиқ этилмоқда ва муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, таълим муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар раҳбарларининг ҳисоботларини маҳаллаларда эшитишни ташкил қилиш орқали давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Профилактика инспекторининг ҳисоботини тинглаш асосида ҳудудда ҳуқуқбузарликларни олдини олишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш келишиб олинмоқда. Ёки қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш асносида давлат томонидан фуқароларнинг соғлиғини сақлаш борасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарф этилиши, профилактик эмлашларни ўз вақтида амалга ошириш ва бошқа қатор масалалар биргаликда муҳокама этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунда яна бир муҳим қоида мустаҳкамландики, уни тўғри ва самарали қўлланиши келгусида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Хусусан, мазкур Қонуннинг 16-моддасида акс этган давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари каторида «жамоатчилик назоратини ўтказиш юзасидан ташаббус кўрсатишга ҳақли» эканлиги белгиланди.

Агар мазкур норма амалда тўғри ва мақсадли қўлланса, муайян давлат органи раҳбари ўз фаолиятини яхшилаш, унга четдан баҳо бериш мақсадида фуқаролик жамияти институтларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан ташаббус билан чиқади. Натижада ўз ишидаги айрим

камчиликлар, қонуний фаолияти давомида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиб, ўз фаолиятини яхшилашга эришади.

Бу ҳуқуқий норма ўз аҳамиятига кўра, муайян давлат органлари фаолиятини қонуний асосда ташкил этишга, ўз ваколатларидан самарали фойдаланиш ва мажбуриятларни тўлиқ бажариш йўлида янги имкониятдир. Шу билан бирга, моҳиятан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Яна бир муҳим масала, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ўтказишдир. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилингунга қадар ҳам мазкур амалиётнинг ҳуқуқий механизмлари айрим қонунларимизда ўз аксини топган эди. Масалан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида қайд этилишича, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун лойиҳани ишлаб чиқаётган ташкилот томонидан ишчи гуруҳ (комиссия) тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчининг тегишли бўлинмалари, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликлар, давлат кўмиталари ёки идоралари вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади .

Шу билан бирга, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган Қонуннинг 8-моддасига кўра, «қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши, шунингдек амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкин» .

Сўнги вақтларда парламент фаолиятида унинг кўмиталари ва комиссиялари ишига нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари кенг жалб этиш кузатилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари таркибига давлат органлари, илмий муассасалар вакиллари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари киритилмоқда .

Мазкур жараённинг ҳуқуқий механизмларини «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида янада тўлиқ шаклда қуйидагича баён

этилди: «Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек нормативҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, давлат органларининг бошқа қарорларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир. Жамоатчилик муҳокамасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин. Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг иштирокида ўтказилиши мумкин» .

Бу нормалар давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, 2017 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди. Хусусан, лойиҳаларнинг «Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1 310 та таклиф ва мулоҳазалар келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди .

Юқоридаги жамоатчилик муҳокамаларига қўйилган давлат дастурида фақат давлат ёки давлат органларининг манфаатлари эмас, балки оддий халқнинг, аҳолининг турли қатламларининг хоҳиш-иродаларини ҳам акс этишига эришилмоқда. Ёки ушбу муҳокамалар сабаб бир қатор давлат органлари билан турли нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ўрнатилди. Бу давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларини давлат органлари билан ҳамкорлигига оид ҳуқуқий асосларни амалга татбиқ этилишининг ёрқин намунасидир.

Яна бир муҳим масала, ахборот коммуникация технологияларининг тезкор ривожини, айниқса, Интернет жаҳон ахборот тармоғи фойдаланувчилари сонининг шиддат билан ўсиб боришидир. Бу фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувига қизиқиши ҳамда билвосита таъсири кучайишига сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, жамият ҳаётига оид муҳим масалаларни ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб муҳокама қилиш учун янги имкониятларни яратмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, Интернет тармоғида махсус «майдон»лар яратиши зарурлиги таъкидланган эди¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг 34-бандида «Mening fikrim» махсус вебпортали орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон жамоавий муурожаат қилиш тартибини жорий этиш белгиланган².

«Mening fikrim» веб-портали мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиклиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида яратилди.

2018 йил 20 апрелдан бошлаб ишга туширилган «Mening fikrim» вебпортали фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллигини яна бир бор намоён этди. Буни веб-порталининг олти ойлик фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9-моддасида жамоатчилик муҳокамасининг тушунчаси, мазмуни, унинг субъектлари, иштирокчилар, уни ўтказиш муддатлари, фикр билдириш имкониятлари, у ҳақида эълон бериш тартиби ва бошқа муҳим масалалар белгиланган. Лекин, ҳозирда фуқароларнинг фаоллашувини ҳисобга олган ҳолда, жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишнинг замонавий усуллари ва уларнинг ҳуқуқий механизмларини қонунчиликда янада мукамал белгилаш, жамоатчилик муҳокамасини алоҳида қонун орқали тартибга солиш заруратини намоён этмоқда.

Бу каби ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши, уларни ўз вақтида ҳуқуқий тартибга солиш заруратидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик муҳокамаси тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз. Унда бугунги кун талабидан келиб чиқиб, жамоатчилик муҳокамасини оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали ўтказилишининг тартиби аниқ ва мукамал ҳуқуқий тартибга солиниши лозим.

Шунингдек, қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини муҳокама қилиш масалаларида ҳам фуқаролар фаоллиги ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштирилган лойиҳаларга кенг жамоатчилик фикр билдирмоқда. Лекин уларнинг натижалари тайёрланган қонун лойиҳаларида қай даражада акс этгани кўрсатувчи мезонлар белгиланмаган.

Ҳозирда деярли барча қонун лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритишдан аввал ахборот коммуникация технологиялари орқали жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилмоқда. Лекин билдирилган фикрлар, таклифлар таҳлилини умумлаштириш, уларнинг якуний хулосалари ҳақидаги маълумотларни тўлиқ тақдим этмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бунинг яна бир сабаби қонунда ҳам мазкур масала аниқ белгиланмаган ва у қонунчиликдаги бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш эҳтиёжи мавжуд.

*Ш.Н.Вахабова**

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўз олдига эркин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Мазкур мақсадга эришиш жараёнида босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини, хусусан, унинг муҳим бўғини ҳисобланган нодавлат ноижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ролини ошириш борасида туб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Бинобарин, самарали фаолият юритадиган нодавлат ноижорат ташкилотларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий тамойилларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди. Мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоийиқтисодий

* ИИВ Малака ошириш институти ўқув-услубий бўлим катта ўқитувчи-методисти

ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш юзасидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ушбу институтлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишланган бўлиб, унда ушбу ташкилотларнинг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслардан мустақиллиги каби тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”, деб белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Конституциямизнинг бошқа моддаларида ҳам фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига оид бўлган конституциявий тамойил ва қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 34-моддаси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадрқимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслигини белгилаб қўйган. Асосий Қонунимизнинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилмаҳиллиги асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий тамойил ўз ифодасини топган.

Фуқароларнинг бирлашишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари ёки халқаро ҳужжатлар терминологияси билан айтганда, бошқалар билан бирга муайян ассоциацияларга уюшишга бўлган ҳуқуқлари ўз ичига: фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва умумий мақсадларга биргаликда эришиш асосида ихтиёрий равишда тузиладиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил этиш ҳуқуқини ҳамда мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотларига кириш ёки ундан чиқиш ҳуқуқини камраб олади.

Муайян нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий иши ҳисобланади. Фуқароларни

нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиб киришга мажбурий тарзда ундаш ёки ундан чиқишга тўсқинлик қилиш ҳуқуққа зид фаолият деб тан олинади. Бундан ташқари, Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари белгилаб қўйилган.

Асосий Қонуннинг 35-моддасида эса ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилган.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳуқуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятини ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади”.

Юқоридаги конституциявий тамойиллар қатор қонун ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Мазкур ҳуқуқий асосларнинг яратилиши мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил

соҳасини юзага келиши билан бирга, унга тизимлилик тусини ҳам берди. Юқоридагилар билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ўз ичига конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноий ҳуқуқ меъёрларини қамраб олувчи бутун қонунчилик тизимининг шаклланишига ҳам имконият туғдирди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қонунда илк маротаба жамоат бирлашмаси (ташкilotи) институтига ҳуқуқий таъриф берилиши билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолияти тамойиллари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси белгилаб берилди. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкilotини камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустақамлаб қўйилди.

Мазкур Қонуннинг 1-моддасига биноан, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкilotлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкilotлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ушбу қонунга мустақиллик йилларида киритилган бир қатор ўзгартишлар баробарида жамиятда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда нодавлат нотижорат ташкilotларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси ҳам кенгайиб борди. Қонунга биноан, улар ўзларининг ички тузилмасини, мақсади, фаолият олиб бориш шакли ва усулларини танлашда ҳамда низомларини қабул қилишда мустақил эканликлари белгилаб қўйилди.

Э.У.Эргашев¹

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилган бўлсада, аммо сўнгги пайтларда жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт

¹ Бектемир тумани ИИОФМБ бошлиғи, илмий тадқиқотчи

тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6196-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида 2021 йил 29 ноябрь кунини ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони қабул қилинди .

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бевосита ички ишлар органларига тааллуқли бўлиб, жамиятда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, маҳаллаларда осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини жинойий тажовузлардан муҳофаза этиш ҳисобланади.

Зеро, жамоат хавфсизлиги тушунчасининг тағ замирида жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш эса давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизимдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар жараёнида ички ишлар идоралари ходимларининг қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда касбий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ички ишлар идоралари алоҳида мавқега эга бўлиб, уларга қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ўрнатишда катта ҳажмдаги маъсулиятли вазифа юклатилган. Ички ишлар идоралари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга нисбатан иш ҳажми ва штат бирлиги нуқтаи назаридан ҳам жуда катта фарқ қилади. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари кундалик иш фаолиятида узлуксиз равишда, доимо халқ билан ҳамкорликда фаолият юритадилар. Мамлакатимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва барқарор тартиботи ҳам кўп жиҳатдан ички ишлар идораларига боғлиқдир. Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимларидан халқ билан бўлган турли хил шакллардаги муносабатларида юксак даражадаги ҳуқуқий маданият талаб қилинади. Чунки, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолияти давомида қонунга итоаткор, маҳалладаги обрў-эътиборли шахслар

билан бир қаторда муқаддам судланганлар, шартли жазога тортилганлар, оилавий жанжалкашлар, маъмурий назоратдагилар ва жиноятга мойил бўлган турли хил тоифадаги шахслар билан мулоқотда бўлади. Бу каби шахслар билан бўлган мулоқотларда ички ишлар идоралари ходимларидан қўполлик, калондимоғлик, беписандлик, лоқайдлик иллатларидан ҳоли бўлиши, уларга нисбатан эътиборли, хушмуомалали бўлган ҳолда муносабатда бўлиш талаб этилади.

Аксинча, юқорида таъкидлаб ўтилган, калондимоғлик, менсимаслик, қўпол муносабатда бўлиш каби иллатлар ички ишлар идоралари ходимларининг халқ орасида обрўсини тушишига, жиноят процессида гувоҳ ёки холис бўлиб иштирок этишдан фуқароларни ўзини олиб қочишига, шунингдек, жиноятчиликни олдини олишда ва унга қарши курашишда ички ишлар идоралари ходимларига ёрдам бериш ўрнига, уларга қарши фитналар уюштириш кайфиятининг ўйғониши, энг ачинарлиси, халқ онгида ички ишлар идораси – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ташкилот тушунчаси ўрнига, ортиқча муаммони келтириб чиқарувчи, шахсни жазоловчи ташкилот сифатидаги оммавий фикрнинг намоён бўлишига олиб келади.

Жамиятдаги ижтимоий ҳаёт йил сайин ўзгармоқда, фан ва технология ривожланмоқда, шунингдек, инсонларнинг онги, уларнинг дунёқараши, фикрлаши, тафаккури, энг асосийси инсон психологияси ўзгармоқда. Собик Иттифоқ давридаги ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билмайдиган авом халқ деярли тугади. Ахборот асри ҳисобланмиш ХХІда инсоният тараққиёт сари силжимоқда. Инсонларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий онги сингари ҳуқуқий онги ва маданияти ҳам юксалмоқда. Халқ ўзининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбурияти ва бурчини тўлиқ англаган ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Ички ишлар идоралари ходимларининг томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўринсиз бузиладиган бўлса, улар ушбу ходимларни тартибга чақириб қўйиш мақсадида, Прокуратура, МХХ, Омбудсман, қолаверса Президент девонигача бўлган поғоналарга шикоят қилиш орқали ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мумкинлигини тўлиқ англаб етган.

Бунинг натижаси ўлароқ, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, жумладан, ички ишлар органлари ходимларнинг хизмат фаолияти давомида мансаб ваколатини суъистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан четга чиқиш, жиноятни яшириш каби қонунга зид ҳатти-ҳаракатларни амалга оширганлик ҳолатлари аниқланганлиги туфайли турли хил тарзда юридик жавобгарликка тортилган ходимлар ҳақида инсонни таажжубга келтирувчи рақамлар қулоққа чалинади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалиштиришга ҳалақит берувчи омиллар мавжуд бўлиб, улар икки хил шаклда объектив ва субъектив омилларда намоён бўлади.

Объектив омиллар асосида, тўғридан-тўғри ички ишлар идоралари ходимларининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда қонун бузулишига йўл қўйиш қуйидаги ҳолларда юзага келади:

биринчидан, бошқарув тизимининг ҳаддан ташқари катталашуви;
иккинчидан, хизматларнинг маҳкама доирасида асоссиз бўлиниши;
учинчидан, ҳуқуқий жиҳатдан етарли даражада ҳимояланмаганлиги, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолияти жараёнига бошқа давлат органларининг асоссиз аралашуви;

тўртинчидан, ходимларнинг хизматларини етарли даражада ардоқланмаслиги натижасида ходимларнинг ўз хизматларига нисбатан совуққонлик қилиш ва бепарво муносабатда бўлиши;

бешинчидан, тегишли давлат органлари томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ички ишлар идораларининг қўйи поғонасига етиб бормаслиги, яъни фақатгина вазирлик ва бошқарма даражасида қолиб кетиши, тегишли туман ва шаҳар ички ишлар идораларига етиб бормаслиги ва бунинг оқибатида ходимларнинг мавжуд меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлмаслиги;

олтинчидан, ички ишлар идораларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазмун ва моҳиятини ходимларга етказиб бериши ва тегишли ўқишларни етарли даражада ташкил этмаслиги ёки бу ишга нисбатан бепарво муносабатда бўлиши;

еттинчидан, “устоз-шогирд” аънаналарини тизимли равишда йўлга қўйилмаганлиги;

Субъектив омиллар бевосита ички ишлар органлари ходимларининг иродасига боғлиқ ҳолда, яъни мавжуд ҳатти-ҳаракатсизликнинг қонунга зид эканлиги билиши ва уни бузилишига йўл қўйилиши тушинилади. Булар қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, фуқаролар томонидан тушган аризаларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик;

иккинчидан, содир этилган жиноятни ўз вақтида рўйхатга олмаслик, яъни жиноятни яшириш;

учинчидан, фуқароларга нисбатан кўпол муомалада бўлиш, каландимоғлик, беписандлик, манманлик қилиш;

тўртинчидан, хизмат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ ўзлаштира олмаслиги, яъни билим савиясининг пастлиги;

бешинчидан, ўз хизмат мавқеидан шахсий манфаатларда фойдаланиши;

олтинчидан, ҳуқуқий билимлари ва оператив кидирув ахборотларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиши;

еттинчидан, хизмат сири билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва оператив чора-тадбирлар ҳақида маълумотларни касбий маҳорати етарли даражада бўлмаганлиги туфайли ошкор қилиши;

саккизинчидан, ходимларнинг моддий манфаат эвазига коррупцияга аралашуви, жиноий гуруҳлар билан тил бириктириши ва жиноий ишларга қўл уриши ва ҳ.к.;

Ички ишлар органлар ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш ҳозирги кунда амалга оширилиши лозим бўлган муаммолардан биридир.

Ички ишлар органларнинг самарали фаолият юритиши ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг икки хил усули мавжуд:

1. Хизмат фаолиятига тааллуқли бўлган ҳуқуқий ахборотни уюштириш, ташкил этиш ва уларни турли хил маълумотлар билан таъминлаш;

2. Ходимларининг хизмат фаолиятларида эришган ютуқларини инобатга олган ҳолда рағбатлантириш.

Ички ишлар органлар ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда қуйидаги тарбиявий йўналишлари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, ижтимоий-сиёсий билим бериш – ходимларни дунёда юз бераётган турли хил ижтимоий–сиёсий воқеалардан хабардор этиш, яъни уларни дунёқарашини кенгайтириш, сиёсий билимларини ошириш;

иккинчидан, маънавий ва маданий билим бериш – бунда ички ишлар органлари ходимларини ватанни, халқни севиш ва ардоқлаш, ўз хизмат вазифасини астойдил бажариш, хизмат фаолиятига садоқат билан ёндошиш руҳида тарбиялаш лозим.

Ички ишлар органлари ходимларини адабиёт, санъат, фан, дин ва бошқа соҳаларнинг етакчи, обрўли вакиллари билан учрашувларни ташкил қилиш орқали ходимларнинг маънавиятини юксалтиришга эришиш;

учинчидан, махсус юридик билим бериш – ички ишлар органлари ходимларини касбий фаолияти учун лозим бўлган ҳуқуқий ва махсус-касбий билимлар билан қуроллантириш мақсадида доимий равишда давлат органлари томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириб бориш, кези келганда мамлакатимизнинг кўзга кўринган ҳуқуқшунос олимларини таклиф қилиш орқали жонли мулоқотларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда ички ишлар органлари ходимларини касбий ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида тегишли ўқув юртларидаги малака ошириш муассасаларидаги қайта тайёрлашни сифат жиҳатдан яхшилаш, ўқитиш технологияси янгилаш, яъни замон талаби даражасига келтириш фойдадан ҳоли бўлмайди.

С.С.Шарипов¹

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ. Мамлакатимизда кейинги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида “Қонун устувор, жиноятга жазо

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

муқаррар” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилмоқда [2]. Хусусан, соҳани ҳуқуқий асосларини замон талаблари асосида яратиш орқали, фаолиятга замонавий иш усулларини жорий этиш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш учун аввало, ушбу йўналишдаги асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини англаб олишимиз зарур ҳисобланади. Бу борада олиб борилган тадқиқотларда, “ҳуқуқий асос – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида (шаклда) ижтимоий муҳим натижаларни таъминлаш мақсадида барқарор динамик алоқада бўлган ҳужжатлар тизимидир” [9], “ҳуқуқий тартибга солиш бу – ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни белгилаш, уларни қонун устуворлиги асосида ҳимоя қилиш, бузилган нормаларни тиклаш мақсадида ҳуқуқий чораларни қўллашда ифодаланади” [10, 253-б.] деган таърифлар келтирилган.

Бундан ташқари айрим тадқиқотчи ва олимлар, “ҳуқуқий асосларнинг мақсади – жамият ҳаётидаги ҳуқуқнинг аҳамиятини ва долзарб эҳтиёжларини акс эттиради ҳамда уни давлат ҳуқуқий сиёсатининг асоси бўлган асл қадриятларга йўналтиради” [6, 96-б.], “фаолиятни самарали амалга оширишнинг асосий белгиларидан бири унинг мақсади, вазифалари ва функцияларини ҳуқуқий тартибга солинишидир” [7, 101-б.], маъмурий-ҳуқуқий нормалар – бошқарув субъекти ва объектининг ҳуқуқий ҳолати ҳамда функцияларини мустақамлайди, жамият бошқарув тизимининг ҳар бир иштирокчисининг масъулиятини оширади [8; 14-б.] деган эътирофлар келтирилган.

Кейинги йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларининг таҳлили, ушбу жараёнда фаолиятни замон талаблари асосида ҳуқуқий таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрсатмоқда. Яъни, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштиришга оид қабул қилинган бирон бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат йўқки, унда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмаган бўлса.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади. Буларга Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги (2021 йил 20 апрель) Қонунига мувофиқ [4], Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,

қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради.

Айрим тадқиқотларда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, мазмунига кўра, икки гуруҳга: а) фуқароларнинг ҳуқуқ-атвори, ҳуқуқ ва эркинликларини, маълум ҳаракатларни амалга оширишда ўрнатилган тақиқлар ва уларни бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи нормаларни ўз ичига олган тартибга солувчи; б) жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг вазифалари, функциялари, фаолиятининг шакл ва усулларини кўрсатувчи нормаларни ўз ичига олган белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратган ҳолда ўрганилган. Бунда, фаолиятни тартибга солувчи биринчи гуруҳга мансуб ҳуқуқий асослар, асосан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини ўзида жамлаган бўлса, иккинчи гуруҳ ҳужжатлар ўз ичига Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қамраб олган [7; 102-б].

Назаримизда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик кучи, уни қабул қилувчи субъектлар ва уларнинг ваколат доирасига қараб шартли равишда куйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ: биринчи гуруҳ – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, кодекслари ва қонунлари; иккинчи гуруҳ – Президент фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; учинчи гуруҳ – ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Конституциянинг барча нормаларидаги қоидалар демократик жамиятдаги ижтимоий муносабатларни адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда тартибга солишнинг бирламчи асосий манбаи ҳисобланади. Мамлакатда, унинг маъмурий ҳудудий бирликларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қанча қоидалари, хусусан фуқаро, давлат ва жамият манфаатларини ҳар қандай кўринишдаги жиноий, маъмурий ва бошқа ғайриижтимоий тажовузлардан ҳимоя қилиш талабларини ўзида мужассамлаштирган нормаларида ўз аксини топган. Жумладан, Конституциямизнинг 13-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Уларни таъминлаш эса, бошқа давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари қатори жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг ҳам асосий вазифасидир. Конституциянинг

121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиши мумкинлигининг кафолатлангани жамоат хавфсизлигини таъминловчи бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини ташкил қилишга асос яратиб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясининг қабул қилиниши соҳа фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг ўзга хос янги босқични бошлаб берди десак муболаға бўлмайди.

Бу борада Президентимизнинг касб байрами муносабати билан ички ишлар органларининг ходимлари ҳамда фахрийларига йўлланган байрам табрикларида, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияларга асосан, илк бор ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлаш бўйича 10 та давлат идорасининг ҳамкорликда ишлаш механизмлари ва вазифалари белгилаб берилганлиги, шу билан бирга, вилоят марказлари ва йирик туманларда 75 та ситуацион марказларнинг ташкил этилгани кўча ва жамоат жойларида вазиятни масофадан туриб кузатиш ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлашга қаратилган куч ва воситаларни самарали бошқариш имкониятининг яратилганлигини айтиб ўтдилар [3].

Кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаларининг мавжуд кучларни уюштириш, фаолиятини самарали ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш соҳасида муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатлар асосида соҳада мавжуд бўлган бир қатор ўз ечимини кутаётган муҳим масалалар ҳал қилинди. Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлашдан қандай миллий манфаатлар борлиги, давлатнинг бу борадаги сиёсатининг асосий йўналишлари айнан нималардан иборат эканлиги ёки бўлмасам, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш тизими, уни таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектларнинг аниқ ваколатлари, уларнинг биргаликда ишлаш механизмлари ҳамда фаолиятини баҳолаш тартибига самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этиш каби муҳим масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди [5].

Бундан ташқари ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳисобланган қонунлар ушбу фаолиятни бевосита тартибга солишга хизмат қилмасдан, балки бу борадаги айрим ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан чекланмоқда. Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида эса мазкур фаолиятнинг умумий қоидалари, асосий йўналишлари ва вазифалари ҳамда субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. Фаолиятни таъминлашнинг аксарият механизмлари эса ички идоравий ҳужжатлари билан белгиланган, холос.

Стратегияда, жамоат хавфсизлиги соҳасида ягона қонун ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш яъни, ушбу соҳага масъул бўлган ваколатли органларнинг 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжат нормаларини ва қоидаларини бирлаштириш вазифаси орқали ушбу муаммони ҳал қилиш белгиланган.

Бундан ташқари, транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳамда сервис-хизмат кўрсатиш субъектларининг мазкур йўналишдаги вазифа ва функцияларини белгиловчи ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаларининг белгиланганлиги, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бироқ, юқорида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти доирасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ушбу соҳадаги ҳуқуқий нормалар ўртасидаги узилишлар ҳамда ўзаро зиддиятларга сабаб бўлаётган айрим омилларни ҳам кузатиш мумкин. Қолаверса, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилмаганлиги ушбу соҳа субъектларининг хизмат фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш бўйича тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур” [1]. Давлат раҳбарининг келтирилган мазкур фикрлари бевосита жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Юқорида келтирилганларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти самарадорлигини янада ошириш кўп

жихатдан таҳлил этилаётган масалага бевосита боғлиқдир. Бу борада учраётган муаммо ва камчиликларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин.

1. Қонунчиликка мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар сифатида кўрсатилган. Бироқ, мазкур субъектларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирок этиш даражаси (кўлами), улар билан ҳамкорлик тартиби каби масалалар ҳуқуқий жихатдан аниқ белгиланмаган.

2. Жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектларнинг ваколат доираси ва вазифалари қонунчиликда белгиланган бўлсада, бу борада бошқарув билан боғли бўлган айрим муҳим масалалар ҳуқуқий жихатдан ўз ечимини топмаган;

3. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни бевосита ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бироқ, мазкур бўлинмаларнинг бу борадаги жавобгарлигини ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамлаш масаласи ҳамон очиқ қолмоқда.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини самарали ташкил этишнинг тизимли ва изчил чора-тадбирларини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси ижроси юзасидан қабул қилиниши режалаштирилган қонун ҳужжатларида, жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш даражаси (кўлами), улар билан ҳамкорлик тартиби каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш.

иккинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектларнинг ваколатлар доираси ва вазифаларига қўшимча сифатида қуйидагиларни киритиш:

– фуқаро муҳофазасини таъминлашда бевосита масъул ҳисобланган маҳаллий ҳокимликларнинг жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектларнинг моддий-молиявий ҳамда ижтимоий соҳадаги ваколатларини белгилаш;

– жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларига жамоат тартибини сақлаш ва оммавий тадбирлар давомида учувчисиз бошқариладиган учиш

курулма-ларидан фойдаланиш ваколлатини бериш ва уларни замонавий дронлар билан таъминлаш.

учинчидан, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда содир этилган ҳар қандай турдаги олди олиними мумкин бўлган жиноят ва ҳодисалар бўйича Миллий гвардия бўлинмаларининг жавобгарлигини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни мунтазам ўрганиш, таҳлил ва мониторинг қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётга қай даражада мослиги ва амал қилишини кузатиб боришни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида: а) соҳадаги қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, жумладан, ички идоравий ҳужжатлари-нинг Конституция ва қонунларга мослигини ўрганиш ва текшириш; б) Конституциямиз норма ва қоидаларининг қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланишини кузатиш; в) қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлигини кузатиш ҳамда ўрганиш; г) соҳага доир қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси амалда қай даражада таъминланаётгани, ҳаётга татбиқ қилинаётгани ҳамда жамиятга нафи тегаётганини ўрганиш; д) амалдаги айрим қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижроси таъминланмай, фақат қоғозда қолиб кетишига олиб келаётган сабаб ва шароитларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш орқали уларни такомиллаштириш чораларини кўришга имкон беради.

*З.М.Алиева**
*М.А.Умарова**

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Дунёда меҳнатга лаёқатли ёш (25-54)даги аёлларнинг 63, эркакларнинг 94 фоизи меҳнат бозорида ишчи кучи сифатида иштирок этади. Аёлларнинг аксарияти ўзларининг репродуктив хусусиятлари ва бола парвариши билан боғлиқ мажбуриятларнинг анъанавий тақсимланганлиги сабабли меҳнат

* ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

* ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси кабинет бошлиғи

бозорида эркаклар билан тенг рақобатлаша олмайдилар. Технологиялар ривожланган XXI асрда миллионлаб аёллар ҳалигача оилавий вазифалари туфайли ўз меҳнат имкониятларидан тўлақонли фойдалана олмаётганликлари натижасида меҳнат соҳасида камситишга дуч келмоқдалар. Мазкур нохуш ҳолатлар аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш масаласини қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади.

Жаҳонда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш хусусиятларини ўрганиш илмий тадқиқотларнинг йўналишларидан биридир. Жумладан, мазкур тоифа шахслар ҳуқуқларининг таъминланишида келгусида уларга «зарар келтирмайдиган» кўшимча кафолатлар яратиш ҳамда асосланган чекловлар ўрнатиш, кафолат ва чекловларнинг мувозанатини таъминлаган ҳолда қонунчиликдаги нормаларни қайта кўриб чиқиш, меҳнат соҳасида уларга нисбатан йўл қўйилиши мумкин бўлган камситишларнинг олдини олишга оид ҳуқуқий механизм ишлаб чиқиш, мазкур тоифадаги шахсларга оид халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни тадқиқ қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Республикамизда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, уларга адолатли меҳнат шароитлари яратишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш, аёллар ҳуқуқларини манзилли ҳимоя қилишга доир қисқа ва узоқ муддатли концепцияларни ҳаётга жорий қилиш бўйича кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш» мамлакат ижтимоий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тузилмасида хотинқизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, «Мўътабар аёл» кўкрак нишони

таъсис этилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга мамлакатимизда жиддий эътибор берилмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янгитдан ташкил этилгани, уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани бу йўлда янги қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенциясини ратификация қилган. Ҳозирда мазкур масалада бирмунча такомиллаштирилган “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 183-сонли Конвенцияни ратификация қилиш бўйича ишлар изчил давом эттириб келинмоқда. 2019 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотинқизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4235-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга биноан 2019 йил 1 майдан эътиборан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинди; тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланди; бола парваришlash таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилади; икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилади; аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномаси муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади; эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади. Шунингдек, Қарорга асосан «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»ни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига

кўмаклашиш; тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш; аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини шакллантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консултатив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш; зарур ҳолларда, фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш; тадбиркор аёллар ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорлар топиш, минитехнология ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш; норасмий фаолият юритаётган хунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёزلардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўмагидаги Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиши ҳам назарда тутилган.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмуни давоми сифати ўлароқ, аёллар ижтимоий ҳимоясига оид 2019 йил 2 сентябрда иккита муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тадбирда мамлакатимиз раҳбари мазкур қонунларни изчил амалга оширишда парламент ва жамоатчилик назорати ниҳоятда зарурлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда нафақат оилаларда, балки иш жойларида ҳам иқтидорли ходимларни “сиқиб чиқариш”га қаратилган моббинг, буллинг, боссинг каби салбий психологик воқеликларни ифодловчи тушунчалар кундалик ҳаётимизга кириб келмоқда. Касбий сегрегация ёки аёл ходимларнинг айнан аёл раҳбарлар томонидан дискриминация қилиниши натижасида бу каби психологик воқеликлар кадрлар сифати ва ишлар самарадорлигига салбий таъсир ўтказувчи жараёни ифодаламоқда. Бунда охир-оқибат инсон ҳуқуқлари топталмоқда. Шу туфайли қонунчиликка биноан, меҳнат органларига хотин-қизларга нисбатан иш жойларидаги тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш

хамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар, маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларида қатъи назар, ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказиш ваколати берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев оила ва маҳалладаги аҳволни аёллар яхши ҳис қилишларини, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда, бошқарув самарасини оширишда хотин-қизларнинг ўрни ва таъсири жуда катталигини таъкидлаб, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, хотин-қизларга турли масъул вазифаларни ишониб топширишга қаратилган сиёсатни янада фаол давом эттириш лозимлигини уқтирди. Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлири, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” номли махсус ўқув курслари жорий этиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, аёллар ҳуқуқлари бузилиши, аввало, улар ўз ҳуқуқларини билмаганликлари, уларга қонунчиликда назарда тутилган кафолатлардан бохабар эмасликларидан келиб чиқади. Шу туфайли қонун бузилишининг олдини олиш, профилактика тадбирларини ўтказиш мақсадида “Аёллар ҳуқуқлари” деб номланган махсус ўқув курслари яратиш ижобий натижаларга олиб келади.

Келгусида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг диққат марказида бўлади.

Кейинги пайтда кўплаб аёлларимиз давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, молия-банк, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда масъул раҳбарлик лавозимларига кўтарилмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида меҳнат муносабатларида аёлларга қонунчиликда назарда тутилган кафолатлар уларга “антикафолат” бўлиб хизмат қилади. Яъни, аёлни ишга қабул қилаётган иш берувчи келгусида унга ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ кафолатлар бериши лозимлигини онгостида тасаввур қилиб, ходимликка танловни бошқа шахс фойдасига амалга оширмоқда. Шунинг назарда тутиб, келгусида қабул қилиниши назарда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳририда аёллар билан боғлиқ имтиёзларни мувофиқлаштириш режалаштирилган. Мамлакатимиздаги ислохотларнинг пировард натижаси инсон манфаатлари экан, бунда аёл ҳуқуқларига эътибор қаратиш, жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳар доим долзарб бўлиб қолаверади.

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПОЙДЕВОРИ СИФАТИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида ички ишлар идоралари ходимларининг қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда касбий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади.

Демократик ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан *аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятига* боғлиқдир. Бунда аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, қонунларга ҳурмат муносабатида бўлишини, унинг конституцион ҳуқуқларини англашини, Ватан тақдирига, мамлакатда ва дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси билан қарашини шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Жамият ҳуқуқий маданиятининг юқори даражада бўлиши аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини, унинг белгилаб олинган мақсадларга муваффақиятли эришишга қизиқиши ва масъулиятини, юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини ошишига ёрдам беради, муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг иштирокини жиддий кенгайтиради.

Давлат жамиятнинг барча соҳаларини ва уларда кишиларнинг хулқини тартибга солишда ҳуқуқий маданиятнинг ролига алоҳида аҳамият беради. Чунки шахс кўп жиҳатдан қонунларга тегишли жазо ҳақида билиши сабабли эмас, балки унинг ўзи бундай ҳаракатни ҳаётий тамойилларга номуносиб ва зид ҳисоблагани боис риоя қилади. Бинобарин, ҳуқуқий маданият қонунларда кўзда тутилган нотўғри хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликдан кўра ижтимоий муносабатларни тартибга солишда катта роль ўйнайди.

Ҳуқуқий маданият ижтимоий муносабатларни тартибга солиш асносида сиёсий, миллий, ахлоқий ва эстетик маданиятлар билан биргаликда таъсир кўрсатади. Шу сабабли мазкур тушунчани, унинг таркибий қисмларини ва вазифаларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Юристарнинг “ҳуқуқий маданият” тушунчасининг ҳуқуқий табиатига оид фикрлари ва таърифлари деярли бир-бирларига ўхшаш. Масалан, В.В.Лазаревнинг ҳисоблашича, “жамиятнинг ҳуқуқий маданияти

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

жамият ҳуқуқий ҳаётининг сифатий ҳолатидир. У ҳуқуқий ҳужжатларнинг, ҳуқуқий ва ҳуқуқни қўллашга доир фаолиятнинг, шахснинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий ривожланиши мукаммалигининг эришилган савиясида ҳамда ижтимоий ривожланиш ва жамият мавжудлиги шароитларини сақлаб туришга ижобий таъсир қилувчи шахснинг хулқи эркинлиги даражасида ва унинг давлат билан ўзаро масъулиятларида намоён бўлади¹.

С.Алексеев тавсифига кўра, ҳуқуқий маданият деганда, жамият ҳуқуқий ҳаётининг ижтимоий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тузуми натижасидаги сифатий ҳолати тушунилади. Бу ҳолат ҳуқуқий фаолиятнинг, юридик ҳужжатларнинг, ҳуқуқий онгининг ва умуман субъект (инсон, турли гуруҳлар, барча аҳоли)нинг ҳуқуқий ривожланиши ҳамда *давлат ва фуқаролик жамияти томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши* даражаларида ўз ифодасини топади².

Мазкур тушунчага меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам таърифлар берилган. Уларга мувофиқ, ҳуқуқий маданият – бу ҳуқуқий билимлар..

Бундай таъриф ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишга муҳим таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти ва вазифаларини тўла акс эттиради.

Бинобарин, ҳуқуқий маданият куйидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ таркибий қисм (элемент)лардан иборат бўлади:

– фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ва уларни қўллаш маҳорати ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишига ва қонун доирасида ҳаракат қилишига тайёр эканлиги билан ўз ифодасини топадиган ҳуқуқий фаоллиги;

– қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамаллиги, сифати, асосланганлиги ва уйғунлиги билан ифодаланадиган қонун ижодкорлиги фаолияти;

– ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифати, қонунларга ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларга риоя қилишлари билан ифодаланадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг фаолияти;

– суд-ҳуқуқ соҳасида муаммоларни тадқиқ қилишга ва уларни олдиндан аниқлашга ҳамда жамиятнинг замонавий талабларига мос бўлган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган юридик фан;

– ижтимоий-ҳуқуқий тажриба ва бошқалар асосида ҳуқуқий кўрсатмаларни қабул қилиш, шарҳлаш, қўллаш бўйича юридик амалиёт.

¹ Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси: Дарслик /В.В. Лазарев таҳрири остида– М : Юристь, 2001, – 137-б.

² Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / С.С. Алексеев таҳрири остида.

Ҳуқуқий маданият таркибий қисмларининг келтирилган рўйхати тугал эмас. Умуман олганда, улар жамиятнинг ҳуқуқий тизимига кириб, қонунийлик тартиботини, ҳуқуқ субъектларининг тўғри хаттиҳаракатларининг йиғиндиси бўлган ижтимоий муносабатларнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги аҳволини белгилайди.

Дарҳақиқат, келгусида умуман *аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини баҳолаш меъёрларини* ишлаб чиқиш зарур. Чунки ҳуқуқий маданият ҳолатини таҳлил этиш уни юксалтириш механизмларида мавжуд бўшлиқларга эътиборни қаратишга, ушбу соҳада амалга ошириладиган тадбирлар сифатини ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг бу жараёнлардаги иштироки даражасини аниқлашга, мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида таклифлар ишлаб чиқишга имкон беради.

Юридик адабиётда ҳуқуқий маданиятнинг турлари уларни ифодаловчиларга қараб фарқланиб, улар жамиятнинг ҳуқуқий маданияти, шахснинг ҳуқуқий маданияти, касб эгалари (профессионал) ҳуқуқий маданияти сифатида намоён бўлади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти – бу инсоният томонидан ҳуқуқ соҳасида тўпланган ва жамиятнинг ҳуқуқий воқелигига мансуб бўлган қадриятлар тизимини акс эттирувчи умумий маданиятнинг қисмидир.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти – бу ҳар бир кишининг ўз фаолиятида ва ҳуқуқий онгида субъектив тарзда шаклланган ҳуқуқий билим, яъни амалдаги ҳуқуққа нисбатан муносабатни ифодаловчи тасаввурлар, қарашлар ва туйғулар йиғиндисидан намоён бўлади.

Маълумки, фуқаро унинг ишида, кундалик турмушида ва ўз оиласида ҳуқуқий билимларнинг энг кам қисмидан фойдаланади. Бу билимлар, одатда, конституция, меҳнат, оила, фуқаролик, тадбиркорлик ҳуқуқларига оид бўлади. Фуқароларнинг кенг юридик билимларга эга бўлишлари ҳам ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражасини аниқламайди, чунки ҳуқуқий маданият нафақат ҳуқуқий билимларни, балки уларни қўллай олиш ва ҳуқуқий фаолликни намоён қилиш маҳоратини ўзида мужассамлаштиради.

Касбий (профессионал) ҳуқуқий маданият шундай кишилар гуруҳига хос бўладики, улар махсус маълумот ва амалий тайёргарлик талаб қиладиган юридик фаолият билан касб тарихида шуғулланади. Бундай гуруҳ касбий фаолиятнинг тегишли соҳаларидаги ҳуқуқий ҳодисаларни юқорирок даражада билиш ва тушуниш билан ажралиб туради.

Ҳуқуқий маданиятнинг бундай тавсифи тўла ҳолда асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни таъминлаш бўлган юристлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

ҳамда суд органлари ходимларига мансуб бўлади. Улар қонун ва қонуности ҳужжатларининг зарурлигига, ижтимоий фойдалилигига, ҳуқуқнинг адолат мезони сифатида аҳамиятига қатъий ишончга эга бўлишлари ҳамда кундалик фаолиятда ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни билишлари зарур.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги, муҳим давлат қарорларини қабул қилишдаги фаоллигининг ошиши аҳолининг нафақат ҳуқуқий маданиятини, балки сиёсий маданиятини ҳам шакллантириш заруратини белгилаб беради.

Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтиришга йўналтирилган тарғиботни самарали ташкил этишда таълим муассасалари, давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқ-тарғибот бўлинмалари билан бир қаторда *фуқаролик жамияти институтлари* ҳам муҳим роль ўйнайди.

Жамоат ташкилотлари аҳолининг муайян мақсадли гуруҳларини (ёшлар, хотин-қизлар, тадбиркорлар ва ҳоказо) ҳуқуқий маданияти ва уларнинг фуқаровий фаоллигини оширишда самарали фаолият олиб бормоқдалар. Шу билан бирга, фуқароларнинг амалдаги қонунчиликда хабардорлиги даражасининг оширишида *фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари* томонидан тузилган маслаҳат марказларининг вазифалари ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришда *оммавий ахборот воситалари* муҳим роль ўйнайди. Оммавий ахборот воситалари фуқаровий фаолликни таъминлаш, маънавий қадриятларни шакллантириш, аҳолининг одоб-ахлоқ ва маданиятини ошириш бўйича мунтазам фаолият олиб боради.

Оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан фарқли равишда аҳолига ахборот бериш, унга долзарб ҳуқуқий маълумотни етказиш, муайян масалалар юзасидан фикр ва фаол ёндашувни шакллантириш бўйича доимий тарзда ишлар олиб боради. Умуман, фуқаролик жамияти институтларининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини кучайтиришда роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

МУНДАРИЖА

<i>О.Т.Ахмедов</i> Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда конституциявий ислоҳотларнинг ўрни.....	3
<i>И.Исмаилов</i> Жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид конституциявий нормаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.....	6
<i>Тультеев И.Т.</i> Конституционное развитие Узбекистана.....	15
<i>Н.П.Азизов</i> Ўзбекистон Республикасининг конституцияси – инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг кафолати сифатида.....	21
<i>У.Э.Расулев</i> Одам савдоси жиноятини жамоат хавфсизлигига таҳдиди: асосий тенденция ва муаммолар.....	28
<i>Ф.Ф.Хатамов</i> Инсон ҳуқуқлари – Янги Ўзбекистоннинг асосий маънавий таянчи.....	37
<i>М.И.Суванкулов</i> “Хавфсиз маҳалла” тамойилини амалга ошириш – жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили.....	41
<i>Б.А.Улугбеков, Б.Р.Рахмонбердиев</i> Сравнительно-правовой анализ уголовного законодательства Российской Федерации и Республики Узбекистан.....	51
<i>Э.Э.Марупов, Д.М.Мирзаахмедов</i> Системы электронного документооборота как улучшенный метод передачи информации.....	55
<i>М.И.Суванкулов, Б.Б.Рахмонбердиев</i> Информационная угроза – социальная инженерия.....	58
<i>Б.Ш.Юсупов</i> Конституциявий ислоҳотлар: инсон ҳуқуқлари, жамият ва давлат тараққиёти гарови.....	62
<i>У.Қ Туймабаев, И.Ш.Ниязов</i> диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда профилактика инспекторларининг бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги.....	66
<i>Б.Б.Тургунбоев</i> Йўл ҳаракати қоидалари таҳлили – жамоат хавсизлигининг мезони сифатида.....	72
<i>Н.Л.Мелиқулов</i> Фуқаролик масалаларига оид ислоҳотлар	77
<i>А.Кулахмедов</i> Конституция – миллат тафаккурининг маҳсули.....	80
<i>Ж.Қ.Хамраев</i>	

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш – Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларнинг бош мезон.....	84
<i>Б.Н.Сирлиев, Э.У.Эргашев</i>	
Конституция –жамоат хавфсизлиги ва жамият тараққиётининг ҳуқуқий кафили.....	86
<i>Д.Эшқулов</i>	
Бола ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари....	89
<i>У.Э.Фозилов</i>	
Дунё конституцияларининг қиёсий таҳлили.....	94
<i>А.Ш.Муродов</i>	
Конституция – жамият тараққиётининг пойдевори.....	98
<i>М.Х.Ачилов</i>	
Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари.....	100
<i>Ж.М.Якубов</i>	
Конституция – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг Кафили.....	109
<i>Х.Х.Бахрамов</i>	
Конституциявий ислоҳотлар – давр талаби.....	115
<i>А.М.Маннонов</i>	
Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатларига доир айрим масалалар.....	120
<i>О.С.Субанов</i>	
Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари.....	123
<i>Н.Б.Шоимов</i>	
Экологик хавфсизликни таъминлаш Конституция даражасида мустақкамланмоқда.....	127
<i>Х.И.Суванкулов</i>	
Ахборот технологиялари – жамиятда очиклик ва шаффофликни таъминлашнинг муҳим воситаси	131
<i>Э.Э.Марупов, Д.Мирзаахмедов</i>	
Ахборот технологиялари – жамиятда очиклик ва шаффофликни таъминлашнинг муҳим воситаси.....	132
<i>Х.И.Суванкулов</i>	
Конституцияда ота-она ва фарзанд масъулияти.....	138
<i>Ж.Ж.Айтмуратов</i>	
Жамоат тартибини сақлашда йўл-патруль хизмати ходимларининг ўрни	145
<i>Ш.Х.Ғаниев</i>	
Конституциявий принципларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида тартибга солиниши	150
<i>Л.З.Комилов</i>	
Конституция – жамиятда демократия ривожланишининг кафолати.....	154

<i>Ш.А.Таджиметов</i>	
Конституция - инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати	159
<i>Х.А.Тураббаев</i>	
Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш – жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий асоси сифатида.....	163
<i>Б.Б.Умурзаков</i>	
Конституция – тараққётга интилишда таянчимиз ва бахтимиз қомуси	170
<i>Г.К.Уразбаева</i>	
Жамоатчилик назорати – жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили.....	173
<i>Ш.Н.Вахабова</i>	
Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	179
<i>Э.У.Эргашев</i>	
Ички ишлар органлар ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг долзарб муаммолари	182
<i>С.С.Шарипов</i>	
Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари: бугунги ҳолати ва истиқболлари.....	186
<i>З.М.Алиева, М.А.Умарова</i>	
Жамоат хавфсизлигини таъминлашда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари.....	192
<i>А.А.Абдуситов</i>	
Юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг пойдевори сифатида.....	200

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ**
Республика илмий-амалий конференция тўплами

Босишга рухсат этилди. _____ 2022_й. Ҳажми 17 б.т.
Адади 50 нусха. Буюртма № ____.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213, Тошкент, Х.Бойқаро кўчаси, 27-а уй